

О‘ЗБЕКISTON RESPUBLIKASI
VAZIRLAR MAHKAMASINING
QARORI



ПОСТАНОВЛЕНИЕ
КАБИНЕТА МИНИСТРОВ
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

4 декабрь 2018 й.г. № 983

Toshkent sh.

**Ер қаърини геологик ўрганиш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш
соҳасидаги бошқарув ва назорат қилиш тизимини янада
такомиллаштириш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”, “Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида”, “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида”ги қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 1 мартдаги ПҚ-3578-сон қарорига мувофиқ ҳамда ер қаърини геологик ўрганиш, фойдаланиш ва муҳофаза қилиш соҳасидаги бошқарув тизимини янада такомиллаштириш ва самарали назорат қилишни таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун кон ажратиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ;

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун кон ажратмаси бериш тартиби тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ;

Ер ости бойликларини қазиб олиш жараёнида қазиб олинган ва йўқотилган фойдали қазилмалар захираларини ер қаъридан фойдаланувчининг ҳисобидан чиқариш тартиби тўғрисидаги низом 3-иловага мувофиқ;

Ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низом 4-иловага мувофиқ;

Фойдали қазилмаларни қазилмоқчи бўлиш чоғида ер қаърини муҳофаза қилишнинг ягона қоидалари 5-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси:

олдин берилган кон ажратиш далолатномаларини 2018 йил 31 декабрга қадар танқидий кўриб чиқсин ва зарурат бўлганда конга ишлов бериш ҳамда фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун янги кон ажратиш далолатномасини ушбу қарорда белгиланган талабларга мувофиқ берсин;

ер ости бойликларини муҳофаза қилиш ва ер қаъридан фойдаланувчиларнинг кон-геология ишлари соҳасидаги фаолияти назорат қилинишини кучайтирсин;

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, шунингдек, бошқа оммавий ахборот воситалари билан биргаликда ер каъридан фойдаланувчилар ўртасида ушбу қарорнинг мазмун ва моҳияти бўйича кенг тушунтириш ишлари олиб борсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда улар қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни икки ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 6-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.С.Султанов ва Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси раиси Б.Ф. Исламов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 4 декабрдаги
983-сон қарорига
1-илова

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун кон ажратиш тартиби тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмаларни, шу жумладан, юзага келган техник-иктисидийконъюктура шароитида қазиб олиш мақсадга мувофиқ бўлиши мумкин бўлган техноген минерал ҳосилаларни, руда бор жойларни ва майда сочма участкаларни қазиб олиш учун кон ишининг ягона тартибини белгилайди.

2. Кон ажратмаси деб лицензияга мувофиқ ва ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияда кўрсатилган мақсадларда фойдаланишга берилган майдони ва чуқурлигига кўра чекланган ер қаърининг геометриклаштирилган участкасига айтилади.

3. Қазиб олиш учун кон ажратиш лицензияга мувофиқ ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқлайдиган ҳужжат ҳисобланадиган кон ажратиш далолатномаси асосида берилади.

Кон ажратиш далолатномаси шакли ушбу Низомга 1-иловада келтирилган.

4. Ушбу Низом мулкчилик шаклларида қатъи назар фойдали қазилмаларни, шу жумладан, техноген ҳосилаларни қазиб олувчи корхоналарни лойиҳалаштирувчи, қурувчи, реконструкция қилувчи, кенгайтирувчи ер қаъридан барча фойдаланувчилар учун мажбурий ҳисобланади.

5. Фойдали қазилмалар конини ёки унинг бир қисмини лицензиясиз ва кон ажратмасисиз ёки унинг чегарасидан ташқарида қазиб олиш тақиқланади ва ишлаб чиқариш харажатлари қопланмаган ҳолда белгиланган тартибда тўхтатилади.

6. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун кон ажратмаси ер ости участкасидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензия асосида кон ажратиш далолатномасини белгиланган тартибда расмийлаштирган (олган) Ўзбекистон Республикасининг, бошқа давлатларнинг юридик ва жисмоний шахсларига, фуқаролиги бўлмаган шахсларга берилиши мумкин.

7. Фойдали қазилмалар конини ёки унинг бир қисмини ишлатиш учун кон ажратмаси асосий захиралар ва у билан биргаликда жойлашган фойдали қазилмалар ва уларнинг таркибидаги компонентлар захиралари Ўзбекистон Республикаси Давлат геология қўмитаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси (кейинги ўринларда ДЗК деб аталади) томонидан тасдиқланиши ва кон белгиланган тартибда саноат йўли билан ўзлаштириш учун берилиши, шунингдек, лицензия ва ер қаърини муҳофаза қилиш ҳамда ишларни бехатар олиб бориш қоидалари ва нормалари талаблари ҳисобга олинган ҳолда бажарилган фойдали қазилмаларни қазиб олувчи корхоналарни қуриш, реконструкция қилиш ёки кенгайтиришнинг тасдиқланган лойиҳаси мавжуд бўлган тақдирда берилади.

8. Тажриба-саноат кўламида фойдали қазилмаларни кавлаб олиш кон ажратмаси бермасдан (нефть ва газ конлари бундан мустасно) лицензия ер қаърини геологик жихатдан ўрганиш муддатига, бироқ 5йилдан ортиқ бўлмаган муддатга берилган лицензия ва белгиланган тартибда тасдиқланган ва кончилик муносабатларини тартибга солиш соҳасида махсус ваколатли органлар билан келишилган лойиҳа асосида берилади. Тажриба ишлари тугагандан сўнг, саноат кўламида қазиб олиш учун ушбу фойдаланувчи Низомда белгиланган тартибга мувофиқ кон ажратмасини расмийлаштириши керак.

9. Нефть ва газни тажриба-саноат йўли билан қазиб олиш Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитаси томонидан уч йилдан ортиқ бўлмаган муддатга бериладиган лицензия ва Давлат геология қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) томонидан бериладиган ва белгиланган тартибда кон ажратмаси расмийлаштирилган ҳолда кон ажратмаси асосида амалга оширилади.

10. Кон ажратмаси лойиҳалари ва тажриба-техник фойдаланишнинг технологик схемалари оператив тасдиқланган захираларга тузилиши мумкин. Конларни тажриба-саноат йўли билан фойдаланиш учун ишга тушириш қазиб олишнинг ушбу босқичига қўйиладиган талабларгариоя қилинган тақдирда мумкин бўлади. Шошилиш кон ажратмаси бериш тартиби ва талаблари муддатсиз кон ажратмаси бериш билан айна бир хилдир.

11. Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш учун қурилаётган, реконструкция қилинаётган ва кенгайтирилаётган корхоналар учун кон ажратиш ушбу корхоналар қурилиши, реконструкция қилиниши ёки кенгайтирилиши бошланишидан олдин расмийлаштирилади.

12. Фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи ва фойдали қазилмалар конларини ишлатувчи корхоналар қурилиши учун ер участкаси ажратиш кон ажратилгандан кейин Ўзбекистон Республикасининг ер ҳақидаги қонунларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

13. Ер қаъридан фойдаланувчи томонидан унга ажратилган конни бошқа юридик ва жисмоний шахсларга бериш тақиқланади. Корхонанинг номи ўзгарган тақдирда кон ажратиш далолатномаси ва топография режаси нусхасидаги ёзув қайта расмийлаштирилади.

14. Корхоналар, бинолар, иншоотлар, аҳоли пунктлари, шаҳарсозлик фаолиятини тартибга солувчи умумдават ва маҳаллий аҳамиятга эга объектлар ва алоҳида қўриқланувчи ҳудудлар (курортлар, ўрмонзор боғлар, қўриқхоналар, сув таъминоти манбалари ва бошқалар), дарёлар, сув ҳавзалари, тарих, маданият ва санъат ёдгорликлари, қимматли қишлоқ хўжалиги экин майдонлари, чегара зоналари, аэродромлар, махсус вазифали полигонлар, ажратиб олинган зоналар, мустаҳкамланган районлар, қабристонлар ва бошқа объектлар жойлашган жой ҳудуди остидаги фойдали қазилма конларини ишлатиш учун кон ажратиш маҳаллий давлат ҳокимият органлари, Давлат экология қўмитаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кон ишлари учун бериладиган ҳудудда жойлашган ер участкасидан доимий ва вақтинча фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар билан келишилгандан кейин амалга оширилади.

15. Махсус вазифали ерлар доирасида кон ажратиш қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади.

16. Ер участкасидан фойдаланиш (эғалик қилиш) ҳуқуқининг мавжудлиги ушбу участкада жойлашган фойдали қазилмаларни қазиб олиш ҳуқуқини бермайди, ушбу бўлимнинг 18-бандида назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

17. Фойдали қазилмаларни кавлаб олиш бўйича корхоналарни қуриш, реконструкция қилиш ва кенгайтириш ишларини маблағ билан таъминлашга фақат кон ажратилишини тасдиқловчи далолатнома, шунингдек, давлат экология экспертизасининг ижобий хулосаси мавжуд бўлганда йўл қўйилади ва улар олиб қўйилганда тўхтатилади.

18. Ер эгалари ва ердан фойдаланувчилар уларга берилган ер участкалари доирасида ер қаъридан кенг тарқалган фойдали қазилмаларни, ер ости сувларини хўжалик ва маиший эҳтиёжлар учун қазилма мақсадида лицензия ва кон ажратиш далолатномаси олмасдан қуйидаги шартларга риоя қилиш шarti билан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўладилар:

кенг тарқалган фойдали қазилмаларни кавлаб олиш очик усулда, бир ўйикнинг баландлиги икки метрдан ортиқ бўлмаган ва Инспекция билан келишган ҳолда амалга оширилиши керак;

ишлар техника хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинган ҳолда олиб борилиши керак;

унумдор қатламни олиб ташлаш ва сақлаш, шунингдек, бузилган ерни кейинчалик қайта тиклаш масаласи ҳал этилиши керак;

кон ишлари бошланишидан 10 кун олдин Инспекция ва маҳаллий ҳокимият органлари хабардор қилиниши керак;

қазиб олинган кенг тарқалган фойдали қазилмалар ва ер ости сувларидан ер участкаси эгаси (фойдаланувчи)нинг хўжалик ёки маиший эҳтиёжлари учунгина фойдаланилиши керак.

Фойда олиш мақсадида қазиб олинган фойдали қазилмаларни бошқа корхоналар, ташкилотлар ва фуқароларга сотиш ёки беришга йўл қўйилмайди.

2-боб. Кон ажратишга қўйиладиган асосий талаблар

19. Кон ажратиш ер ости бойликларидан фойдаланувчига конни саноат йўли билан ўзлаштириш учун бериш-қабул қилиб олиш далолатномаси бўйича саноат йўли билан ўзлаштириш учун бериладиган тасдиқланган захиралар жойлашган бутун майдонга ва унинг чуқурлигига берилади.

Ушбу талаб фойдали қазилмаларнинг биргаликда жойлашган бир неча турларидан иборат бўлган комплекс конларга нисбатан ҳам татбиқ этилади.

20. Ўйрик конларни ишлатиш учун кон ажратмаси мустасно ҳолларда ушбу коннинг муайян участкасидан фойдаланиш ҳуқуқига лицензияси бўлган икки ёки бир неча ер қаъридан фойдаланувчиларга берилиши мумкин.

21. Бир майдонда жойлашган ҳар хил турдаги фойдали қазилма конларини ишлатиш зарурати туғилганда кон ажратмаси ҳар бир конни ишлатиш учун алоҳида берилади. Ушбу ҳолда, шунингдек, ўйрик фойдали қазилма конлари бир неча ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан қазилганда конни ёки унинг қисмларини қазилма изчиллиги ҳамда кон ишлари ўзаро алоқадорлиги ер қаъридан топилган захираларнинг энг тўлиқ, комплекс ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ қазиб олинишини, ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва ишларни бехатар олиб бериш талаблари бажарилишини таъминлаши керак.

Бир майдондаги нефть ва газ горизонтлари иккита ер қаъридан фойдаланувчи томонидан қазиб олинган ҳолларда ушбу Низомда белгиланган тартибда иккита мустақил кон ажратмаси расмийлаштирилиши зарур.

22. Қаттиқ фойдали қазилмалар конларини ишлатиш учун кон ажратиш чегаралари ДЗК томонидан тасдиқланган захиралар ёки уларнинг қисмлари контурлари билан белгиланади, тоғ жинслари силжиши ёки карьер ён деворлари кенгайиши зоналари ҳисобга олинган ҳолда лойиҳалаштириш учун ДЗК томонидан рухсат берилган ҳажмлардаги С тоифаси ҳам шу жумлага киради.

Нефть ва газ конлари бўйича кон ажратиш чегаралари ҳар бир кон учун ДЗК томонидан тасдиқланган $A+B+C_1$ тоифалар захираларининг контури бўйичаолоҳида, ҳар қайси захира учун белгиланади. Қидириш тугалланган, 1 млн тоннагача нефть ва 3 млрд куб метргача газ захиралари қазиб олинаётган конлар учун кон ажратмалари чегаралари ДЗК томонидан қабул қилинган $A+B+C_1$ ва C_2 тоифалар захиралари контурлари бўйича белгиланиши мумкин.

Қазишда контурдан ташқари сув билан тўлдиришни қўллаш назарда тутилган конлар учун кон ажратмаси чегаралари контурдан ташқари ҳайдайдиган қудуқлар жойлашуви периметри бўйича белгиланади.

Кон участкаларини, маъдантаналарини мустақил қазиб олиш учун яроқсиз бўлган тоғ жинслари ва қатламларни ажратилган кон ажратмаси ташқарисида қолдириш тақиқланади.

23. Ишлаб турган корхонага ажратилган кон чегарасидан ташқарида жойлашган кон участкаларини қазиб олиш учун жалб этиш мақсадида кесиб олиш ушбу Низом билан белгиланган тартибда янги кон ажратиш сифатида расмийлаштирилади.

24. Тоғ жинслари қатлами ва руда жисмлардан иборат кўмир конлари учун кон ажратиш барча қатламлар ва руда жисмлари бўйича расмийлаштирилади. Агар ушбу захираларни ўйиш қолган қатламлар ва руда жисмларига, захираларига зарарли таъсир кўрсатмаса ёки уларнинг кейинчалик қазиб олинишини қийинлаштирмаса ва ер қаъридаги минерал хомашёнинг қўшимча равишда камайишига олиб келмаса, алоҳида қатламлар ва руда жинслари, захиралари бўйича кон ажратишга, истисно тариқасида, йўл қўйилади.

25. Ер остини газлаштириш усули билан қазиладиган кўмир конлари чегарасида кўмир қазиб олиш учун кон ажратишга, очиқ ёки ёпиқ усул билан қазиладиган кўмир кони чегарасида ер остини газлаштириш учун кон ажратишга фақат махсус лойиҳалар бўйича ва ер остини газлаштириш ҳудудида кон ишларининг хавфсизлиги тўғрисида ва газлаштиришнинг қўшни фойдали қазилма конларига зарарли таъсири йўқлиги ҳақида эксперт хулосаси мавжуд бўлган тақдирдагина йўл қўйилади.

26. Фойдали қазилмалар конларини ишлатиш учун кон ажратиш муддати чекланмаган ва чекланган муддатли бўлиши мумкин.

Фойдаланиш муддати чекланган ҳолларда кон ажратиш лицензияда кўрсатилган муддатга, нефть ва газ конлари учун эса – 5 йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади. Зарурат бўлганда кон ажратишнинг амал қилиш муддати узайтирилиши мумкин. Кон ажратишнинг амал қилиш муддатини узайтиришда фақат кон ажратиш далолатномаси ва топография режаларидаги ёзувлар қайта расмийлаштирилади.

27. Фойдали қазилмалар конларини ишлатиш учун кон ажратиш лойиҳалари, қоидага кўра, Давлат экология кўмитаси органларида ва Инспекцияда рўйхатдан ўтказилган ихтисослаштирилган лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилади. Кон ажратмалари лойиҳаларининг фойдали қазилмаларни қазувчи корхоналарнинг лойиҳа-конструкторлик бюрolari томонидан ишлаб чиқилишига йўл қўйилади.

Фойдали қазилмаларни қазувчи корхоналарни куриш, реконструкция қилиш ёки кенгайтиришни лойиҳалаштиришда (кон ажратмаси лойиҳаси техник лойиҳа таркибда ишлаб чиқилган тақдирда) лойиҳалаш ташкилоти асосий техник-иктисодий кўрсаткичларни, ўлчамларни, чегараларни ва бўлажак кон ва ер ажратишнинг бошқа асосий параметрларини, шунингдек, фойдали қазилмалар захираларидан оқилона фойдаланишни, атроф табиий муҳит, ходимлар ва аҳоли, бинолар ва иншоотларнинг кон қазилиши билан боғлиқ кон ишларининг зарарли таъсиридан муҳофаза қилинишини таъминлайдиган чора-тадбирларни белгилайди.

3-боб. Кон ажратиш лойиҳаси мазмуни

28. Фойдали қазилма конини ишлатиш учун кон ажратиш лойиҳаси тушунтириш хатидан ва чизма материаллардан иборат бўлиши керак.

29. Тушунтириш хатида сўралаётган кон ажратишдан кўзда тутилган мақсад кўрсатилади ҳамда уни олиш зарурлиги асосланади, шунингдек, қуйидаги маълумотлар баён қилинади:

фойдали қазилмаларни қазувчи корхона лойиҳалаштирувчи, лойиҳани келишган ва тасдиқлаган ташкилотнинг номи, шунингдек, кон ажратиш лойиҳасини тайёрлаган ташкилотнинг номи;

сўралаётган кон ажратмаси худуди тўғрисидаги умумий маълумотлар (географик ва маъмурий ҳолати, майдоннинг катталиги, қишлоқ хўжалиги экинлари ва ўрмонзорлар тавсифи, ободонлиги, фойдаланилиши ва бошқалар) ;

коннинг қисқача геологик тавсифи (қатламлар, руда жисмлари, тоғ жинслари ва бошқаларнинг ўлчами ва элементлари), конни қазушнинг кон-геология ва гидрогеология шарт-шароитлари, ёндош кон ажратмалари тўғрисидаги умумий маълумотлар;

коннинг қидирилганлиги, асосий фойдали қазилмалар ва улар билан бирга жойлашган фойдали қазилмалар захираларининг қидирилган ва тасдиқланган, оператив ҳисобга олинган миқдори, сифати, тоифалилиги ва ашёвий таркиби тўғрисидаги маълумотлар, очиқ усулда қазушда эса – шунингдек, фойдали қазилма устида жойлашган жинслар ҳақидаги маълумотлар;

кон ажратмаси чегараларини асослаш;

қазуш чоғида ва кейинчалик ишлов беришда минерал хомашёдан комплекс фойдаланиш чора-тадбирлари.

30. Чизма материаллар ер ажратишнинг лойиҳа чегараларида юзанинг топографик (гипсометрик) режаси нусхасидан ва амалдаги йўриқномалар ва методик кўрсатмалар талабларига мувофиқ тузилган геологик (таркибий) хариталар ва қирқимлар нусхаларидан иборат бўлиши керак.

Юзанинг топографик режаси нусхасида юза рельефи ва таянч геодезия тармоғи пунктлари, фойдали қазилмалар қатламларининг ер юзасига ёки чўкинди қатламларга чиқиши, мавжуд кон иншоотлари (шахталар, штоленлар, шурфлар ва бошқалар)нинг оғзи, қидириш мақсадида қазилган кудуклар ва бошқа кудуклар; ўрмонзорлар ва қишлоқ хўжалиги экинларининг контурлари, кон майдонидаги ердан

фойдаланиш ва аҳоли пунктлари лойиҳавий ва мавжуд чегаралари ва яқинидаги иншоотлар, бинолар, уларнинг қаватлари, қўшни ва сўралаётган ер ажратиш чегаралари, бурчак нуқталар ва кон ишларини беҳатар олиб бориш чегаралари белгиланган ҳолда ер ажратиш кўрсатилиши керак.

Топографик режанинг бўш қисмида горизонтал яссиликда ер ажратмаси проекцияси майдони (гектарларда), режа ва усти очик кон бўйича график билан белгиланадиган сўралаётган ер ажратмаси бурчак нуқталарининг Х, У, Z координатлари катталиги, режа тўлдирилган сана кўрсатилади.

Режанинг юқориғи ўнг томонида топографик нусха ёзувлари ушбу Низомга 2-иловага мувофиқ намунадаги бурчаклик штамп қўйилади.

Топография режаси нусхаси масштаби тасвирланаётган участка ўлчамига, фойдали қазилмалар қазилш бўйича юридик ёки жисмоний шахсларнинг хусусияти ва вазифасига боғлиқ ҳолда қабул қилинади, бироқ у 1:5000 масштабдан кам бўлмаслиги керак.

Каттароқ майдонга эга бўлган кон ажратмалари учун топография режаси нусхасини 1:5000 дан 1:25000 гача бўлган масштабда тақдим этишга рухсат берилади.

Кон ажратишни расмийлаштириш учун тақдим этилган топография режаси нусхаларидан бири полотно калькада, лавсанда ёки уларда муҳр узоқ вақт яхши сақланишини таъминлайдиган бошқа материалларда тайёрланиши керак.

Геология харитаси ва усти очик конлар нусхаларида коннинг ва унга туташиб кетган ҳудуднинг геологик тузилиши, фойдали қазилмалар қатламлари контурлари, уларнинг ер юзасига ва чўкинди қатламларга чиқиши, тектоник бузилишлар, ўпирилишлар жойи ва участкаларнинг фойдаланиш учун яроқсиз бўлган бошқа жойлари; коннинг ва унга яқин ҳудуднинг гидрогеологик ва муҳандислик-геологик шароитлари; фойдали қазилмалар захираларининг тасдиқланган ва оператив ҳисобга олинган захиралари ҳисоб-китоби контурлари, сўралаётган ер ажратишнинг майдони ва чуқурлиги бўйича контурлари кўрсатилиши керак.

31. Кўмир конини қазилш учун ер ажратиш лойиҳасида, шунингдек, уларга ер ажратиш лойиҳа контури чизилган ҳолда 1:5000 масштабида разведка қилинган барча қатламларнинг гипсометрик режалари тақдим этилиши керак.

Икки ёки ундан кўп қатламлардан иборат бўлган кўмир конини қазилш учун ажратилган ер контурининг топография режасида силжиш бурчаклари ҳисобга олинган ҳолда проекциялар бўйича чекка бурчак нуқталари белгиланади.

32. Нефть ва газ конларини қазилш учун кон ажратмалари олишда геология харитаси ўрнига ҳар бир саноат нефть ёки газ горизонти бўйича камида 1:50 000 масштаби А+В+С ва С тоифалар захиралари чегарали кўрсатилган ҳолда таркибий хариталар, шунингдек, унумдор тоғ жинслари тизмаси ва горизонтлар жойлашган жой чуқурлиги кўрсатиладиган таркибий харита билан боғлиқ бўлган геологик профиллар (узунаси ва бир-бири билан кесишадиган чизик бўйлаб) тақдим этилиши керак.

33. Кон ажратмаси лойиҳасига қуйидагилар илова қилиниши керак:

саноат йўли билан ўзлаштириш учун фойдали қазилмалар конини бериш-қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатнома нусхаси, нефть ва газ конлари учун бундан ташқари уларни қазилш лойиҳаси тасдиқланганлиги тўғрисидаги ҳужжатлар нусхалари;

фойдали қазилмаларни қазиб олувчи корхонани қуриш, реконструкция қилиш ёки кенгайтириш лойиҳасининг белгиланган тартибда келишилган ва тасдиқланган лойиҳаси (ер ажратиш лойиҳаси кўриб чиқилгандан кейин ер қаъридан фойдаланувчига қайтарилади);

ер ажратилган ҳолда ердан фойдаланувчининг розилигини ёзма расмийлаштириш;

бўйсуннишига кўра юқори турувчи ташкилотнинг кон ажратиш тўғрисидаги илтимосномаси (агар табиатдан фойдаланувчи мустақил бўлса, ушбу илтимоснома талаб этилмайди).

Инспекция кон ажратмаси бериш учун зарур бўлган бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган маълумотлар ва ҳужжатларни белгиланган тартибда мустақил равишда ўзаро ахборот айирбошлаш орқали, шу жумладан, электрон тарзда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва маълумотлар бундан мустасно.

34. Кон ажратиш лойиҳаси лойиҳалаш ташкилотининг директори (бош муҳандис) ва кон ажратилишини сўраётган корхона раҳбари томонидан имзоланади, уларнинг имзолари муҳр билан тасдиқланади.

4-боб. Кон ажратиш тартиби

35. Фойдали қазилмалар конини ёки унинг участкасини ишлатиш ҳуқуқига лицензия олган юридик ёки жисмоний шахслар Инспекцияга буюртманома юборадилар. Буюртманомада юридик ёки жисмоний шахсларнинг номланиши, унинг идоравий мансублиги ва манзили, кон жойлашган жой кўрсатилади.

Буюртманомага икки нусхада зарур иловалар билан биргаликда кон ажратиш лойиҳаси илова қилинади.

Буюртманома фойдали қазилмалар конини ишлатувчи юридик ёки жисмоний шахснинг раҳбари томонидан имзоланади.

Фойдали қазилмалар конини ишлатиш учун кон ажратмасини бериш схема асосида ушбу Низомга 3-иловага мувофиқ амалга оширилади.

36. Инспекция, зарурат бўлганда, ажратиладиган конни олишдан манфаатдор бўлган корхона вакили иштирокида тақдим этилган материалларни кўриб чиқади ҳамда буюртманома олингандан кейин 10 кундан кечикмай тегишли қарор чиқаради.

37. Инспекция кон ажратиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш чоғида қуйидагиларни кўриб чиқади ва текширади:

лойиҳага илова қилиниши зарур бўлган ҳужжатларнинг мавжудлиги;

ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Низом талаблари ҳисобга олинган ҳолда кон ажратмаси чегараларининг тўғрилиги ва асосланганлиги;

унинг учун кон ажратиш сўралаётган фойдали қазилмаларни қазувчи корхонани қуриш, реконструкция қилиш ёки кенгайтириш лойиҳасининг кондан оқилона, комплекс фойдаланиш ва ер қаърини муҳофаза қилиш, ишловчиларнинг ва аҳолининг саломатлиги ва ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларни кон ишларининг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича лойиҳа ечимларининг тўлиқлиги ва асосланганлигига оид қисми;

бузилган ерларни қайта тиклаш чора-тадбирлари.

38. Инспекциянинг кон ажратиш лойиҳаси кўриб чиқилиши натижаларига оид қарори барча манфаатдор ташкилотларга маълум қилинади.

Инспекциянинг қароридан норози бўлган тақдирда ушбу қарор устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

39. Кон ажратилганлигини тасдиқловчи далолатнома икки нусхада тузилади. Инспекция раҳбарининг кон ажратиш далолатномасидаги ва топография режаси бурчакли штампдаги имзоси муҳр билан тасдиқланади.

Кон ажратилганлигини тасдиқловчи далолатнома фақат типографик йўл билан тайёрланган, хатосиз ва тузатишларсиз тўлдирилган бланкаларда берилади.

40. Кон ажратилганлигини тасдиқловчи далолатноманинг ва кон ажратишнинг расмийлаштирилган лойиҳасининг биринчи нусхалари фойдали қазилмалар конини ишлатувчи юридик ва жисмоний шахсларга берилади, ушбу ҳужжатларнинг иккинчи нусхалари эса Инспекциясида сақланади.

41. Инспекция томонидан фойдали қазилмалар конини ишлатиш учун берилган кон ажрамасини ҳисобга олиш ушбу Низомга 4-иловада келтирилган шаклдаги махсус дафтарда (реестр) амалга оширилади.

5-боб. Ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатишнинг асослари ва тартиби

42. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикасининг ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тўхтатилиши, тўхтатиб қўйилиши ёки чеклаб қўйилиши мумкин.

43. Ер қаъридан фойдаланувчи томонидан фойдали қазилмалар конларини қазиб қодалари ва нормалари бузилган тақдирда Инспекция кон ажратилганлигини тасдиқловчи далолатномани бекор қилади ва Давлат геология қўмитасига лицензияни бекор қилиш бўйича ташаббус билан чиқади.

44. Фойдали қазилмаларни қазувчи юридик ёки жисмоний шахс консервация қилинганда ёки тугатилганда кон ажратиш далолатномаси юридик ёки жисмоний шахс консервация қилиниши ёки тугатилиши тўғрисидаги далолатнома белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан кейин 30 кун муддатда Инспекцияга қайтарилади.

6-боб. Яқунловчи қодалар

45. Кон ажратмасини расмийлаштириш, уни ўз вақтида олиш ва унинг сақланиши учун ушбу Низом билан белгиланган тартибга риоя қилиш учун жавобгарлик фойдали қазилмаларни қазувчи корхона раҳбарларига юкланади, фойдали қазилмаларни қазувчи корхоналарни куриш, реконструкция қилиш ёки кенгайтиришни лойиҳалашда эса – лойиҳа бош муҳандисига ва лойиҳа ташкилоти раҳбарига юкланади.

Фойдали қазилмаларни қазувчи корхонанинг раҳбарлари ва мансабдор шахслари шунингдек ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талаблари ҳамда ер ажратишни тасдиқловчи далолатномада баён қилинган ер қаъридан фойдаланувчининг мажбуриятлари бузилганлиги учун ҳам жавоб берадилар.

Фойдали қазилмаларни ўзбошимчалик билан қазиб олишда айбдор бўлган мансабдор ва жисмоний шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

46. Ер каъридан фойдаланувчиларда кон ажратишни тасдиқловчи далолатномалар мавжудлиги, тақдим қилинган кон ажратиш ҳужжатларининг тўлиқлиги ва тўғрилиги, шунингдек, кон ишларини бажариш чоғида ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши устидан назоратни Инспекция амалга оширади.

47. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Фойдали қазилмаларни казиб
олиш учун кон ажратиш
тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ

Ўзбекистон Республикаси
Давлат геология ва минерал
ресурслар қўмитаси ҳузуридаги
Кон-геология фаолиятини назорат
қилиш инспекцияси

Инспекция по контролю за горно-
геологической деятельностью
при Государственном комитете
Республики Узбекистан по геологии
и минеральным ресурсам

КОН АЖРАТИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ № _____

20 _____ йил « _____ » _____

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси томонидан

_____ (ташкilot ёки корхонанинг тўлиқ номи ва унинг мансублиги)

_____ бурчакли пунктларнинг илова қилинаётган режасида белгиланган
чегаралардаги _____

_____ (фойдали қазилма номи)

_____ ни
_____ (шахта, кон карьери номи)

ишлатиш ва саноат йўли билан разведка қилиш учун кон ажратилди.

Ажратилган кон _____
_____ (қишлоқ, туман, вилоят, республика номи)

_____ да жойлашган.

Ер _____ юзасида

_____ бурчакли пунктлар билан белгиланган ажратилган кон проекцияси
майдони _____ ни ташкил этади.

_____ (сўз билан ёзилади)

Ажратилган коннинг амал қилиш муддати _____

Икки нусхада тузилган ушбу далолатнома, _____ тартиб рақами
билан Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси реестрига
киритилди.

Корхона фойдали қазилма конини қазиб олиш учун ажратилган конда қуйдагиларни бажаришга мажбурдир:

фойдали қазилмаларни қазиб олувчи корхонанинг тасдиқланган лойиҳасига, кон ишларини ривожлантириш режасига, нефть, газ ва ер ости сувлари конларини қазиб олиш лойиҳалари ва схемаларига ҳамда техникавий фойдаланиш қоидаларига мувофиқ конни қазиб олиш;

ажратилган кон ва унга туташиб кетган ҳудудларда барча ер усти, ер ости иншоотларини, шунингдек, атроф табиий муҳитни кон ишланмаларининг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш;

захираларнинг ҳолати ва ҳаракати, фойдали қазилмаларнинг камайиши ва аралашиб кетишини ҳисобга олиш, ишланаётган (ер қаърида вақтинча консервация қилинган) ва у билан қўшни конларда фойдали қазилмалар бузилишига йўл қўймаслик;

фойдали қазилма устида жойлашган жинслардан оқилона фойдаланишни, шунингдек уларнинг жинсларини хусусиятлари ва ернинг қайта тикланиши талаблари ҳисобга олинган ҳолда жойлаштирилишини таъминлаш;

ажратилган кон устидаги ҳудудда, шунингдек, фойдали қазилмалар конларига туташ майдонларда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилишинспекцияси органларининг рухсатсиз иморатлар қурилишига йўл қўймаслик, кондан фойдаланишда улардан фойдаланиш ёки портлатиш ишлари ва ушбу конларни ишлатишда ҳосил бўладиган кўчкларнинг хавfli ва зарарли таъсири уларга ёйилиши мумкин;

кон ишлари бошланишидан 15 кун олдин бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясига маълум қилиш.

Агар ер қаъридан фойдаланувчи бир йил давомида ер ости бойликларидан фойдаланишга киришмаса кон ажратиш далолатномаси ўз кучини йўқотади ва у Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясига қайтарилиши керак.

Фойдали қазилмаларни қазувчи корхона консервация қилинганда ёки тугатилганда объект тугатилиши ёки консервация қилинишига оид ишлар тамом бўлган кунда тўлдирилган геология ва маркшейдер ҳужжатларининг асл нусхалари 10 кун муддатда ўзининг юқори турувчи ташкилотига топширилиши, маркшейдер режалари, геология хариталари ва қирқимлар нусхалари эса мана шу муддатда манфаатдор корхоналарга, ташкилотларга, шу жумладан, қўшни корхоналарга берилиши керак.

Корхона томонидан унга берилган кон бошқа корхонага берилиши тақиқланади.

Кон ажратиш далолатномаси маркшейдер ва геология ҳужжатларининг нусхалари олинганлиги тўғрисида манфаатдор ташкилотларнинг тилхатлари нусхалари билан биргаликда кон корхонаси консервация қилиниши ёки тугатилиши ҳақидаги далолатнома расмийлаштирилгандан кейин 15 кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар

қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясига топширилади.

Кўрсатиб ўтилган мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун фойдали қазилмаларни қазувчи корхона раҳбарлари ва мансабдор шахслари қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Мухр ўрни

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология
ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги
Кон-геология фаолиятини назорат қилиш
инспекцияси бошлиғи

20__йил «__» _____

(имзо, фамилияси, исми ва отасининг исми)

Фойдали қазилмаларни қазиб
олиш учун кон ажратиш
тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Топографик режа нусхасидаги ёзув
НАМУНАСИ**

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси томонидан кон
ажратишни тасдиқловчи 20 ____ йил « ____ » ____ даги далолатнома
бўйича _____

(ер ости бойликларидан фойдаланувчининг номи ва унинг идоравий мансублиги)

_____ га

_____ даги

(қишлоқ, туман, вилоят, республика номи)

_____ кон берилди.

(фойдали қазилма номи)

Ушбу режада _____ бурчак нукталари билан белгиланган
ажратилган кон чегаралари доирасида қуйидагиларга ишлов берилиши керак:

Т/р	Қатлам, тоғ жинси, линза ва бошқалар номи	Узунлиги, м		Майдони, га
		бўйламаси бўйича	қиялиги бўйича	
1				
2				
3				

Кон _____ м чуқурликда берилди.

Кон ажратишни тасдиқловчи далолатнома Ўзбекистон Республикаси Давлат
геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат
қилиш давлат инспекцияси реестрига 20 ____ йил « ____ » ____ да ____ тартиб рақами
билан киритилди.

Мухр ўрни

Ўзбекистон Республикаси Давлатгеология
ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги
Кон-геология фаолиятини назорат қилиш
инспекцияси бошлиғи

20 ____ й « ____ » _____

(имзо, исми ва отасининг исми, фамилияси)

Фойдали қазилмаларни қазиб
олиш учун кон ажратиш
тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**Фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун кон ажратмасини
тақдим этиш тартиби
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Фойдали қазилмалар конини ёки унинг участкасини қазиб олиш ҳуқуқига лицензия олган юридик ёки жисмоний шахслар Инспекцияга буюртманома юборадилар. Буюртманомада корхонанинг номи, унинг идоравий мансублиги ва манзили, кон жойлашган жой кўрсатилади.	Имконият доирасида
	Инспекция	Зарурат бўлганда ажратиладиган конни олишдан манфаатдор бўлган корхона вакили иштирокида тақдим этилган материалларни кўриб чиқади ва тегишли қарор қабул қилади, жумладан: - лойиҳага илова қилиниши зарур бўлган ҳужжатларнинг мавжудлигини текширади; - ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Низом талаблари ҳисобга олинган ҳолда кон ажратмаси чегараларининг тўғрилиги ва асосланганлиги ўрганади; - унинг учун кон ажратиш сўралаётган фойдали қазилмаларни қазувчи корхонани куриш, реконструкция қилиш ёки кенгайтириш лойиҳасининг қондан оқилона, комплекс фойдаланиш ва ер ости бойликларини муҳофаза қилиш, ишловчиларнинг ва аҳолининг саломатлиги ва ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларни кон ишларининг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича лойиҳа ечимларининг тўлиқлиги ва асосланганлигига оид қисмини кўриб чиқади; - бузилган ерларни қайта тиклаш чора-тадбирларини кўриб чиқади.	10 кун

2-й босқич	Инспекция	Икки нусхада кон ажратмаси берилганлигини тасдиқловчи далолатнома тузади. Кон ажратмаси далолатномаси топография режаси нусхаси Инспекция раҳбарининг имзоси муҳр билан тасдиқланади. Кон ажратмаси берилганлигини тасдиқловчи далолатномалар фақат босмахона усулида тайёрланган ва ўчириб-ёзишларсиз қўлда тушда тўлдирилган бланкаларда берилишига йўл қўйилади.	3кун
	Инспекция	Кон ажратмаси берилганлигини тасдиқловчи далолатноманинг ва кон ажратмасининг расмийлаштирилган лойиҳаси биринчи нусхалари фойдали қазилма конини қазаётган юридик ва жисмоний шахсларга берилади, иккинчи нусхалари Инспекцияда сақланади.	1кун
	Ариза берувчи	Кон ажратмаларини ҳисобга олиш дафтарига имзо қўядива кон ажратиш далолатномасини олади.	1кун
	Инспекция	Кон ажратмаси берилганлигини тасдиқловчи далолатномани расмийлаштиради ва беради.	1кун

Фойдали қазилмаларни қазиб
олиш учун кон ажратиш
тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

**Фойдали қазилмалар конларини қазиб олиш учун берилган кон ажратмаларини
ҲИСОБГА ОЛИШ ДАФТАРИ (РЕЕСТРИ)**

Реестр тартиб рақами	Кон ажратиш далолатномасининг тартиб рақами ва берилган вақти	Кон (қатлам)нинг номи	Кон ажратмаси жойлашган жой (қишлоқ, туман, вилоят, республика	Кон ажратмаси олган ташкилот ёки корхонанинг номи ва манзили	Тизимига корхона кирадиган вазирлик (идора	Қазиб олиш учун берилган фойдали қазилманинг номи	Кон ажратмасига тўғри келадиган майдон (га)	Корхонани тугатиш ёки сақлашга қўйиш, кон ажратмаси ҳажмларини ўзгартириш ва уни олиб қўйиш тўғрисидаги қайдлар	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Изоҳ. Дафтар рақам қўйиб чиқилган, ип ўтказиб боғланган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 4 декабрдаги
983-сон қарорига
2-илова

**Фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган
мақсадлар учун кон ажратмаси бериш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари, шу жумладан, нефть, газ ҳамда бошқа моддалар ва материалларни ер остида сақлаш, иншоотлар қуриш ва улардан фойдаланиш, зарарли моддалар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини кўмиш, оқова сувларни (коммунал-маиший мақсаддагидан ташқари) чиқариб юбориш учун кон ажратмалари беришнинг ягона тартибини белгилайди.

2. Лицензияга мувофиқ ва ер ости бойликларидан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензияда кўрсатилган мақсадларда фойдаланишга берилган майдони ва чуқурлигига кўра чекланган ер қабрининг геометриклаштирилган участкаси кон ажратмаси деб аталади.

3. Фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш учун кон ажратмаси (кейинги ўринларда кон ажратмаси деб аталади) фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун фойдаланувчиларга бериладиганер қабрининг фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан бевосита тегишли ёки тегишли бўлмаган бир қисмини назарда тутилади.

Кон ажратмаси лицензияга мувофиқ ер қабридан фойдаланиш ҳуқуқини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланган ушбу Низомга 1-иловага мувофиқ шакл бўйича кон ажратиш далолатномаси асосида берилади.

4. Ушбу Низом мулкчилик шаклларида қатъи назар фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини лойиҳалаштирувчи, қурувчи, фойдаланувчи ва реконструкция қилувчи барча ер қабридан фойдаланувчилар учун бажарилиши шарт ҳисобланади.

5. Кон ажратмалари олинган лицензияларга мувофиқ фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуришни амалга ошириш ва улардан фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган корхоналарга ушбу қорхоналарда махсус лойиҳалар ва кон-техника хизматлари мавжуд бўлган тақдирда берилиши мумкин.

6. Ишланган кон иншооти ёки ер қабрининг бир қисмидан фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш ёхуд конларда объектларни жойлаштириш учун фойдаланишни мўлжаллаётган қазилма бойликларни қазиб олиш бўйича ер қабридан фойдаланувчи кўрсатиб ўтилган ишлар бошлангунга қадар унга олдин берилган фойдали қазилма конига ишлов беришга кон ажратмаси бор ёки йўқлигидан қатъи назар ушбу Низомга мувофиқ кон ажратмасини расмийлаштириши шарт.

7. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини куриш ва улардан фойдаланиш учун кон ажратмаси, шу жумладан, фойдали қазилмаларни қазувчи тугатилган, консервация қилинган ёки ишлаб турган корхоналарнинг ишланган конларида ҳам, Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади) томонидан берилади.

Ер ости иншоотлари куриш ва улардан фойдаланиш ёки фойдали қазилмаларни қазиб олувчи ишлаб турган корхонанинг ишлов берилган конларидаги объектларга жойлаштириш учун кон ажратмасини беришга фойдали қазилмаларни қазувчи корхона ихтиёрида бўлган ер қаъридан фойдаланувчининг розилиги билан йўл қўйилади.

8. Зарарли моддаларни ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини кўмиш, оқова сувларни чиқариб юбориш учун кон ажратмаси беришга фақат истисно ҳолларда ҳамда ҳар бир аниқ ҳолатда махсус талаблар ва шартларга риоя қилинган тақдирда йўл қўйилади. Ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот ташкилотининг зарарли моддаларни, ишлаб чиқариш чиқиндилари ва оқова сувларни зарарсизлантириш ва фойдали суратда ишлатишнинг техник имконияти йўқлиги, шунингдек, зарарли моддалар, ишлаб чиқариш чиқиндиларини кўмиш ёки оқова сувларни чиқариб ташлаш мўлжалланаётган горизонтларнинг аралашиб кетувчи жинслари ва қатлам сувлари билан бирга қўшилиши ҳақидаги хулосаси мавжудлиги мана шундай шартлардан бири ҳисобланади.

9. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган янгидан курилаётган ер ости иншоотлари учун, шунингдек, мавжуд кон ажратмасига ер қаърининг бир қисмини кесиш (қўшиш) зарурлигини келтириб чиқарувчи бундай иншоотларни реконструкция қилиш учун кон ажратмаси лойиҳа ҳужжатлари тасдиқлангандан кейин бир ой муддатда кўрсатиб ўтилган иншоотлар курилиши (реконструкция қилиниши) бошланишидан олдин расмийлаштирилиши керак.

10. Мавжуд кон ажратмасига нисбатан ер қаърининг бир қисмини кесиш (қўшиш) ушбу Низом билан белгиланган тартибда янги кон ажратмаси сифатида расмийлаштирилади.

11. Ер ости иншооти қўрилиши фойдали қазилмалар қатлами мавжуд бўлган майдонда ёки илгари кон иншоотлари билан ишланган жинс қатламида бошланган тақдирда, уни сўровчи корхона ёки ташкилот кон ажратмаси расмийлаштирилгунга қадар фойдали қазилмалар жойлашган майдонда иморат куриш учун белгиланган тартибда рухсатнома олиши зарур.

12. Фойдали қазилмалар қазилш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини лицензия олмасдан ва кон ажратмаси далолатномасисиз куриш ва улардан фойдаланиш, тенг равишда унинг ташқарисида ҳам, ер ости бойликларидан ўзбошимчалик билан фойдаланиш ҳисобланади ҳамда Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари билан тақиқланади ва ишлаб чиқариш харажатларининг ўрни қопланмасдан белгиланган тартибда тўхтатилади.

13. Ер қаъридан фойдаланувчининг унга берилган кон ажратмасини бошқа юридик ва жисмоний шахсларга бериши тақиқланади, ер ости иншоотининг тегишлилиги ўзгарган тақдирда кон ажратмаси ушбу Низомда белгиланган тартибда янги сифатида қайта расмийлаштирилиши керак.

Корхонанинг номи ўзгарган тақдирда фақат кон ажратмаси далолатномаси ва топография режаси нусхасидаги ёзувлар қайта расмийлаштирилади.

14. Фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда ер ости иншоотлари куриш майдонларини танлаш комиссия томонидан амалга оширилади. Комиссиянинг таркиби ва иш тартиби Қурилиш меъёрлари ва нормалари, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан тасдиқланган тегишли низомлар билан белгиланади.

15. Фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда ер ости иншооти ва объектлар курилиши учун ер участкаси бериш тўғрисидаги илтимоснома ҳамда унинг ажратилиши Ўзбекистон Республикасининг ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда корхона (буюртмачи) томонидан берилади.

16. Фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда ер ости иншоотлари ва объектлари курилиши (реконструкция қилиниши) бўйича ишларни маблағ билан таъминлашга қон ажратмасини тасдиқловчи лицензия ва далолатнома, шунингдек, давлат экология экспертизасининг ижобий хулосаси мавжуд бўлган тақдирда йўл қўйилади ва улар олиб қўйилиши билан тўхтатилади.

2-боб. Кон ажратмаларига қўйиладиган асосий талаблар

17. Кон ажратмаси фақат ер қаърининг, геологик тузилишнинг, кон-техника ва гидрогеология шароитларининг зарур даражада синчиклаб ўрганилган қисмигагина берилади, ундан фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш эса шу яқин орадаги фойдали қазилма конларини қозишни қийинлаштирмайди ҳамда кон ишланмаларига, ер юзаси ва сув объектларига нефть, газ ва бошқа моддалар ва материалларнинг улар сақланишида сукулиб киришини, ер ости бойликларига ташланадиган оқова сувлар, ер қаърига кўмилган зарарли моддалар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини истисно этади.

18. Кон ажратмаси чегаралари тоғ жинсларининг силжиши ва кулаши зоналарини, шунингдек, ушбу иншоотларнинг нормал ишлаб туришини таъминловчи сақловчи ва тўсувчи қисмларни (целикларни) ҳисобга олган ҳолда лойиҳалаштириладиган ер ости иншоотининг техник чегаралари билан белгиланади.

Зарарли моддаларни, радиоактив чиқиндилар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини кўмишда, оқова сувларни чиқариб ташлашда кон ажратмаси контури уларни қатъий белгиланган чегараларда локализация қилиш таъминланиши мумкин бўлган ер қаъри қисми билан белгиланади.

Газни ер остида сақлаш учун тақдим этилган кон ажратмаси чегаралари бундай сақлаш жойи курилиши учун лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ буғ қатламлари билан тугалланадиган газнинг энг кўп ҳажмда тарқалиши контурлари билан, пьезометрик қудуқлар мавжуд бўлган тақдирда эса – ушбу қудуқларни камраб олувчи контурлар билан белгиланади. Газни ер остида сақлаш омборлари курилиши учун улар жойлашган бир майдонга тўғриланган бир ёки бир неча буғ қатламларидан, шунингдек, ишланган нефть, газ еки сувли қатламлардан (горизонтлардан) фойдаланиш мумкин.

Нефть, газ ҳамда бошқа моддалар ва материалларни ер остида сақлаш учун тақдим этилганкон ажратмаси чегараларини белгилаш, зарарли моддалар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини кўмиш, оқова сувларни чиқариб юбориш аҳоли яшаш жойлари, халқ хўжалиги объектлари, табиий объектлар ва бошқа объектлар учун белгиланган санитария зоналарини ҳисобга олган ҳолда амалга оширилиши керак.

19. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича ишлаб турган корхоналарнинг кон қазилмаларида, шунингдек, фойдали қазилма конлар яқинидаги ер қаъри участкаларида ер ости иншоотлари куриш ва улардан фойдаланиш учун кон ажратмаси бериш учун фойдаланилаётган иншоотлар ва ишланаётган конларнинг ўзаро зарарли таъсири истисно этилган ҳолларда йўл кўйилади.

20. Кон ажратмаси муддатсиз ёки муддатли фойдаланишга берилади.

Ер қаъридан муддатли фойдаланишда кон ажратмаси лицензияда кўрсатилган муддатга, газни ер остида сақлаш ва нефтни ер остида сақлаш учун 8 йилдан кўп бўлмаган муддатга берилади. Зарурат бўлганда кон ажратмасининг амал қилиш муддати узайтирилиши мумкин. Кон ажратмасининг амал қилиш муддати узайтирилганда фақат кон ажратмаси далолатномаси ва топография режаларидаги ёзувлар қайта расмийлаштирилади.

21. Корхоналар, бинолар, иншоотлар, аҳоли яшаш пунктлари, маҳаллий ва давлат аҳамиятига эга бўлган шаҳарсозлик фаолияти объектлари, алоҳида кўриқланадиган ҳудудлар (курортлар, ўрмонзорлар, кўриқхоналар, сув таъминоти манбалари), дарёлар, сув ҳавзалари, тарих, маданият ва санъат ёдгорликлари, қимматли қишлоқ хўжалиги экин майдонлари, чегара полосалари, аэродромлар, махсус вазифаларга мўлжалланган полигонлар, ўзгага бериш полосалари, мустақамланган районлар, қабристонлар ва бошқа объектлар жойлашган ҳудудлар қаъридан кон ажратмалари учун манфаатдор маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Давлат экология кўмитаси, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, шунингдек, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда кон ишлари учун берилган ҳудудда ер участкаларидан доимий ва вақтинчалик фойдаланиш ҳуқуқига эга бўлган юридик ва жисмоний шахслар билан келишилгандан кейин амалга оширилади.

3-боб. Кон ажратмаси лойиҳасининг мазмуни

22. Ер қаъридан фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш учун қон ажратмаси лойиҳаси қуйидаги бўлимлардан иборат бўлиши керак:

тушунтириш хати;

кон ажратмасининг уч ўлчамли чегараларини ва ўлчамлари ҳисоб-китобини асослаш;

сўралаётган кон ажратмаси чегараларида юза топографик режаси, геология хариталари ва кесимлари нусхалари.

Тушунтириш хатида қуйидагиларни кўрсатиш зарур:

кон ажратмаси сўрашдан мақсад, унинг маъмурий жойлашган ўрни, ер ости иншоотини лойиҳалаштирган ва кон ажратмаси лойиҳасини тайёрлаган ташкилотнинг номи;

сўралаётган кон ажратмаси устидаги ҳудуд тўғрисидаги, шу жумладан, қишлоқ хўжалиги ва ўрмон ер майдонлари, дарёлар, кўллар ва бошқа сув объектлари, аҳоли пунктлари ва саноат объектлари алоҳида иморатлар ва иншоотлар, шунингдек, ер тўғрисидаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ер қайси тоифага киритилганлиги тўғрисидаги умумий маълумотлар;

кон ажратмаси доирасида, шунингдек, унга тутшиб кетган зоналарда ер қаъри участкасининг қисқача геологик тавсифи, шунингдек, ушбу участканинг геологик тузилиши, кон-техника ва гидрогеологик шароитлар ҳамда уларнинг ўрганилганлиги даражаси акс эттирилиши керак;

унинг учун кон ажратмаси сўралаётган ер ости иншооти қурилиши мўлжалланаётган жойдаги фойдали қазилмалар конлари, шунингдек, фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун ва фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъридан фойдаланиш учун берилган аралаш кон ажратмаси тўғрисидаги маълумотлар.

23. Агар кон ажратмаси тугатилган, консервация қилинган ёхуд фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича ишлаб турган корхонанинг ишланган конлари учун сўралаётган ҳоллардақўшимча равишда:

ушбу корхона тўғрисидаги қисқача маълумот, шу жумладан, кон юзасини очиш ва қазиб олиш тизими схемаси, кон ишланмалари ва фойдаланилиши керак бўлган бурғулаш кудукларининг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар;

кон ажратмасини олиш зарурлигини асослаш;

ер ости иншоотидан фойдаланишда бажарилиши керак бўлган асосий талаблар баён қилинади.

24. Кон ажратмаси чегаралари ва ўлчамлари ҳисоб-китобини асослаш, кон ажратмасига киритиладиган ер ости маконининг ҳажми ҳам белгиланган ҳолда ҳам майдон бўйича, ҳам вертикал белгилар бўйича амалга оширилиши керак.

Зарур бўлганда кон ажратмаси чегаралари тузилмалари хариталар ва вертикал кесимларда ҳам кўрсатилиши лозим.

25. Юзанинг топография режаси геология хариталари ва кесимлари нусхалари уларни тузиш бўйича амалдаги йўриқномалар талабларига жавоб бериши керак.

Топография режасининг нусхасида таянч геодезия тармоғи пунктлари, ўрмонзорлар ва қишлоқ хўжалиги экинлари, аҳоли пунктлари, кон қазилмалари, сув объектлари, йўллар, юза ва ер ости коммуникациялари, табиат, тарих ва маданият ёдгорликлари, алоҳида иморатлар ва иншоотлар контурлари, уларнинг неча қават эканлиги, кон қазилмалари ва бурғулаш кудукларининг оғзи, фойдали қазилмалар конлари ва аралаш кон ажратмалари жойлашган чегаралар ҳамда лойиҳадаги ажратма чегаралар кўрсатилиши керак.

26. Нефть, газ ҳамда бошқа моддалар ва материалларни ер остида сақлаш зарарли моддалар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини кўмиш, оқова сувларни чиқариб ташлаш учун кон ажратмаси лойиҳаларида, шунингдек, кўрсатилган мақсадларда фойдаланиш мўлжалланаётган горизонтнинг устки қатлами ва этаги бўйича таркибий хариталар ҳам бўлиши керак.

27. Варақнинг бўш қисмида режа тўлдирилган сана, горизонтал яссиликда кон ажратмаси проекцияси майдони (минг кв.м), график жиҳатдан режа ва кесимлар билан белгиланадиган сўралаётган кон ажратмаси бурчак нуқталари ёки ўзига хос нуқталарининг Х, У, Z координатлари катталиги кўрсатилади.

Варақнинг юқори ўнг томонида кон ажратмаси берилганлигини тасдиқловчи ёзув учун жой қолдирилади.

28. Топография режаси нусхаси масштаби фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш учун мўлжалланаётган ер қаъри участкасининг ўлчамига боғлиқ равишда танланади ва у 1:5000 масштабдан кам бўлмаслиги керак. Анча катта майдонга ва узунликка эга бўлган ер ости иншоотлари учун 1:5000 масштабдан 1:25000 масштабгача режалардан фойдаланишга рухсат берилади.

29. Фойдали қазилмалар қазиб олиш бўйича тугатилган, консервация қилинган ёки ишлаб турган корхоналарнинг ишлатилган кон қазилмаларидан фойдаланиш учун кон ажратмаси лойиҳаларига ушбу корхоналар кон қазилмалари режалари қўшимча равишда киритилади ва уларда фойдаланиш мўлжалланаётган кон қазилмалари кўрсатилади.

30. Кон ажратмаси муддатсиз фойдаланиш учун расмийлаштирилганда топография режасининг икки нусхаси синтетик плёнкаларда ёки узок вақт сақлаш учун яроқли бўлган бошқа материалларда тайёрланиши керак.

Кон ажратмасини 10 йилгача бўлган муддатга расмийлаштиришда топография режаси нусхаси қоғозда тайёрланиши мумкин.

Кон ажратмаси чегаралари тушириладиган таркибий хариталар ва вертикал кесимлар нусхаларига ҳам шундай талаблар қўйилади.

31. Кон ажратмаси лойиҳасига қуйидагилар илова қилиниши керак:

ердан фойдаланувчининг кон ажратмаси беришга розилигини тасдиқловчи ҳужжат;

манфаатдор корхона ёки ташкилотнинг фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншооти барпо этилиши зарурлиги ва мумкинлиги тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитасининг маҳаллий органи билан келишилган қарори;

корхона ёки идоранинг ишланган кон иншооти ёки ер қаъри участкаларидан фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан келишилган қарори;

ҳудудий геология ташкилотининг кон ажратиш лойиҳаси бўйича хулосаси унда геологик тузилиш, кон-техника ва гидрогеология шароитлари ўрганилганлиги даражаси акс эттирилади;

юқори турувчи ташкилотнинг (бўйсунувига кўра) кон ажратмаси бериш тўғрисидаги илтимосномаси;

илмий-тадқиқот ташкилотларининг кон ишланмаларининг лойиҳада назарда тутилган мақсадларда фойдаланиш учун яроқлилиги тўғрисидаги хулосаси;

илмий-тадқиқот ташкилотларининг зарарли моддалар, ишлаб чиқариш чиқиндилари ёки оқова сувларни зарарсизлантириш ва фойдали суратда ишлатишнинг техник жиҳатдан имкони йўқлиги ҳақидаги, шунингдек, зарарли

моддалар, ишлаб чиқариш чиқиндилари ёки оқова сувларнинг уларни кўмиш ёки чиқариб ташлаш мўлжалланаётган аралашиб кетадиган жинслар ва горизонтларнинг қатлам сувлари билан бирга кўшилиб кетиши тўғрисидаги хулосаси;

юритишида фойдали қазилмаларни қазиб олиш бўйича ишлаб турган ёхуд консервация қилинган корхона бўлган ер қаъридан фойдаланувчининг кон қазилмаларидан фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш учун бошқа ер қаъридан фойдалувчига беришга розилиги;

санитария назорати органининг хулосаси.

Газ, нефть, бошқа моддалар ва материалларни ер остида сақлаш, зарарли моддалар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини кўмиш, оқова сувларни чиқариб ташлаш учун иншоотлар қурилиши мўлжалланаётганда кон ажратмаси лойиҳаларига Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитасининг хулосаси илова қилиниши керак.

Инспекция кон ажратмаси тақдим этиш учун бошқа ваколатли органларда мавжуд бўлган зарур ҳужжатлар ва ахборотларни белгиланган тартибда ўзаро ахборот ҳамкорлиги йўли билан, шу жумладан, электрон тарзда мустақил равишда олади, ушбу бандда назарда тутилган ҳужжатлар ва ахборотлар бундан мустасно.

32. Кон ажратмалари лойиҳалари ва уларга иловалар тегишли ташкилотлар ва корхоналарнинг раҳбарлари томонидан имзоланади.

4-боб. Кон ажратмаси бериш тартиби

33. Лицензия олган корхона Инспекцияга буюртманома юборади. Буюртманомада корхонанинг номи, унинг қайси идорага бўйсунishi ва манзили, сўралаётган кон ажратмасининг жойлашган жойи ва у нима мақсадда сўралаётганлиги кўрсатилади, шунингдек, фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қурилиши учун экспертиза ўтказилганлиги ва лойиҳа тасдиқланганлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.

34. Буюртманомага ер қаъридан фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланадиган корхонанинг раҳбари ёки юқори турувчи ташкилот (бўйсунishiга кўра) раҳбари имзо чекади.

Буюртманомага иловалар билан биргаликда икки нусхада кон ажратмаси лойиҳаси илова қилинади.

Фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда кон ажратмаси ушбу Низомга 2-иловадаги схемага мувофиқ берилади.

35. Инспекция кон ажратмаси лойиҳасини кўриб чиқади ва буюртманома олинган санадан бошлаб 10 кундан кечиктирмай бўйича қарор чиқаради.

Зарурат бўлганда кон ажратмаси лойиҳалари кон ажратмасини олишдан манфаатдор корхонанинг вакили иштирокида кўриб чиқилиши мумкин.

36. Инспекция кон ажратмаси бериш тўғрисидаги масалани ҳал этиш чоғида қуйидагиларни кўриб чиқади ва текширади:

ер ости бойликлари тўғрисидаги конун ҳужжатлари ва ушбу Низом талабларини ҳисобга олган ҳолда топография режасига ёзувлар тўғри ёзилганлиги ва сўралаётган кон ажратмаси чегараларининг асосланганлиги;

кон ажратмаси лойихаси мазмунининг ушбу Низом талабларига мувофиқлиги, лойихага илова қилиниши керак бўлган ҳужжатларнинг мавжудлиги;

кон ажратмаси сўралаётган ер ости иншоотининг лойихаси унинг берилаётган ер қаъри участкасидан комплекс фойдаланиш билан боғлиқ масалалар бўйича, шунингдек, ишловчиларнинг ва аҳолининг саломатлиги ва ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш, атроф табиий муҳитни, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларни кон ишларининг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича лойиха ечимларининг тўлиқлиги ва асосланганлигига оид қисми.

37. Инспекциянинг кон ажратмаси бериш масаласи тўғрисидаги қарори манфаатдор ташкилотларга маълум қилинади.

Инспекциянинг қароридан норози бўлинган тақдирда ушбу қарор устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда судга шикоят қилиниши мумкин.

38. Кон ажратмаси кон ажратмаси ажратилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланадиган далолатнома билан расмийлаштирилади, шунингдек, ушбу Низомга 1 ва 3-иловаларга мувофиқ шакллар бўйича топография режаси нусхасининг юқори ўнг бурчаги ёзув билан расмийлаштирилади.

39. Кон ажратмасини тасдиқловчи далолатнома икки нусхада тузилади. Инспекция раҳбарининг имзоси гербли муҳр билан тасдиқланади.

Кон ажратмаси берилганлигини тасдиқловчи далолатномалар фақат босма ҳона усулида тайёрланган ва ўчириб-ёзишларсиз тўлдирилган бланкаларда расмийлаштирилади.

40. Кон ажратмасини тасдиқловчи далолатноманинг ва кон ажратмасининг расмийлаштирилган лойихаси биринчи нусхалари корхонага берилади, ушбу ҳужжатларнинг иккинчи нусхалари Инспекцияда сақланади.

41. Инспекция томонидан берилган кон ажратмаларини ҳисобга олиш ушбу Низомга 4-иловада мувофиқ шакл бўйича Фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда кон ажратмасини ҳисобга олиш дафтариди (реестр) амалга оширилади.

5-боб. Кон ажратмасини олган корхонанинг мажбуриятлари

42. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда ер қаъридан фойдаланиш учун кон ажратмаси берилган корхона қуйидагиларга мажбурдир:

ер қаъридан фақат улар берилган мақсадларда фойдаланиш;

кон ажратмаси ва унга туташиб кетган зоналар доирасида ер қаъри участкасининг геологик тузилиши, кон-техника, гидрогеологик ва бошқа шароитлар тўлиқ ўрганилишини таъминлаш;

ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш жараёнида кон ишларининг маркшейдер таъминланишини ташкил этиш, шунингдек, геологик ва маркшейдер ҳужжатларини тузиш;

тоғ жинслари силжиши мавжуд ер усти иншоотлари ва объектлари, эҳтимол тутилган деформация зонасида жойлашган қурилаётган ва фойдаланилаётган ер ости иншоотлари деформациясини кузатишни ташкил этиш;

ер ости иншоотлари курилиши ёки реконструкция қилиниши чоғида қўшимча равишда казиб олинадиган, вақтинча фойдаланилмайдиган қазилма бойликларни сақлаш ва уларнинг ҳисобини юритиш;

кон қазилмаларининг ҳолати, кон ажратмаси билан белгиланган кўмилган зарарли моддалар ва ишлаб чиқариш чиқиндилари, шунингдек, чиқариб ташланган оқова сувларнинг зарарсизлантирилиши чегараларининг сақланишини мунтазам кузатишни ва назорат қилишни ташкил этиш;

ишловчилар ва аҳолининг соғлиги ва ҳаёти хавфсизлигини, ер қаърини ва атроф табиий муҳитнинг бошқа объектларини, бинолар ва иншоотларни кон ишларининг зарарли таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлаш;

Инспекциянинг рухсатсиз кон ажратмаси ҳудуди устида бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар кўрилишига йўл қўймаслик;

кўрикхоналар, табиат, тарих ва маданият ёдгорликларининг ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган ишларнинг зарарли таъсиридан сақланишини таъминлаш;

ер қаъридан фойдаланиш чоғида бузилган ер участкаларининг хавфсиз ҳолатга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтирилишини таъминлаш;

ер ости газ омборхоналаридан фойдаланиш чоғида ҳайдалаётган газнинг кон ажратмасидан ташқарига ҳаракат қилишига йўл қўймаслик;

ер ости газ омборхоналари ва қудуқларнинг герметиклигини назорат қилишга оид тадбирларни мунтазам равишда бир йилда камида бир марта амалга ошириш;

ногерметик қудуқлардан фойдаланишга, шунингдек, газнинг бошқа горизонтларга оқишига ҳамда унинг ер юзасига оқиб чиқишига йўл қўймаслик.

6-боб. Ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқини тўхтатишнинг асослари ва тартиби

43. Ер қаъридан фойдали қазилмаларни казиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда тўхтатилиши, тўхтатилиб турилиши ёки чеклаб қўйилиши мумкин.

44. Ер қаъридан фойдали қазилмаларни казиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланиш қоидалари ва меъёрлари ер қаъридан фойдаланувчи томонидан бузилганда, Инспекция кон ажратмасини тасдиқловчи далолатномани бекор қилади ва Давлат геология қўмитасига лицензияни бекор қилиш ташаббуси билан чиқади.

45. Ер қаъридан фойдали қазилмаларни казиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун фойдаланувчи корхона консервация қилинганда ёки тугатилганида кон ажратмаси далолатномаси корхонани консервация қилиш ёки тугатиш тўғрисидаги далолатнома расмийлаштирилганидан кейин 30 кун муддатда Инспекцияга қайтарилади.

7-боб. Ушбу Низом талаблари қандай бажарилаётганлигини назорат қилиш

46. Ушбу Низом билан белгиланган кон ажратмасини расмийлаштириш, уни ўз вақтида олиш ва унинг сақланиши тартибига риоя қилиш учун жавобгарлик ер қаъридан фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун фойдаланувчи корхона раҳбарлари зиммасига юкланади, корхонани лойиҳалаштиришда эса – лойиҳа бош муҳандисига ва лойиҳалаштириш ташкилоти раҳбарига юкланади.

Ер қаъридан фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун фойдаланувчи корхоналарнинг раҳбарлари ва мансабдор шахслари кон ажратмасини тасдиқловчи далолатномада баён қилинган мажбуриятларнинг бажарилиши учун ҳам жавоб берадилар.

Ер қаъридан ўзбошимчалик билан фойдаланишда айбдор бўлган шахслар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

47. Ер қаъридан фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мансабларда фойдаланувчиларда кон ажратмаси берилганлигини тасдиқловчи далолатномаларнинг мавжудлиги, кон ажратмаси ҳужжатлари тўлиқ ва тўғрилигини назорат қилиш, шунингдек, кон ажратмаси доирасида ер ости иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш чоғида ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини назорат қилиш ўз ваколатларига мувофиқ Инспекция ва Давлат экология қўмитаси томонидан амалга оширади.

48. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Фойдали қазилмаларни қазиб
олиш билан боғлиқ бўлмаган
мақсадлар учун кон ажратмалари
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
1-илова

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ГЕРБИ

Ўзбекистон Республикаси
Давлат геология ва минерал
ресурслар қўмитаси ҳузуридаги
Кон-геология фаолиятини назорат
қилиш инспекцияси

Инспекция по контролю за горно-
геологической деятельностью
при Государственном комитете
Республики Узбекистан по геологии
и минеральным ресурсам

КОН АЖРАТИШ ДАЛОЛАТНОМАСИ № _____

20 ____ йил « ____ » _____

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси
ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш
инспекцияси _____

_____ га

(ташкилот ёки корхонанинг тўлиқ, номи ва унинг мансублиги)

_____ мақсадларида фойдаланиш учун
(кон ажратмаси берилганлигининг мақсади)

режада бурчак (ўзига хос) нуқталар билан _____

_____ шунингдек, таркибий хариталар
(нуқталар рақами)

ва вертикал кесимларда _____

(хариталар ва кесимлар рақами)

белгиланган чегараларда кон ажратмаси берди, режада белгиланган кон
ажратмаси проекциясининг майдони ва ер ости кенглигининг ҳажми _____

_____ ни

(минг кв. м, минг куб м – ёзувбилан)

ташқил этади.

Кон ажратмаси _____

(қишлоқ, туман, вилоят, республика номи)

_____ да жойлашган.

Кон ажратмасининг амал қилиш муддати _____

Ушбу далолатнома икки нусхада тузилди, _____ тартиб рақами билан Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси реестрига киритилди.

Корхона кўрсатиб ўтилган мақсадларда ер қаъридан фойдаланиш учун кон ажратмасида қуйидагиларни бажаришга мажбурдир:

ер ости иншоотлари қурилиши, шунингдек, ер қаъридан фойдаланиш бўйича бошқа ишлар бошланишидан бир ой олдин бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясини хабардор қилиш;

ер қаъридан факат улар берилган мақсадларда фойдаланиш;

кон ажратмаси ва унга туташиб кетган зоналар доирасида ер қаъри участкасининг геологик тузилиши, кон-техника, гидрогеологик ва бошқа шароитларнинг тўлиқ ўрганилишини таъминлаш;

ер ости ишноотлари қурилиши ва улардан фойдаланиш жарабнида кон ишларининг маркшейдер таъминланишини, шунингдек, геологик ва маркшейдер хужжатлари тузилишини ташкил этиш;

тоғ жинслари силжиши, мавжуд ер усти иншоотлари ва объектлари, эҳтимол тутилган деформация зонасида жойлашган қурилатган ва фойдаланилатган ер ости иншоотлари деформациясини кузатишни ташкил этиш;

ер ости иншоотлари қуриш ёки уларни реконструкция қилиш чоғида қўшимча равишда қазиб олинмаган, вақтинча фойдаланилмайдиган фойдали қазилмаларни сақлаш ва уларнинг ҳисобини юритиш;

кон қазилмаларининг ҳолати, кон ажратмаси билан белгиланган кўмилган зарарли моддалар ва ишлаб чиқариш чиқиндилари, шунингдек, чиқариб ташланган оқова сувларнинг зарарсизлантирилиши чегараларининг сақлаб қолинишини доимий кузатиш ва назорат қилишни ташкил этиш;

ходимлар ва аҳоли соғлиги ва ҳаёти хавфсизлигини, ер қаърини ва атроф табиий муҳитнинг бошқа объектларини, бинолар ва иншоотларни кон ишларининг зарарли таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлаш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясининг рухсатсиз кон ажратмаси устидаги ҳудудга бинолар, иншоотлар ва бошқа объектлар қурилишига йўл қўймаслик;

кўрикхоналар, табиат, тарих ва маданият ёдгорликларининг ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг зарарли таъсиридан сақланишини таъминлаш;

ер қаъридан фойдаланиш чоғида бузилган ер участкаларининг хавфсиз ҳолатга, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтирилишини таъминлаш;

ер ости газ омборхоналаридан фойдаланиш чоғида хайдалаётган газнинг кон ажратмасидан ташқарига ҳаракат қилишига йўл қўймаслик;

ер ости газ омборхоналари ва кудукларнинг герметиклигини назорат қилишга оид тадбирларни мунтазам равишда, бир йилда камида бир марта амалга ошириш;

ногерметик кудуклардан фойдаланишга, шунингдек, газнинг бошқа горизонтларга оқишига ҳамда унинг ер юзасига оқиб чиқишига йўл қўймаслик.

Агар ер қаъридан фойдаланувчи унга кон ажратмаси берилгандан кейин бир йил давомида ер қаъри участкасидан у тақдим этилган мақсадларда фойдаланишга киришмаса кон ажратмаси далолатномаси ўз кучини йўқотади ва Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясига қайтарилиши керак.

Корхона консервация килинганда ёки тугатилганда ер қаъри участкасидан фойдаланиш бўйича ишлар тўхтатилган кунда тўлдирилган геология ва маркшейдер хўжжатларининг асл нусхалари 10 кун муддатда юқори турувчи ташкилотга топширилиши, маркшейдер рекалари, геология хариталари ва усти очиқ конлар нусхалари эса мана шу муддатда манфаатдор корхоналарга, ташкилотларга, шу жумладан, консервация қилинаётган ёки тугатилаётган корхонанинг ер қаъридан фойдаланувчи қўшни корхоналарга берилиши керак.

Кон ажратмаси далолатномаси кон-геологик ва марьшейдер хўжжатларининг нусхалари олинганлиги тўғрисида ташкилотларнинг тилхатлари нусхалари билан биргаликда корхона консервация қилиниши ёки тугатилиши ҳақидаги далолатнома расмийлаштирилгандан сунг 15 кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясига топширилади.

Фойдали қазилмаларни қазиб олувчи корхона раҳбарлари ва мансабдор шахслари юқоридаги талабларни бажармаган ҳолда конун хўжжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Мухр ўрни

Ўзбекистон Республикаси Давлатгеология
ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги
Кон-геология фаолиятини назорат қилиш
инспекцияси бошлиғи

20 __ й « __ » _____

(имзо, исми ва отасининг исми, фамилияси)

Фойдали қазилмаларни қазиб
олиш билан боғлиқ бўлмаган
мақсадлар учун кон ажратмалари
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
2-илова

**Фойдали қазилмалар қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар
учун кон ажратмалари бериш
СХЕМАСИ**

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Лицензия олган корхона Инспекцияга буюртманома юборади. Буюртманомада корхонанинг номи, унинг қайси идорага бўйсунishi ва манзили, сўралаётган кон ажратмаси жойлашган жой ва у нима мақсад учун сўралаётганлиги кўрсатилади, шунингдек, фойдали қазилмаларни қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари қўрилиши учун экспертиза ўтказилганлиги ва лойиҳа тасдиқланганлиги тўғрисидаги маълумотлар келтирилади.	Имконият доирасида
	Инспекция	Инспекция кон ажратмаси бериш тўғрисидаги масалани ҳал этиш чоғида қуйидагиларни кўриб чиқади ва текширади: - ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Низом талаблари ҳисобга олинган ҳолда топография режасига ёзувлар тўғри ёзилганлиги ва сўралаётган кон ажратмаси чегараларининг асосланганлиги; - кон ажратмаси лойиҳаси мазмунининг ушбу Низом талабларига мувофиқлиги, лойиҳага илова қилиниши керак бўлган ҳужжатларнинг мавжудлиги; - кон ажратмаси сўралаётган ер ости иншоотининг лойиҳаси, унинг берилаётган ер қаъри участкасидан комплекс фойдаланиш билан боғлиқ масалалар бўйича, шунингдек, ишловчиларнинг ва аҳолининг соғлиги ва ҳаёти хавфсизлигини таъминлаш, атроф табиий муҳитни, бинолар, иншоотлар ва бошқа объектларни кон ишларининг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш билан боғлиқ масалалар бўйича лойиҳа ечимларининг тўлиқлиги ва асосланганлигига оид қисми.	10 кун

2-босқич	Инспекция	Кон ажратмасини тасдиқловчи далолатнома икки нусхада тузилади. Инспекция раҳбарининг кон ажратиш далолатномаси ва топография режаси бурчакли штампдаги имзоси гербли муҳр билан тасдиқланади. Кон ажратмаси берилганлигини тасдиқловчи далолатномалар босмаҳона усулида тайёрланган ва ўчириб-ёзишларсиз қўлда тушда тўлдирилган бланкаларда берилишига йўл қўйилади.	3 кун
	Инспекция	Кон ажратмаси берилганлигини тасдиқловчи далолатнома ва кон ажратмасининг расмийлаштирилган лойиҳаси биринчи нусхалари корхонага берилади, ушбу ҳужжатларнинг иккинчи нусхалари Инспекцияда сақланади.	1 кун
	Ариза берувчи	Инспекция томонидан берилган кон ажратмаларини ҳисобга олиш дафтарига имзо қўядива кон ажратиш далолатномасини олади.	1 кун
	Инспекция	Кон ажратмаси берилганлигини тасдиқловчи далотномани расмийлаштиради ва беради.	1 кун

Фойдали қазилмаларни қазиб
олиш билан боғлиқ бўлмаган
мақсадлар учун кон ажратмалари
бериш тартиби тўғрисидаги низомга
3-илова

**Топографик режа нусхасидаги ёзув
НАМУНАСИ**

20__ йил «__» _____ да Ўзбекистон Республикаси Давлат
геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини
назорат қилиш инспекцияси томонидан _____

га

(ер қабридан фойдаланувчининг номи ва унинг қайси идорага бўйсунгани)

(кон ажратмаси нима мақсадда берилганлиги)

мақсадларида ер қабридан фойдаланиш учун кон ажратмаси берилди.

Берилган кон ажратмаси _____

(кон ажратмасининг маъмурий ҳолати, манзили)

да ушбу режада _____

(нуқталарнинг рақами)

нуқталари билан белгиланган чегараларда жойлашган, бунда қуйидагилардан
фойдаланилиши керак: _____

(объектлар саналади, уларнинг ер юзасига чиқувчи проекцияси майдони,

кон ажратмасининг юқори ва қуйи чегаралари чуқурлиги)

Кон ажратмаси далолатномаси 20__ йил «__» _____ да _____
тартиб рақами билан Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал
ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш
инспекцияси реестрига киритилди.

Мухр ўрни

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология
ва минерал ресурслари қўмитаси ҳузуридаги
Кон-геология фаолиятини назорат қилиш
инспекцияси бошлиғи

20__ й «__» _____

(имзо, исми ва отасининг исми, фамилияси)

Фойдали қазилмаларни қазиболиш билан боғлиқ
бўлмаган мақсадлар учун кон ажратмалари бериш
тартиби тўғрисидаги низомга
4-илова

**Фойдали қазилмалар конларини қазиб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадлар учун кон ажратмаларини
ҲИСОБГА ОЛИШ ДАФТАРИ (РЕЕСТР)**

Реестр рақами	Кон ажратиш далолатномасининг тартиб рақами ва берилган вақти	Кон (катлам)нинг номи	Кон ажратмаси жойлашган жой (қишлоқ, туман, вилоят, республика)	Кон ажратмаси олган ташкилот ёки корхонанинг номи ва манзили	Тизимига корхона кирадиган вазирлик (идора)	Қазиб олишга берилган фойдали қазилманинг номи	Кон ажратмасига тўғри келадиган майдон (га)	Корхонани тугатиш ёки консервация қилиш, кон ажратмаси ҳажмларини ўзгартириш ва уни олиб қўйиш тўғрисидаги қайдлар	Изоҳ
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10

Изоҳ: Дафтар рақам қўйиб чиқилган, ип ўтказиб боғланган ва Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекциясининг муҳри билан тасдиқланган бўлиши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 4 декабрдаги
983-сон қарорига
3-илова

**Ер ости бойликларини қазиб олиш жараёнида қазиб олинган ва
йўқотилган фойдали қазилмалар захираларини ер қаъридан
фойдаланувчининг ҳисобидан чиқариш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом саноат аҳамиятини йўқотган ёхуд кейинги геология-қидирув ишлари билан ёки конни қазиб олишда тасдиқланмаган фойдали қазилмалар захираларини ер қаъридан фойдаланувчининг балансидан чиқариб ташлаш тартибини белгилайди ва идоравий мансублиги ва мулкчилик шаклларида қатъи назар барча ер қаъридан фойдаланувчилар учун мажбурий ҳисобланади.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

балансдаги захиралар– асосий фойдали қазилма ва у билан бирга жойлашган фойдали қазилмалар ҳамда қўшилиб чиқадиган фойдали компонентларни ўз ичига оладиган конларнинг захиралари, шу жумладан, қазиб олинadиган нефть, газ, нефтдаги газ, конденсат аралашмаси ва улардаги саноат аҳамиятига эга бўлган фойдали компонентлар, шунингдек, йод, бром ва ер ости бойликларидан оқилона фойдаланиш ва атроф муҳит муҳофазаси талабларига риоя қилган ҳолда минерал хомашёни кавлаб олиш ва қайта ишлашнинг мавжуд ёхуд саноат томонидан ўзлаштирилаётган илғор техникаси ва технологияси шароитида улардан фойдаланиш иқтисодий мақсадга мувофиқ бўлган саноат ва нефть сувларидаги бошқа фойдали компонентлар захиралари;

балансдан ташқари захиралар– асосий фойдали қазилма ва у билан бирга жойлашган фойдали қазилмалар ҳамда қўшилиб чиқадиган фойдали компонентларни ўз ичига оладиган конларнинг захиралари, шу жумладан, қазиб олинadиган нефть, газ, нефтдаги газ, конденсат аралашмаси ва улардаги саноат аҳамиятига эга бўлган фойдали компонентлар, шунингдек, йод, бром ва ҳозирги вақтда кавлаб олиниши иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаган ёки бунинг техник имкони бўлмаган, бироқ кейинчалик балансга ўтказилиши мумкин бўлган саноат ва нефть сувларидаги бошқа фойдали компонентлар захиралари.

**2-боб. Фойдали қазилмалар захираларини ер қаъридан
фойдаланувчилар балансидан ҳисобидан чиқариш учун асослар**

3. Саноат учун аҳамиятини йўқотган ёки кейинчалик ўтказилган геология-қидирув ишларида ёхуд конни қазиб олишда тасдиқланмаган фойдали қазилма захираларини ер қаъридан фойдаланувчининг ҳисобидан чиқариш Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссиясининг (кейинги ўринларда ДЗК деб аталади) қарори билан амалга оширилади.

4. Фойдали қазилмалар захиралари:

а) қуйидагилар:

Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан янгидан тасдиқланган қидирув ёки фойдаланиш конденцияларига мувофиқ эмаслиги туфайли (нефть, нефть-газ, нефть-газ конденсати, газ конденсати, газ ва битум конлари учун – ДЗК томонидан янгидан тасдиқланган тегишли фойдали қазилмаларни ер остидан қазиб олиш коэффициентига мувофиқ эмаслиги туфайли);

айрим участкаларда аниқланган кон-геология, гидрогеологик, муҳандислик-геология, экологик мураккабликлар ва бошқа табиий шарт-шароитлар оқибатида захираларга техник-иқтисодий сабаблар бўйича ишлов беришнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги туфайли;

агар фойдали қазилмаларни қазиб олишда уларнинг сақланиши таъминланиши мумкин бўлмаса, аҳоли ҳаётига ва соғлиғига ёки объектларга зарар етказилиши учун хавф туғдирса, уларни бузиб ташлаш ёки кон ишлари таъсири доираси чегарасидан ташқарисига кўчириш мумкин бўлмаса ёки бу иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлмаса, захираларни саноат иншоотлари, турар жойлар ва жамоат бинолари, тарих ва маданият ёдгорликлари, табиий объектлар учун сақлаш устунлари сифатида қолдириш туфайли;

б) фойдали қазилмаларнинг миқдори, сифати ва жойлашиш шарт-шароитлари тўғрисида янги маълумотлар олиниши натижасида захираларнинг кейинчалик геология-қидирув ишлари чоғида ва (ёки) фойдали қазилмалар конларини қазилма тасдиқланмаслиги туфайли ер қаъридан фойдаланувчилар балансидан чиқарилиши мумкин.

5. Фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналар қурилишини лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, кенгайтириш ва консервация қилишда балансдаги захиралар балансдан ташқари захираларга ўтказилмайди.

6. Фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналарни консервация қилишда фойдали қазилмалар захиралари ҳисобдан чиқарилмайди.

7. Фойдали қазилмаларни кавлаб олувчи корхоналар қурилишини лойиҳалаштириш, реконструкция қилиш, кенгайтиришда ер қаъридан фойдаланувчи балансидан чиқарилиши керак бўлган фойдали қазилмалар ушбу Низомнинг 4-банди «а» ва «б» кичик бандларида баён қилинган асослар бўйича фойдали қазилмалар конларини қазилма жараёнида улар қидирув, тайёргарлик кўриш ёки тозалаш ишларида қисман ёки тўлиқ контурланишига қараб белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилади.

3-боб. Ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан Давлат захиралари комиссиясига бериладиган фойдали қазилмалар захираларини ҳисобдан чиқариш учун зарур бўлган ҳужжатлар

8. Саноат учун аҳамиятини йўқотган ёки кейинчалик ўтказилган геология-қидирув ишларида ёхуд конни қазилма тасдиқланмаган фойдали қазилма захираларини ер қаъридан фойдаланувчининг балансидан ҳисобидан чиқариш учун ер қаъридан фойдаланувчи Давлат захиралари комиссиясига Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини нвзорат қилиш инспекцияси билан келишилган тушунтириш хатини тақдим этади. Тушунтириш хатида қуйидагилар бўлиши керак:

а) фойдали қазилмалар захираларининг мўлжалланган ҳисобдан чиқарилишини Давлат захиралари комиссияси томонидан тасдиқланган контурларда ҳамда геология ва маркшейдерлик ҳужжатлари маълумотларини тезкор ҳисобга олиш, захираларни синаб кўриш ва қайта ҳисоблаш контурларида алоҳида асослаш;

б) ушбу Низомнинг 4-банди«а» кичик бандидакўрсатилган сабаблар бўйича саноат аҳамиятини йўқотган фойдали қазилмалар захираларини ҳисобдан чиқаришда, – тегишли техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар;

в) қазиб олинаётган кон тўғрисидаги қисқача маълумотлар (қазиб олиш тизими, фойдали қазилмаларни кавлаб олишда нобуд бўлиш ва яроқсиз ҳолга келиш кўрсаткичлари, нефть, газ, конденсат ва бошқаларни қазиб олиш коэффициентлари);

г) чизмалар ва бошқа иловалар:

фойдали қазилмалар захиралари улар бўйича ҳисобдан чиқариладиган участкалар, руда жисмлари (ҳисобланган блоklar) жойлашиши схемаси, проекциялар, горизонт бўйича натижалар, кидирув ва ишлатиб синаб кўриш маълумотлари ҳамда Давлат захиралари комиссияси томонидан тасдиқланган фойдали қазилмалар захиралари контурлари, шунингдек,эксплуатацион кидирув ишлари натижалари бўйича ҳисоблаб чиқилган захиралар контурлари билан бирга;

кон ажратмаси нусхаси;

ер қаъри участкасидан фойдаланишда бузилган ерлар қайта тикланганлигини тасдиқлайдиган маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органининг ҳулосаси;

9. Зарурат бўлганда Давлат захиралари комиссияси ер қаъридан фойдаланувчидан ушбу Низомнинг 8-бандида назарда тутилмаган бошқа материаллар тақдим этилишини талаб қилиши мумкин.

10. Тақдим этилган материалларни ДЗКда кўриб чиқиш Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси билан ер қаъридан фойдаланувчи ўртасида тузиладиган шартнома асосида амалга оширилади.

Материалларни кўриб чиқиш муддати ер қаъридан фойдаланувчи билан тузилган шартномада белгиланади, бироқ уч ойдан ошмаслиги керак.

ДЗКга тақдим этилган кондициялар лойиҳаларини ва фойдали қазилмалар захиралари ҳисоб-китоби материалларини кўриб чиқиш, шунингдек, геологик материалларнинг давлат экспертизаси тузилган шартнома шартларига мувофиқ шартнома асосида амалга оширилади. Материалларни тақдим этган ташкилотлар ҳамда жалб этиладиган экспертлар билан шартномалар тузиш Давлат геология қўмитаси раиси томонидан амалга оширилади.

Кўрсатилган иш турлари ва хизматлар нархлари ДЗК қарори билан тасдиқланади.

4-боб. Фойдали қазилмалар захираларини ер қаъридан фойдаланувчи ҳисобидан чиқариш тартиби

11. Саноат учун аҳамиятини йўқотган фойдали қазилмалар баланс захираларини ер қаъридан фойдаланувчи балансидан чиқариш куйидаги тартибда амалга оширилади:

а) Давлат захиралари комиссияси томонидан янгидан тасдиқланган (нефть, нефть-газ, газ конденсати, нефть-газ конденсати, газ ва битум конлари учун – казиб олиш коэффиценти ўзгариши туфайли) кондицияларга мувофиқ бўлмаган, шунингдек, фойдали қазилмалар захираларининг қайта тасдиқланиши натижасида балансдаги ва (ёки) балансдан ташқари тоифасидан чиқарилган фойдали қазилмалар захираларини ҳисобдан чиқариш белгиланган тартибда амалга оширилади;

б) кон-геологик, гидрогеология, муҳандислик-геология, экологик ва бошқа табиий шароитларнинг аниқланган жиддий ўзгариши оқибатидаги техник-иқтисодий сабабларга кўра казиб олиниши мақсадга мувофиқ бўлмаган фойдали қазилмалар захираларини ер қаъридан фойдаланувчи балансдан чиқариш белгиланган тартибда тасдиқланган техник-иқтисодий ҳулоса асосида амалга оширилади;

12. Саноат учун аҳамиятини йўқотган фойдали қазилмаларнинг балансдаги захираларини ер қаъридан фойдаланувчи балансдан чиқариш уларни балансдан ташқари захираларга ўтказишнинг мақсадга мувофиқ эмаслиги тўғрисида белгиланган тартибда тасдиқланган техник-иқтисодий асослаш мавжуд бўлган тақдирда амалга оширилади.

13. Фойдали қазилмалар захираларини техник-иқтисодий сабабларга кўра ер қаъридан фойдаланувчи балансдан чиқаришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги техник-иқтисодий асослашда захираларни очиш ва тайёрлашнинг энг оқилона усуллари, минерал хомашёни казиб олиш ва қайта ишлашнинг илғор технологияси қўлланилишини ҳисобга олган ҳолда, ушбу захираларни казиб олишнинг аниқ конларга нисбатан татбиқ этиш мумкин бўлган бир нечта вариантлари кўриб чиқилиши керак.

14. Фойдали қазилмаларнинг тасдиқланмаган захиралари ер қаъридан фойдаланувчи балансдан умуман ишлов берилган кон ёки унинг участкалари бўйича, шунингдек, захираларни тасдиқлашда Давлат захиралари комиссияси томонидан қабул қилинган тўлиқ ишланган ёки уларнинг контурида фойдаланиш учун етарли ҳажмда қидирув ишлари олиб борилган ҳисоблаб чиқилган блоклар бўйича амалга оширилади.

15. Фойдали қазилмалар захираларини ҳисобдан чиқариш конни казиб олиш жараёнида ёки геология-қидирув ишлари натижалари бўйича олинган фойдали қазилмалар жисмлари миқдори, фойдали қазилмаларнинг жойлашиши шароитлари ва сифати тўғрисидаги янги маълумотлар, нефть, газ, нефтдаги газ ва конденсат аралашмасининг казиб олинадиган захиралари бўйича эса – нефть, газ, нефтдаги газ ва конденсат аралашмасини казиб олишнинг камайиб боровчи коэффиценти миқдорини кўриб чиқишнинг техник-иқтисодий асосланган янги маълумотлари асосида амалга оширилади.

16. Давлат захиралари комиссияси томонидан тасдиқланган қўшимча фойдали компонентларни, шу жумладан, ДЗК томонидан тасдиқланган тарқоқ элементларни ер қаъридан фойдаланувчи балансдан чиқариш асосий фойдали қазилмалар захираларини ҳисобдан чиқариш билан бир вақтда амалга оширилади.

17. Фойдали қазилмалар захираларининг тасдиқланмаган захираларини ҳисобдан чиқаришда ер қаъридан фойдаланувчи томонидан Давлат захиралари комиссияси тасдиқлаган захиралар контурлари доирасида конни қидириш ва казиб олиш маълумотлари қиёсланиши керак. Қиёслаш кон жисмлари (қатламлари), ҳисобланган блоклар, захиралар тоифалари бўйича алоҳида-алоҳида

амалга оширилиши керак. Қиёслаш асосида, конни қидириб топган (баҳолаган) корхона билан биргаликда фойдали қазилмалар захираларининг тасдиқланмаганлиги сабаблари таҳлил қилинади.

18. Фойдали қазилмалар балансдаги захираларининг ҳисобдан чиқарилганлари ва (ёки) ҳисобдан чиқаришга мўлжалланаётганларининг жами миқдори тасдиқланган захираларнинг (нефть ва газ, шу жумладан, уларнинг қазиб олинadигани учун) 20 фоизидан ортиқ бўлган ҳолларда умуман кон бўйича захиралар белгиланган тартибда қайта ҳисоблаб чиқилади ва қайта тасдиқланади.

19. Давлат захиралари комиссиясининг фойдали қазилмалар захираларини ер қаъридан фойдаланувчи балансдан чиқариш тўғрисидаги қарори протокол билан расмийлаштирилади, унинг нусхалари экспертиза материаллари билан биргаликда бир ҳафта муддатда ер қаъридан фойдаланувчига ва Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасига юборилади.

20. Давлат захиралари комиссиясининг фойдали қазилмалар захираларини ер қаъридан фойдаланувчи балансдан чиқариш тўғрисидаги протоколи Фойдали қазилмалар захираларининг давлат балансига белгиланган тартибда зарур тузатишлар киритиш учун асос ҳисобланади.

21. Фойдали қазилмалар захираларини ҳисобдан чиқариш ер қаъридан фойдаланувчи томонидан давлат статистика ҳисоботида акс эттирилади.

22. Участкаларга ёндашиш учун хизмат қиладиган, захиралари саноат учун аҳамиятини йўқотган ёхуд кейинги геология-қидирув ишларида ёки конни қазиб олишда тасдиқланмаган захиралар сифатида ер қаъридан фойдаланувчи захирасидан чиқаришга мўлжалланган кон қазилмалари ўрни фақат кўрсатиб ўтилган захиралар ҳисобдан чиқарилгандан ва қазиб олинadиган birlikлар қайта ишлангандан кейин қопланади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 4 декабрдаги
983-сон қарорига
4-илова

**Ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга ошириш тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини амалга ошириш тартибини, ушбу соҳада назоратни амалга оширувчи органларнинг вазифалари, функциялари, ҳуқуқлари ва мажбуриятларини белгилайди.

2. Қуйидагилар ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини амалга оширувчи органлар ҳисобланади:

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси (кейинги ўринларда Давлат экология қўмитаси деб аталади);

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси (кейинги ўринларда Инспекция деб аталади);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси деб аталади);

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари.

Ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назорати:

ер қаъри муҳофаза қилиниши, ундан фойдаланиш ва чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш устидан экологик назорат қилиш юзасидан – Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитаси томонидан;

ер қаърини геологик ўрганишда ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, минерал хомашёни қайта ишлаш, шунингдек, кончилик ишларини геологик-маркшейдерлик жиҳатидан таъминлаш соҳасида қонун ҳужжатлари ва норматив ҳужжатлар талабларига риоя қилиш устидан назорат қилиш юзасидан – Давлат геология қўмитаси ҳузуридаги Инспекция томонидан;

Саноат хавфсизлигини таъминлаш билан боғлиқер қаъридан фойдаланишда соҳасида қонун ҳужжатлари ва норматив техник ҳужжатлар талабларига риоя қилиш устидан назорат қилиш юзасидан – «Саноатгеоконтехназорат» ДИ томонидан;

ер қаъридан фойдаланиш учун ер участкалари беришда ер қаъридан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш устидан назорат қилиш, ер қаъридан ўзбошимчалик билан фойдаланишга, фойдали қазилмалар жойлашган майдонларда асоссиз равишда ва ўзбошимчалик билан иморат қуришга йўл қўймаслик юзасидан – маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан амалга оширилади.

3. Ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органлар ўз функцияларини ушбу Низомда ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган ваколатлар доирасида амалга оширадилар.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Давлат экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмиталари раислари ҳамда уларнинг мутасаддилик қилинадиган йўналишлар бўйича ўринбосарлари тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича бош давлат инспекторлари ҳисобланадилар ҳамда ер қаърини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш устидан давлат экологик назоратини амалга оширадилар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитасининг ер қаърини, ер ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш устидан назорат қилиш бош бошқармаси бошлиғи Давлат экология қўмитасининг Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бош давлат инспекторининг ўринбосари ҳисобланади ҳамда ер қаърини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш устидан давлат экологик назоратини амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитасининг ер қаърини, ер ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш устидан назорат қилиш бош бошқармаси бошлиғининг ўринбосари ва бош мутахассислари Давлат экология қўмитасининг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича катта давлат инспекторлари ҳисобланадилар ҳамда ер қаърини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш устидан давлат экологик назоратини амалга оширадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология қўмиталарининг ер қаърини, ер ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш инспекциялари бошлиқлари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Давлат экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология қўмиталари бош давлат инспекторларининг ўринбосарлари ҳисобланадилар ҳамда ер қаърини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш устидан давлат экологик назоратини амалга оширадилар.

Қорақалпоғистон Республикаси Давлат экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмиталарининг ер қаърини, ер ва сув ресурсларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш инспекцияларининг бош ва етакчи мутахассислари тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Давлат экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмиталарининг катта давлат инспекторлари ҳисобланадилар ҳамда ер қаърини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш устидан давлат экологик назоратини амалга оширадилар.

Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича туманлараро, туман, шаҳар қўмиталари (инспекциялар) бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси Давлат экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология қўмиталарининг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича катта давлат инспекторлари

ҳисобланадилар ҳамда тегишли ҳудудларда ер қаърини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш устидан давлат экологик назоратини амалга оширадилар.

Туманлараро, туман, шаҳар экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш қўмиталари (инспекциялар)нинг бош ва етакчи мутахассислари, 1 ва 2-тоифали мутахассислари Қорақалпоғистон Республикаси Давлат экология қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар экология қўмиталарининг экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича давлат инспекторлари ҳисобланадилар ҳамда ер қаърини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш, чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш устидан давлат экологик назоратини амалга оширадилар.

5. Инспекция бошлиғи кон-геология фаолиятини назорат қилиш бўйича бош давлат инспектори ҳисобланади.

Инспекция бошлиғининг ўринбосарлари кон-геология фаолиятини назорат қилиш бўйича бош давлат инспектори ўринбосарлари ҳисобланади.

Инспекция мутахассислари кон-геология фаолиятини назорат қилиш бўйича инспекторлар ҳисобланади.

«Саноатгеоконтехназорат» ДИ нефть-газ саноатини назорат қилиш тармоқ инспекцияси бошлиғи нефть-газ саноати объектларида кон назорати бўйича «Саноатгеоконтехназорат» ДИ бош давлат инспектори ҳисобланади.

«Саноатгеоконтехназорат» ДИ нефть-газ саноатини назорат қилиш тармоқ инспекцияси бошлиғи ўринбосари нефть-газ саноати объектларида кон назорати бўйича «Саноатгеоконтехназорат» ДИ бош давлат инспекторининг ўринбосари ҳисобланади.

«Саноатгеоконтехназорат» ДИ нефть-газ саноатини назорат қилиш тармоқ инспекцияси мутахассислари нефть-газ саноати объектларида кон назорати бўйича «Саноатгеоконтехназорат» ДИ давлат инспекторлари ҳисобланадилар.

2-боб. Ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг вазифалари ва функциялари

6. Ер қаъридан барча фойдаланувчилар томонидан қонунчиликка, ер қаъридан фойдаланишнинг белгиланган тартибига, ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги меъёрлар ва қоидаларга, ишларни геологик-маркшрейдерлик таъминлаш бўйича талаблар бажарилиши мониторингини олиб боришга ҳамда давлат ҳисоби ва ҳисоботи юритилиши қоидаларига риоя қилинишини таъминлаш ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг вазифаси ҳисобланади.

7. Ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини таъминловчи органлар биргаликда:

лицензияларда белгиланган ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартларига риоя этилиши, ер қаъри участкалари маҳсулот тақсимооти тўғрисидаги битим шартларида берилган тақдирда эса – маҳсулот тақсимооти тўғрисидаги битимларда белгиланган шартларга риоя этиш;

ер қаъридан ўзбошимчалик билан фойдаланишга, фойдали қазилмалар жойлашган майдонларда асоссиз равишда ва ўзбошимчалик билан иморат қуришга йўл қўймаслик, шунингдек, саноат эксплуатациясига жалб этилмаган фойдали

қазилмалар конлари бузилишига олиб келиши мумкин бўлган ишларнинг салбий таъсири олдини олиш;

фойдали қазилмалар жойлашган майдонларда, шунингдек, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари устидаги майдонларда иморат қуриш шартларига риоя этиш;

ер қаъри тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этиш учун идоравий назоратни ташкил этиш ва амалга ошириш устидан назоратни амалга оширадilar.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитаси табиатни муҳофаза қилиш ва табиий ресурслардан фойдаланиш соҳасида «Саноатгеоконтехназорат» ДИ, Инспекция, шунингдек бошқа вазирликлар ва идораларнинг фаолиятини мувофиқлаштиради.

9. Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитаси ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида:

ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг зарарли таъсиридан атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича қонунчилик талаблари ва тадбирлар бажарилиши;

минерал ресурслардан фойдаланиш бўйича республика, тармоқ экологик нормативлари, қоидалар ва стандартлар ишлаб чиқиши ва жорий этилиши;

фойдали қазилмалар конларини қазилмоқчилик лойиҳалари, шунингдек, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, минерал хомашёни қайта ишлаш бўйича корхоналар қуриш, уларни реконструкция қилиш ва кенгайтириш лойиҳалари давлат экологик экспертизаси ўз вақтида ўтказилиши;

ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни амалга оширишда, минерал хомашёдан комплекс фойдаланишда атроф муҳитнинг экологик хавфсизлиги;

фойдали қазилмалар конларини қазилмоқчилик ва минерал хомашёни қайта ишлашнинг ресурсларни тежайдиган технологияларини лойиҳалаштириш, ривожлантириш ва жорий этиш;

фойдали қазилма қатлами морфологиясига ва конларни қазилмоқчининг кон-техник шартларига боғлиқ равишда кон устида ётган ҳамда сиғдирувчи жинслар тўқинди уюмларини оқилона жойлаштириш юзасидан очиқ кон ишларини лойиҳалаштириш ва амалга ошириш;

кенг тарқалган фойдали қазилмалар конларини қазилмоқчининг белгиланган меъёрлари ва қоидаларига риоя этиш;

фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва минерал хомашёни қайта ишлашда минерал хомашёдан комплекс фойдаланиш, қўшилиб чиқадиган, бироқ вақтинча фойдаланилмайдиган фойдали қазилмаларни ҳамда улардаги қимматли компонентларни сақлаш ва ҳисобга олиш, ўз ваколатлари доирасида кон устида ётган жинслардан фойдаланиш;

ер қаъридан фойдаланишда ва минерал хомашёни қайта ишлашда атроф муҳитни булғаниш, ифлосланиш ва камайиб кетишдан муҳофаза қилиш талабларига риоя этиш;

атроф муҳитга энг кам зарарли таъсир кўрсатишни таъминлайдиган кон устида ётган ҳамда жойлашган жинслар тўқинди уюмларини, чиқинди сақланадиган жойлар, терриконларни жойлаштириш;

зарарли моддалар, радиоактив чиқиндилар ва ишлаб чиқариш чиқиндиларини ер қаърига кўмишнинг белгиланган тартибига риоя этиш;

ер қаъридан фойдаланишда сув ресурсларидан фойдаланиш, ер ости сувларининг булғаниши, ифлосланиши ва камайиб кетишининг олдини олиш;

ер қаъридан фойдаланиш жараёнида бузилган ерларни, шу жумладан, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ерларни улардан кейинчалик фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш устидан давлат назоратини амалга оширади.

10. Инспекция ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида:

ер қаърини геологик ўрганишнинг тўлиқлиги, кидириладиган фойдали қазилмалар конларини, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари, шу жумладан, чиқиндиларни сақлаш ва кўмиш иншоотлари қуриш ва улардан фойдаланиш учун бериладиган ер қаъри участкаларини қазининг кон-техник, гидрогеологик, геологик-иқтисодий ва бошқа шартлари;

асосий фойдали қазилма ва қўшилиб чиқадиган компонентлар захиралари миқдори ва сифати тўғрисидаги дастлабки маълумотлар тўлиқлиги ва аниқлиги, шунингдек, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер қаъри участкаларининг табиий хусусиятлари;

кон-геология фаолиятини амалга оширида ер қаъридан оқилонга фойдаланиш, кон руда, кўмир ва норуда саноати, гидрогеологик қудуқларни қазиниш ва ишлатишда кон-геология ишларини маркшейдерлик ва геологик таъминланиши;

ер қаърини геологик ўрганиш ишлари белгиланган тартибда тасдиқланган техник топшириқлар ва лойиҳаларга мувофиқлиги;

ер қаърини геологик ўрганиш ишлари ер қаъридан барча фойдаланувчилар учун мажбурий бўлган меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ олиб борилиши;

конлар фойдали қазилмалар асоссиз даражада юқори нобуд бўлишини ва уларнинг сифати пасайишини истисно этадиган метод ва усуллар билан қазилиши;

ер қаъри муҳофаза қилинишини таъминлаш юзасидан фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, минерал хомашёни қайта ишлаш бўйича корхоналарни, шунингдек, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари ва объектларини лойиҳалаштириш ҳамда қуриш, реконструкция қилиш ва кенгайтириш топшириқлари келишилишининг белгиланган тартибига риоя этиш;

кон ажратмаларини келишиш ва тақдим этишнинг белгиланган тартибига риоя этиш;

фойдали қазилмалар конларини қазининг белгиланган меъёрлари ва қоидаларига риоя этиш;

фойдали қазилмалар захиралари ва уларнинг таркибидаги компонентларнинг ҳолати ва ўзгаришини ҳисобга олиш;

минерал хомашёни геологик ўрганиш, қазиб олиш ва қайта ишлашда ер қаъридан фойдаланиш ва муҳофаза қилиш, саноат ва тажриба-саноат йўсинида ишга солиш учун берилган конларда кон ишларининг маркшейдерлик ва геологик таъминланиши ҳолати;

ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслари қўмитаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан захираларни тасдиқлашда қабул қилинган баённома қарорлар бажарилиши;

кон ишларини ривожлантириш режаларини амалга ошириш, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва қайта ишлашда улар нобудгарчилиги ва камайишининг белгиланган меъёрларга риоя этиш;

ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан фойдали қазилмаларни кавлаб олиш корхоналари ва объектларини ҳамда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатиш ва консервация қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши;

кавлаб олиш жараёнида олинган ва йўқотилган фойдали қазилмалар захираларини, шунингдек, саноат аҳамиятини йўқотган, ёхуд кейинги геология-қидирув ишларида тасдиқланмаган фойдали қазилмалар захираларини фойдаланувчининг ҳисобидан чиқариш маълумотларининг ишончилиги;

фойдали қазилмалар жойлашган майдонларда асоссиз равишда ва ўзбошимчалик билан иморат қуришга йўл қўймаслик,

фойдали қазилмалар жойлашган майдонларда, шунингдек, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари устидаги майдонларда иморат қуриш шартларига риоя этиш;

ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни бажаришда лицензияларда, техник лойиҳалар ва бошқа ҳужжатлардаги ер қаъри участкаларидан фойдаланиш шартлари бажарилиши;

фойдали қазилмалар захиралари ҳолати ва ўзгариши тўғрисидаги геологик ва бошқа бирламчи ҳужжатлар мазмунининг ишончилиги;

ер қаъритўғрисидаги давлат ҳисоботларини ҳамда геологик ва бошқа маълумотларни геология ахбороти фондларига тақдим этишнинг белгиланган тартибига риоя этиш;

ер қаърини кейинчалик ўрганишда, фойдали қазилмалар конларини қидириш вақазилма, шунингдек, ер қаъридан фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда фойдаланишда фойдаланилиши мумкин бўлган қидирилган кон қазилмалари ва қудуқлар, геологик ва техник ҳужжатлар, рудалар, тоғ жинслари, керн ва фойдали қазилмалар намуналарининг дубликатларини сақлаш;

минерал хомашёни геологик ўрганиш, излаш, қидириш ва қазилма билан боғлиқ бурғулаш ишларини бажаришнинг тегишли рухсатномаларда белгиланган шартларининг бажарилиши (ўз ваколати доирасида);

фойдали қазилмалар захираларини фойдали қазилмалар захиралари давлат балансига ҳисобга қўйиш ва уларни давлат балансидан ҳисобдан чиқариш учун ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан тақдим этиладиган материалларнинг ишончилиги ва асосланганлиги;

фойдали қазилмалар конларини излайдиган, баҳолайдиган ва қидирадиган ва қовлаб оладиган ташкилотлар томонидан давлат статистика ҳисоботига киритилладиган маълумотларнинг ишончилиги;

сувга қудуқларни бурғулашга рухсат олиш ва махсус сувдан фойдаланишга (ер ости сувлари) рухсат олиш шартларига риоя этиш;

ёмғир-жала оқимлари, саноат оқовалари кимёвий бирикмалар билан, зарарли чиқиндилар натижасида ер қаъри ифлосланишининг биринчи навбатда ер ости сувлари ва минерал сувлар ифлосланишининг олдини олиш;

фойдали қазилмаларни қазиб олишда ва юза қатламнинг бузилши ва емирилиши туфайли ер қаърининг одамлар яшаш муҳити ва жонли табиатга зарарли таъсирига йўл қўймаслик;

ер қаърининг ноёб объектлари, ер ости минерал даволаш ва ичимлик сувларни муҳофаза қилиш;

ер қаъри тўлиқ ва комплекс ўрганилишини, улардан фойдали қазилмалар энг тўлиқ кавлаб олинишини, улардан оқилона фойдаланиш ва барча компонентлар қазиб олинишини таъминлаш;

геология-қидирув ишлари йўналишлари геология-қидирув ишларини олиб боришнинг ўртача ва узоқ муддатли дастурларига, минерал ресурслардан комплекс фойдаланишнинг геологик топшириқларига, лойиҳаларига, талабларига ҳамда ушбу ишлар олиб борилишини тартибга солувчи бошқа ҳужжатларга мувофиқлиги;

ер қаърини геологик ўрганиш ишларига ажратиладиган молиявий маблағлардан оқилона фойдаланиш;

лаборатория-таҳлилий тадқиқотларнинг сифати;

тасдиқланмаган захираларда ишлайдиган сув олиш иншоотидан фойдаланиш участкаларида гидрогеологик тадқиқотлар бажарилишини таъминлаш;

геология-қидирувишларини олиб боришда қўшилиб чиқадиган ва вақтинча фойдаланилмайдиган фойдали қазилмаларни омборга жойлаштириш ва сақлаш шартларига риоя этиш;

ер қаърини кейинчалик ўрганишда, фойдали қазилмалар конларини қазилганда, шунингдек, ер қаъридан фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган бошқа мақсадларда фойдаланишда фойдаланилиши мумкин бўлган геологик, маркшейдерлик ва бошқа ҳужжатлар, тоғ жинслари ва рудалар, керн, фойдали қазилмалар намуналарининг дубликатлари сақланишини таъминлаш;

табiiй геологик қўриқхоналарни, стратотипик ва таянч усти очиқ конларни, табиатнинг айрим геологик ёдгорликларини, палеонтологик қолдиқларнинг ноёб тўпламларини, нодир минерал ҳосилаларни сақлаш шартларига риоя этиш юзасидан алоҳида илмiiй ва маданий қимматга эга бўлган ер қаъри участкаларининг ҳолати;

фойдали қазилма конларини қазилганда ер қаъринимухофаза қилиш норма ва қоидаларига риоя қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Фойдали қазилмалар захиралари бўйича давлат комиссияси томонидан захираларни тасдиқлашда қабул қилинган қарорлар ва хулосалар ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан бажарилиши;

ер қаърини муҳофаза қилиш соҳасидаги корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбар ходимлари ва мутахассисларини ўз вақтида аттестациядан ўтказиш устидан давлат назоратини амалга оширади.

“Саноатконгеотехназорат” ДИ ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида:

ер қаърининг саноат хавфсизлигини таъминлаш юзасидан фойдали қазилмаларни кавлаб олиш, минерал хомашёни қайта ишлаш бўйича корхоналарни, шунингдек, фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотлари ва объектларини лойиҳалаштириш ҳамда қуриш, реконструкция қилиш ва кенгайтириш топшириқлари келишилишининг белгиланган тартибига риоя этиш;

кенг тарқалган фойдали қазилмалардан ташқари фойдали қазилмалар конларини қазилшнинг белгиланган саноат хавфсизлиги меъёрлари ва қоидаларига риоя этиш;

ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан кон, бурғулаш ишлари ва бошқа ишлар олиб борилиши хавфсизлиги меъёрлари ва қоидаларига риоя этилиши;

хавфли зоналар чегаралари тўғри аниқланиши ва кон-график ҳужжатларига туширилиши ҳамда кон қазилшнинг ҳолатини ҳисобга олиш;

фойдали қазилмаларни кавлаб олиш ва минерал хомашёни қайта ишлаш корхоналари қуриш учун майдонларни танлаш;

ер қаъридан фойдаланувчилар томонидан фойдали қазилмаларни кавлаб олиш корхоналари ва объектларини ҳамда фойдали қазилмаларни кавлаб олиш билан боғлиқ бўлмаган ер ости иншоотларини тугатиш ва консервация қилишнинг белгиланган тартибига риоя этилиши;

нефть ва газнинг чуқур қудуқларини лойиҳалаштириш, қуриш, фойдаланиш, консервация қилиш ва тугатиш меъёрлари ва қоидаларига риоя этиш;

ер қаърини муҳофаза қилиш ва саноат хавфсизлиги соҳасидаги корхоналар ва ташкилотларнинг раҳбар ходимлари ва мутахассисларини ўз вақтида аттестациядан ўтказиш устидан давлат назоратини амалга оширади.

3-боб. Ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг ҳуқуқлари ва жавобгарлиги

11. Давлат экология қўмитасининг ер қаърини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш учун давлат экологик назоратини амалга оширувчи экология ва атроф муҳит муҳофазаси бўйича бош давлат инспекторлари, Инспекциянинг бош инспектори, шунингдек, унинг ўринбосарлари, “Саноатконгеотехназорат” ДИнинг кон назорати, нефть-газ саноати ва ер объектларида кон назорати бўйича бош давлат инспекторлари, шунингдек, уларнинг ўринбосарлари:

ташкилотлар ва объектларда белгиланган тартибда текшириш (инспекция) ўтказиш, шунингдек, тегишли вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотлар билан келишган ҳолда текширишлар (инспекция) ўтказишда қатнашиш учун мутахассисларни жалб этиш;

назорат остидаги ташкилотлар ва объектлар, шунингдек, вазирликлар, идоралар раҳбарларига бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар, ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги меъёрлар ва қоидаларнинг аниқланган бузилишларини бартараф этиш, ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни олиб боришнинг экологик ва саноат хавфсизлиги тўғрисида тақдимномалар бериш;

экологик талаблар, ишларни хавфсиз олиб бориш ва ер қаърини муҳофаза қилиш бўйича меъёрлар ва қоидалар бузилган ҳолда олиб борилаётган ишларни белгиланган тартибда тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, иш жойлари ва асбоб-ускуналарни муҳрлаш ҳуқуқига эгадир. Тадбиркорлик субъектлари фаолияти

тўхтатиб турилиши ёки тўхтатилишига олиб келувчи чора-тадбирлар суд тартибида қўлланилади, фавқулодда вазиятлар пайдо бўлишининг олдини олиш ҳамда аҳоли ҳаёти ва соғлиғига бошқа реал хавф муносабати билан фаолият ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб турилиши ҳоллари бундан мустасно;

табиатни муҳофаза қилиш, саноат хавфсизлиги соҳасидаги талаблар, ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича меъёрлар ва қоидалар бузилганлиги учун мансабдор шахслар ва фуқароларни белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш;

назорат остидаги ташкилотлар ва объектларнинг раҳбарлари ва муҳандис-техник ходимларининг саноат, экологик хавфсизлик, ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш меъёрлари ва қоидалари тўғрисидаги билимларини текширишда қатнашиш;

табиатни муҳофаза қилиш, саноат хавфсизлиги талабларини, ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича меъёрлар ва қоидаларни мунтазам равишда бузувчи ёки улар бир марта қўпол равишда бузилганлиги учун шахсларни эгаллаб турган лавозимидан озод этиш ёки бир йилгача бўлган муддатда ишларга техник раҳбарлик қилиш ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисида асосли тақдимномаларни ташкилотларнинг кўриб чиқиши учун киритиш;

ер қаърини ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида қонун ҳужжатлари бузилиши аниқланган ҳолларда текшириш (инспекциялар) материалларини айбдор шахсларни жиноий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш учун белгиланган тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига бериш;

табиатни муҳофаза қилиш, саноат хавфсизлиги, ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш бўйича меъёрлар ва қоидалар масалалари бўйича вазирликлар, идоралар, ташкилотлар раҳбарларини эшитиш;

асбоб-ускуналар ва материалларнинг назорат синовларини, иш муҳити ва атроф муҳит таҳлилларини тайинлаш, шунингдек, одамлар ҳаётига ва атроф муҳитга реал хавф аниқланган ҳолларда, шунингдек, авариялар ва бахтсиз ҳодисаларнинг сабабларини техник текширишда лойиҳа ва лойиҳа-конструкторлик ечимларининг мустақил экспертизасини ўтказиш;

ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, атроф табиий муҳит масалалари бўйича зарур ахборотни вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда бепул олиш ҳуқуқига эгадир.

12. Ер қаърини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш устидан давлат экологик назоратини амалга оширувчи ва атроф табиий муҳит муҳофазаси бўйича Ўзбекистон Республикаси давлат инспекторлари, шунингдек, кон назорати, нефть-газ саноати ва ер қаърини геологик ўрганиш объектларида кон назорати бўйича давлат инспекторлари ўз фаолияти ҳудудида:

назорат остидаги ташкилотлар ва объектлар раҳбарларига бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар, ер қаърини геологик жихатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги меъёрлар ва қоидаларнинг аниқланган бузилишларини бартараф этиш, ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларни олиб боришнинг экологик ва саноат хавфсизлиги тўғрисида тақдимномалар бериш;

экологик талаблар, ишларни хавфсиз олиб бориш ва ер қаърини муҳофаза қилиш бўйича меъёрлар ва қоидалар бузилган ҳолда олиб борилаётган ишларни белгиланган тартибда тўхтатиб туриш ва тўхтатиш, иш жойлари ва асбоб-ускуналарни мухрлаш ҳукукига эгадир. Тадбиркорлик субъектлари фаолияти тўхтатиб турилиши ёки тўхтатилишига олиб келувчи чора-тадбирлар суд тартибида қўлланилади, фавқулодда вазиятлар пайдо бўлишининг олдини олиш ҳамда аҳоли ҳаёти ва соғлиғига бошқа реал хавф муносабати билан фаолият ўн иш кунидан ортиқ бўлмаган муддатга тўхтатиб турилиши ҳоллари бундан мустасно;

ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш, ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ экологик ва саноат хавфсизлиги бўйича меъёрлар ва қоидалар бузилганлиги учун мансабдор шахслар ва фуқароларни белгиланган тартибда маъмурий жавобгарликка тортиш;

назорат остидаги ташкилотлар ва объектларнинг раҳбарлари ва муҳандис-техник ходимларининг саноат, экологик хавфсизлик, ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш меъёрлари ва қоидалари тўғрисидаги билимларини текширишда қатнашиш;

ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш масалалари бўйича зарур ахборотни вазирликлар, идоралар, бошқа ташкилотлардан белгиланган тартибда бепул олиш ҳукукига эгадир.

13. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

тегишли ҳудудда минерал-хомашё базани ривожлантириш ва такрор ишлаб чиқариш, ер қаърини муҳофаза қилиш давлат дастурлари ишлаб чиқиши ва амалга оширилишида ҳамда уларнинг бажарилиши устидан назорат қилишда қатнашиш;

кенг тарқалган фойдали қазилмаларни кавлаб олишда ер қаъридан фойдаланиш шартларини келишиш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга ошириш ҳукукига эга.

14. Ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини амалга оширувчи органлар ушбу Низомда назарда тутилган фаолият йўналишлари бўйича давлат назорати ташкил этилиши ва амалга оширилиши учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

15. Ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини амалга оширувчи органлар ўз функцияларини назорат қилинадиган объектларни бевосита текшириш (инспекция қилиш), шунингдек, геологик, маркшейдерлик, ишлаб чиқариш-техник, молиявий ва лойиҳа-смета ҳужжатларини ўрганиш йўли билан амалга оширадилар.

16. Давлат экология қўмитаси, “Саноатгеоконтехназорат” ДИ ва Давлат геология қўмитаси ҳузуридаги Инспекция ўз ишини маҳаллий давлат ҳокимияти органлари билан мустаҳкам ўзаро ҳамкорликда амалга оширади.

Ер қаъри, табиатни муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг, шунингдек, ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасидаги меъёрлар ва қоидаларининг барча бузилишлари тўғрисида ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини амалга оширувчи органлар маҳаллий давлат ҳокимияти органларини

хабардор қиладилар, шунингдек, кўрсатиб ўтилган бузилишларнинг олдини олиш бўйича уларнинг таклифларини ҳисобга оладилар.

17. Ер қаъридан фойдаланувчилар ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини амалга оширувчи органларнинг текширишни (инспекцияни) амалга оширувчи мансабдор шахсларига иш учун зарур шарт-шароитлар яратишга (транспорт, хизмат ва турар жой бинолари, махсус кийим-бош, ҳимоя ва алоқа воситалари билан таъминлаш), геологик, маркшейдерлик, ишлаб чиқариш-техник, лойиҳа-смета, молия ҳужжатларинисўраш ва бошқа ҳужжатларни тақдим этишга, ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини амалга оширувчи органлар ваколатига кирадиган масалалар бўйича тушунтиришлар беришга мажбурдир.

4-боб. Ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини амалга ошириш тартиби

18. Ер қаърини геологик ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш соҳасида давлат назоратини амалга оширувчи органлар ўз фаолиятини белгиланган тартибда тасдиқланган иш режасига биноан ва ушбу Низомга, бошқа қонун ҳужжатларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг тегишли топшириқларига мувофиқ амалга оширадилар.

5-боб. Якунловчи қоидалар

19. Ушбу Низомни қўллашда пайдо бўладиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

20. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 4 декабрдаги
983-сон қарорига
5-илова

**Фойдали қазилмаларни қазиш чоғида ер қаърини
муҳофаза қилишнинг ягона қоидалари**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Қоидалар фойдали қазилмалардан оқилона, комплекс фойдаланиш ва ер қаърини муҳофаза қилишнинг ягона талабларини белгилайди.

2. Қоидалар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдали қазилмалар конларини қазиш, фойдали қазилмаларни қазиш корхоналарини лойиҳалаштириш, қуриш, реконструкция қилиш, тугатиш ва консервация қилишни амалга оширувчи барча юридик ва жисмоний шахслар учун мажбурий ҳисобланади.

3. Фойдали қазилмалар конларини қазишга «Ер ости бойликлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни талаблари бажарилган ва қуйидагилар мавжуд бўлган ҳолларда йўл қўйилади:

фойдали қазилмаларни қазиб олиш учун ер қаъридан фойдаланиш ҳуқуқини берувчи лицензия;

белгиланган тартибда тасдиқланган фойдали қазилмалар захиралари ҳисоблаб чиқилган ҳисобот;

қидириб топилган конни саноат йўли билан ўзлаштириш учун қабул қилиш-бериш далолатномаси;

янги корхоналар қуриш ёки ишлаб турганларини кенгайтириш, реконструкция қилиш ва техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш ҳамда конни ишлатишга давлат экология экспертизасидан ўтказилган тасдиқланган лойиҳа;

кон ажратилганлигини тасдиқловчи далолатнома;

ер участкаси ажратилганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

давлат комиссиясининг корхонани қабул қилиш ёки унинг бир қисмини фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги далолатномаси;

сувдан махсус фойдаланишга ёки сув истеъмолига рухсатнома, зарур ҳолларда—Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Давлат захиралар комиссиясининг (кейинги ўринларда «ДЗК» деб аталади) ер ости сувлари захираларини тасдиқлаш бўйича протоколи;

кон ишларини ривожлантириш режаси;

қидириб топилаётган қудуқларнинг керни ва кейинги геологик ўрганишлар ҳамда конни қазиш учун зарур намуналарнинг дубликатлари.

4. Корхона тозалаш ва ўтказиш комплексларига, ер қазишда, кон-транспорт машиналари ва механизмларига, кон ишларини олиб боришда ҳамда фойдали қазилмаларни янада тўлиқроқ, комплекс ажратиб олишда хавфсизликни таъминловчи, лойиҳада кўзда тутилган бошқа техника воситаларига, шунингдек, тутувчи асбоб-ускуналарга ҳамда зарарли моддалар чиқинди ва оқоваларининг атроф муҳитга таъсирини йўқотувчи ёки камайтирувчи тозалаш иншоотларига эга бўлиши лозим.

5. Фойдали қазилмалар қазиб олиш учун ер қаъри кон ажратишни тасдиқловчи лицензия ва далолатномага асосан фойдаланишга берилади, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

Кон ажратмалари фойдали қазилмалар конларини қазиб олиш учун Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси ҳузуридаги Кон-геология фаолиятини назорат қилиш инспекцияси ва унинг минтакавий инспекциялари (кейинги ўринларда “Инспекция” деб аталади) томонидан белгиланган тартибда берилади.

6. Корхоналар қуриш ва фойдали қазилмалар конларини қазиб олиш учун ер участкаси ажратиш кон ажратмаси Ўзбекистон Республикасининг ер ҳақидаги қонунларида белгиланган тартибда расмийлаштирилгандан сўнг амалга оширилади.

7. Фойдали қазилмаларни тажриба-саноат қўламида кавлаб олиш лицензия асосида, кон ажратмаси бермасдан (нефть ва газ конларидан ташқари), фойдали қазилмаларни бойитиш ва қайта ишлаш технологиясини ишлаб чиқиш ёки такомиллаштириш, фойдали қазилмалар конларини саноат йўли билан ишга туширишнинг оқилона усуллари ва методларини танлаш, шунингдек, техноген минерал ҳосилалардан фойдаланиш мақсадида ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш жараёнида амалга оширилади.

Тажриба-саноат қўламида кавлаб олиш Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитаси ва Инспекция билан келишилган мустақил лойиҳа бўйича амалга оширилади.

8. Кон ишларини ривожлантириш режалари ер қаърини муҳофаза қилинишини таъминлаш қисми бўйича – Инспекция билан ва саноат хавфсизлигини таъминлаш қисми бўйича – Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ер қаърини геологик ўрганиш, саноатда, кончиликда ва коммунал-маиший секторда ишларнинг беҳатар олиб борилишини назорат қилиш давлат инспекцияси (кейинги ўринларда «Саноатгеоконтехназорат» ДИ деб аталади) билан келишилган ҳолда юқори ташкилот томонидан тасдиқланади.

Кон ишларини ривожлантириш режалари лойиҳага мувофиқ бир йилга ишлаб чиқилади.

Кон ишларини ривожлантиришнинг йиллик режасига ҳар бир ер ажратмаси бўйича ҳисобланган нобудгарчилик ва сифатнинг бузилиши нормативлари киради.

Кон ишларини ривожлантириш режаларида қазиб чиқариш, қазиб олишга жалб этилишида фойдали қазилмаларнинг камайиши ва сифатнинг бузилишини оптималлаштириш чора-тадбирлари, зарур бўлганда илгари консервация қилинган ва баланسدан ташқари захиралар, биргаликда жойлашган фойдали қазилмалардан фойдаланиш ва юзаси очилган жинслар, махсус ағдарилган тупроқдаги ноқондицион минерал хомашёнинг йиғилиши, фан ва техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш, шунингдек, истиқболли технологик қарорлар ва ер қаърини муҳофаза қилиш соҳасидаги илмий-тадқиқот ва тажриба ишларининг натижалари назарда тутилиши лозим.

Кон ишларини ривожлантириш дастурлари ҳамда камайиш ва сифатнинг бузилишини нормативларини тузиш ва келишиш тартиби Инспекция томонидан тасдиқланган намунавий методик кўрсатмалар, шунингдек, вазирликлар ва идоралар томонидан Инспекция билан келишган ҳолда тасдиқланган тармоқ методик кўрсатмалари билан аниқланади.

9. Нодир геология тоғ жинслари очилмалари, минералогик ҳосилалар, палеонтология объектлари ва белгиланган тартибда қўриқхона ёхуд табиат, тарих ва маданият ёдгорликлари деб эълон қилинган ер қабри участкалари сақланишини бузувчи ҳар қандай фаолият тақиқланади.

Нодир геология тоғ жинслари очилмалари ва минералогик ҳосилалар мавжуд бўлган ер қабридан фойдаланишда метеоритлар, палеонтологик, археологик ҳамда бошқа фан ва маданият учун қизиқиш уйғотувчи объектларга дуч келинган тақдирда тегишли участкадаги ишлар дарҳол тўхтатилади ҳамда юқори ташкилот ва манфаатдор давлат органларига бу ҳақда хабар берилади.

Ушбу участкада ишларни янгидан бошлашга манфаатдор давлат органлари билан келишилган ҳолда рухсат этилади.

10. Ер қабридан фойдаланувчилар ер қабридан фойдали қазилмаларни ажратиб олиш ва улардан комплекс фойдаланишда улар эришган юқори кўрсаткичлар учун меҳнат жамоалари ва алоҳида ходимларни моддий ва маънавий тақдирлаш чораларини кўришлари, шунингдек минерал хомашёни қазиб олиш ва унга дастлабки ишлов беришда унинг нобудгарчилиги камайишига кўмаклашувчи меҳнатни ташкил этишнинг илғор тажрибасини жорий этишлари лозим.

Корхоналарнинг ходимлари ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунчиликка ва ушбу Қоидаларга риоя этилишига фаол кўмаклашишлари зарур. Фойдали қазилмаларнинг асоссиз нобудгарчилигига олиб келувчи ёки олиб келган қоида бузилишини сезган ходим зудлик билан бу ҳақда техника назоратининг тегишли шахсига ёки корхона маъмуриятига чора кўриш учун хабар бериши лозим.

11. Қазиб чиқариладиган минерал хомашёдан захираларни тасдиқлаш чоғида ДЗК қарорида назарда тутилмаган мақсадларда ёки бу қарорни бузиб фойдаланилган тақдирда фойдали қазилмалар қазиб олиш ман этилади.

12. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва минерал хомашёни қайта ишлашга тайёрлашни амалга оширувчи вазирликлар, идоралар, ташкилотлар ва ер қабридан фойдаланувчилар конни комплекс ўзлаштириш ва минерал-хомашё ресурсларидан оқилона фойдаланиш учун тўлиқ жавоб берадилар.

13. Мазкур Қоидалар талаблари корхоналар хизматлари, бўлинмалари ва алоҳида мансабдор шахсларининг ишлаб чиқариш фаолиятини тартибга солувчи тегишли тармоқ ҳужжатларида (техник фойдаланиш қоидалари, уставлар, низомлар, йўриқномалар ва шу кабилар) акс этиши лозим.

**2-боб. Фойдали қазилмаларни қазиб олувчи корхоналарни
лойиҳалаштириш, қуриш ва фойдаланишга топширишга
қўйиладиган асосий талаблар**

14. Фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва минерал хомашёни қайта ишлаш корхоналарини лойиҳалаштириш тасдиқланган захиралар ва мўлжалланаётган қурилиш участкасида техника хавфсизлиги ва ҳудуднинг экологик ҳолатини ҳисобга олиб ер қабрининг ўрганилиши асосида амалга оширилади.

15. Корхона жойлашадиган жой – фойдали қазилмаларни қазиб олувчи корхона қурилиши учун майдон Ўзбекистон Республикаси ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига, ер, сув тўғрисидаги қонунларга ва бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ, шунингдек, қурилиш бўйича йўриқномалар талабларига мувофиқ танланади.

16. Фойдали қазилмаларни қазиб олувчи корхоналар жойлашадиган жойлар лойиҳалаш ишлари бошлангунга қадар маҳаллий ҳокимият органлари, кончилик муносабатлари соҳасидаги махсус ваколатли бошқарув органлари, бошқа манфаатдор органлар билан келишилади.

17. Лойиҳалаш ташкилоти – бош лойиҳачи, зарур ҳолларда махсус лойиҳалаш ва қидирув ташкилотларини жалб этиб буюртмачининг топширигига биноан асословчи ҳисоб-китоблар, фойдали қазилмаларни қазиб олиш корхонасини қуриш учун танланган турли майдонларда жойлаштиришнинг техник-иқтисодий қиёслаш вариантларини амалга оширади ва оқилона вариант бўйича таклиф тайёрлайди. Бу материаллар ва таклифлар ҳажми ҳамда таркиби объектларнинг мураккаблиги билан белгиланади ва конлардан, қазиб олинадиган фойдали қазилмалардан оқилона, комплекс фойдаланиш ва ер қаърини муҳофаза қилиш бўйича мўлжалланаётган қарорларнинг самарадорлиги тўғрисида хулосалар тайёрлаш учун етарли бўлиши лозим.

18. Асословчи ҳисоб-китоблар, фойдали қазилмаларни қазиб олувчи корхоналарни жойлаштириш вариантларини техник-иқтисодий қиёслаш ва оқилона вариант бўйича таклифлар билан биргаликда материалларни лойиҳалаш ташкилоти – бош лойиҳачи Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитаси, Инспекция ва «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекциясига хулоса бериш учун жўнатади, уларнинг вакиллари корхона қурилиши учун майдонча танлашда иштирок этишлари керак.

19. Фойдали қазилмаларни қазиб олувчи корхона қурилиши учун майдон танлаш учун буюртмачи томонидан белгиланган тартибда комиссия тузилади, унда Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитаси, Инспекция ва «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси вакиллари албатта иштирок этишлари зарур.

Фойдали қазилмаларни қазиб олувчи корхона қурилиши учун майдон танлаш тўғрисидаги (комиссиянинг барча аъзолари имзоланган) далолатнома белгиланган тартибда тасдиқланади ва у фойдали қазилмаларни қазиб олувчи корхона жойлашадиган жой келишилганлиги тўғрисидаги ҳужжат ҳисобланади.

20. Фойдали қазилмаларни қазиб олувчи корхона қурилиши учун майдон танланган тақдирда буюртмачи лойиҳани ишлаб чиқиш бошлангунга қадар белгиланган тартибда фойдали қазилмалар жойлашган жойларда иморат қуришга рухсатномани расмийлаштириши лозим.

21. Корхона лойиҳаси, шу жумладан, конни тажриба-саноат йўли билан қазил лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси қонунлари, лойиҳалаш ва қуриш бўйича амалдаги норматив ҳужжатлар, хавфсизлик ва техник фойдаланишнинг тармоқ нормалари ва қоидалари, шунингдек, ушбу Қоидалар талабларига мувофиқ бўлиши керак.

Лойиҳада Давлат захиралари комиссиясининг захираларни тасдиқлаш бўйича қарорлари ва тавсияларини бажаришни таъминловчи чора-тадбирлар назарда тутилиши зарур.

22. Корхона лойиҳаси, шу жумладан, конни тажриба-саноат йўли билан қазил лойиҳаси ҳамда юқори ташкилот томонидан тасдиқланган лойиҳалаштириш бўйича топшириққа асосан ишлаб чиқилади. Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва ушбу Қоидалардан чекинилган корхоналар лойиҳалари улар

тасдиқлангунига қадар ер қаърини муҳофаза қилиш қисми бўйича Инспекция билан келишилиши лозим.

23. Корхона лойиҳаси қуйидагиларни назарда тутиши лозим:

корхонанинг ер усти ва ер ости иншоотлари жойлашуви, фойдали қазилмаларни очиш усуллари ва қазиб олиш тизимлари ишлаб чиқариш жараёнларида ер ости бойликларини тўлиқ, комплекс ва иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ қазиб олиш ва асосий ҳамда улар атрофида жойлашган фойдали қазилмалар захираларидан самарали фойдаланишни таъминловчи механизация ва автоматлаштириш воситаларини қўллаш, шунингдек, ер қаърини сақлаш ёки балансдан ташқари захираларни кейинчалик саноат йўли билан ўзлаштириш учун йиғиш;

қазиб олинган фойдали қазилмаларни минерал хомашёни бойитиш ва самарали қайта ишлашнинг истиқболли схемаларини қўллашни таъминлайдиган, унинг таркибидаги саноат аҳамиятига эга бўлган компонентларни оқилона, комплекс ажратиш имконини берадиган тарзда тайёрлаш;

фойдали қазилмалар конларини қазिश чоғида кон устидаги очиқ ва аралаш жинслардан ҳамда ишлаб чиқариш чиқитларидан оқилона фойдаланиш;

ишлаб чиқаришнинг зарарли чиқитларини зарарсизлантириш ёки кўмиш;

йўл-йўлакай қазиб олинган, вақтинча фойдаланилмайдиган фойдали қазилмалар, шунингдек, фойдали қазилмалар компонентлари бўлган ишлаб чиқариш чиқитларини алоҳида йиғиш ва сақлаш ҳамда фойдали қазилмалар ва ишлаб чиқариш чиқитларини фойдаланишга жалб этиш муддатлари, хомашёнинг камайиши ва бузилишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар;

корхонани куриш ва унинг ишлаши жараёнида очилган ер қаърини геологик ўрганиш, қазиб олишни ва қайта ишлашнинг кон-геологик шароитларини прогнозлаштириш учун зарур бўлган ҳажмда геологик ва маркшейдер ҳужжатларини тайёрлаш;

қазиб олинадиган минерал хомашёнинг миқдори ва сифатини ишончли ҳисоблаш бўйича техник воситалар;

корхонанинг геологик ва маркшейдер хизматлари таркиби, уларнинг техник жиҳозланиши;

корхона ходимлари ва аҳоли хавфсизлигини, ер қаъри, атмосфера ҳавоси, ер, ўрмонлар, сув ва атроф табиий муҳитнинг бошқа объектлари, бинолар, иншоотлар, кўрикхоналар, табиат, тарих ва маданият ёдгорликлари ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг зарарли таъсиридан муҳофаза қилинишини таъминловчи чора-тадбирлар;

техника хавфсизлигига оид чоралар;

ер қаъридан фойдаланишда бузилган ер майдонлари ва сув омборларини хавфсиз ҳолатга, шунингдек, улардан амалдаги қонунчиликка мувофиқ халқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқли ҳолатга келтириш.

Корхона лойиҳасида атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш чоралари бошқа масалалар билан бир қаторда:

ерларни кон қазिशга ажратиш учун бериш статистикасини камайтириш;

минерал хомашёни зарарли чиқариш ва оқизишларни атроф табиий муҳитига энг кам чиқарган ҳолда қазилма ва уни дастлабки қайта ишлаш технологияларини танлаш;

атроф табиий муҳитнинг ҳолатини назорат қилишни ташкил этиш ҳамда ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ атроф табиий муҳитдаги ўзгаришларни баҳолашни прогнозлаштириш масалаларини ҳал этишни ҳам назарда тутиши лозим.

24. Икки ва ундан кўп корхоналар жойлаштириладиган йирик фойдали қазилма конларини қазилма конни ўзлаштириш ва қазилманиннг қуйидагиларни назарда тутувчи комплекс лойиҳаси ишлаб чиқилиши зарур:

конни ер қаъридан энг тўлиқ ажратиб олиш ва асосий ҳамда улар билан бирга жойлашган фойдали қазилмалар, шунингдек, улардаги компонентлардан комплекс фойдаланиш имконини таъминловчи шахта (карьер) майдонларига оқилона тақсимлаш, шунингдек корхона ходимлари ва аҳоли хавфсизлигини таъминлаш чора-тадбирлари;

ҳар бир корхонанинг энг оқилона қувватларини асослаш, қатламлар, маъдан жисмлари ва ҳар хил тур (кўриниш) ва шакллардаги фойдали қазилмалар тизимларини уларга қўшимча ишлов бериш ва асоссиз нобуд қилишни истисно этувчи қазилманиннг навбати билан амалга оширилиши;

корхоналарни ишлатиш учун зарур бўлган ер устидаги бинолар ва иншоотлар билан биргаликда корхоналарнинг асосий ва ёрдамчи саноат майдонларини, шу жумладан, фойдали қазилма омборлари, очиқ ва аралаш жинслар ағдармаларини, шунингдек, турар жой посёлкалари ва коммуникацияларни, темир йўл ва автомобиль йўлларини, электр узатиш ва алоқа линияларини, сув ва иссиқлик таъминотини, тозалаш иншоотлари бўлган канализацияларни ва бошқа объектларни энг мақбул жойлаштириш;

алоҳида корхоналарни қуриш ва ишга туширишнинг навбат билан амалга оширилиши;

алоҳида корхоналар ва умуман кон бўйича тўлиқ капитал харажатлар ва техник-иқтисодий кўрсаткичлар.

Конни ўзлаштириш ва умуман қазилманиннг комплекс лойиҳаси белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитаси, Инспекция ва «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси билан келишилган ҳолда тасдиқланади ва унга асосан ушбу конда жойлашадиган алоҳида корхоналарнинг лойиҳалари ишлаб чиқилади.

25. Корхона лойиҳасида қабул қилинган конни очиш схемалари, қазилма усуллари ва тизими хавфсизлик шартларига жавоб берувчи ҳамда ер қаъридан фойдали қазилмалар захираларини ҳалқ хўжалиги нуқтаи назаридан ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш талаблари ҳисобга олиниб баҳоладиган тугатиладиган баланс захиралари бирлигига (тонна, куб. м) энг кўп иқтисодий самара билан мақбул даражада тўла ва сифатли ажратиб олишни таъминловчи, вариантларни танлаб вариантлар бўйича техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар билан асосланган бўлиши лозим. Корхоналар лойиҳаларида қазилманиннг усуллари ва тизимларини асослашда шу билан бирга шахта майдонларини ёнбошдан марказга томон қазиб бориш, қазилма участкаларини майдон нуқтаи назаридан тайёрлаш вариантлари кўриб чиқилиши, шунингдек, қазилма бирликларининг мақбул параметрлари белгиланган бўлиши лозим.

Лойиҳалар доирасида амалга оширишга қабул қилинган вариантлар ишларнинг хавфсизлигини таъминлаши, конларнинг энг бой участкалари ва маҳсулдор қатламлар, руда жисмлари ва уюмлари танлаб қазилишини ҳамда кондаги қолган баланс захиралари камайишига, шунингдек, қатламлар, руда жисмлари ва уюмлар қайтадан ишланишини (бунинг оқибатида уларда бўлган фойдали қазилмалар саноат аҳамиятини йўқотиши ёки бутунлай исроф бўлиши мумкин) истисно этиши зарур.

26. Агар ишлаётган корхонада баланسدан ташқари захиралар, асосий фойдали қазилмалар билан бирга жойлашган бошқа фойдали қазилмаларнинг балансдаги захираларини қазилш лойиҳада кўрсатилмаган ва амалда иш олиб борилаётган бўлса, корхона биргаликда жойлашган фойдали қазилмаларни қазиб олиш тартиби ва шартларини, зарур ҳолларда эса уларни махсус ағдармаларда йиғиш ва келгусида фойдаланиш учун сақлаш тартибини назарда тутувчи лойиҳага қўшимчани ишлаб чиқиши белгиланган тартибда тасдиқлаши керак.

Лойиҳага қўшимчаларни ишлаб чиқишда хомашёни қазилш ва қайта ишлашнинг истиқболли технологиялари қўлланилган ҳолда ундан янада тўлароқ комплекс фойдаланиш таъминланиши ва қуйидагилар ҳисобга олиниши лозим:

баланسدан ташқари ва биргаликда жойлашган фойдали қазилмаларнинг ўрганилганлик даражаси, сифати ва жойлашиш ҳолати;

истеъмолчиларнинг мавжудлиги ва ушбу фойдали қазилмаларга эҳтиёж прогнози.

27. Қийин кон-геология шароитларида жойлашган конлардаги корхоналар лойиҳаларида мураккаб табиий шароитларнинг ер ости бойликларидан оқилона, комплекс фойдаланишга зарарли таъсирини бартараф этувчи ёки анча камайтирувчи ва кон ишларини хавфсиз олиб боришни, ер қаърини ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш ишларида хавфсизликни таъминловчи чора-тадбирларни назарда тутувчи махсус бўлим бўлиши зарур.

Бундай корхоналарни қуриш ва ишлатиш кўмир ва сланец шахталаридаги хавфсизлик қоидаларининг, рудали, норуда ва сочма конларни ер ости усули билан қазилшда ягона хавфсизлик қоидаларининг, Фойдали қазилмалар конларини очиқ усулда қазилшда ягона хавфсизлик қоидаларининг, Иншоотлар ва табиий объектларни кон ишларининг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш қоидалари (кўрсатмалар)нинг тегишли талаблари, шунингдек, кўрсатиб ўтилган Қоидаларда ва ушбу Қоидаларда қайд этилган махсус йўриқномалар талаблари қатъий бажарилган ҳолда амалга оширилиши керак.

28. ДЗК томонидан комплекс минерал хомашёдан кўп мақсадли фойдаланиш белгиланганда корхона лойиҳасида конни ўзлаштириш ва қазиб олинadиган хомашёни қўллашнинг оқилона варианты белгиланиши керак.

29. Табиий тошли қурилиш материаллари, гипс, оҳактош, тошли ва калий тузларини ер ости усулида қазиб олувчи корхоналарнинг лойиҳаларида қазилмаларни фойдали қазилмаларни қазилш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда ишлатиш учун узоқ муддат сақлашни таъминлаш ҳисобга олинган ҳолда уларни мақсадли тайёрлаш кўриб чиқилиши зарур.

30. Янги корхоналарни қуришда ва ишлаётганларини реконструкция қилишда, шунингдек уларда горизонтлар ва қазилш участкалари тайёрлашда тасдиқланган лойиҳаларга ўзгартиришларни лойиҳани ишлаб чиққан лойиҳалаш ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Давлат экология қўмитаси, Инспекция ва

«Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси билан олдиндан келишмасдан, шунингдек, лойиҳани тасдиқлаган ташкилотнинг ўзгартиришлар киритишга ёзма рухсатисиз ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунчилик ҳамда ушбу Қоидалар талаблари бузилишига олиб келувчи бирор-бир ўзгартириш киритиш ва четга чиқиш тақиқланади.

31. Қурилиши (реконструкция қилиниши, кенгайтирилиши) тасдиқланган лойиҳага мувофиқ тугалланган ва фойдаланишга тайёрланган корхоналар буюртмачи томонидан давлат қабул комиссияларига қабул қилиш учун тавсия этилиши керак.

Давлат қабул комиссияларининг таркиби, уларни тайинлаш ва иш тартиби қонунчилик билан белгиланади.

Қурилиши тугалланган объектларни давлат қабул комиссиялари томонидан фойдаланишга қабул қилиш далолатномалар билан расмийлаштирилади.

32. Лойиҳа қарорларининг қазиладиган кон ва қазиб олинadиган фойдали қазилмалардан оқилона, комплекс фойдаланишни, ер қаъри ҳамда атроф табиий муҳит муҳофаза қилинишини таъминлаш қисмидаги асосий маълумотлар давлат экология экспертизасидан ўтиши лозим бўлган лойиҳанинг таркибидаги махсус «Ер ости бойликлари ва атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш» бўлимида акс эттирилиши зарур.

3-боб. Кон ишларини геологик ва маркшейдерлик жиҳатидан таъминлаш ва захираларни ҳисобга олиш

33. Фойдали қазилмалар конларини қазишни, фойдали қазилмалар қазиш корхоналарини лойиҳалаш ва қуришни амалга оширувчи вазирликлар, идоралар, корхоналар ва бошқа ер қаъридан фойдаланувчилар геологик ва маркшейдерлик хизматларига эга бўлишлари керак.

Фойдали қазилмаларни қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун қазувчи корхоналарда, агар ушбу корхонада геология-маркшейдерлик хизматлари мавжуд бўлмаса, геология-маркшейдерлик юқори идора томонидан марказлаштирилган тартибда амалга оширишга йўл қўйилади.

Ушбу хизматларнинг тузилмаси, вазифалари, мажбуриятлари ва ҳуқуқлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланadиган идоравий геологик хизмат тўғрисидаги намунавий низом, шунингдек, Инспекция билан келишган ҳолда вазирликлар ва идоралар томонидан тасдиқланган кўрсатиб ўтилган хизматлар тўғрисида тармоқ низомлари билан белгиланади.

34. Корхоналар зарур ҳолларда қазиладиган конларнинг минерал хомашё негизини мустаҳкамлаш ва ўрганилган захираларнинг ишончлилигини ошириш мақсадида дастлабки қидирувни ва эксплуатация қидирувини амалга оширишлари лозим.

Корхоналар:

конларнинг мураккаб участкаларида қайта ишлашнинг кон-геология шароитларини ўрганиш мақсадида геология ишларини амалга оширишлари;

фойдали қазилмалар конларидан янада тўлароқ ва комплекс фойдаланиш, кон ишларини самарали ва хавфсиз амалга ошириш, ер қаърини, бинолар, иншоотлар ва табиат объектларини кон қазиш ишларининг зарарли таъсиридан муҳофаза қилишни таъминлаш мақсадида маркшейдерлик ишларини бажаришлари;

белгиланган геология ва маркшейдерлик ҳужжатларини юритишлари;

фойдали қазилмалар захираларининг ҳолати ва ҳаракати, нобуд бўлганлиги ва сифатсизланишини ҳисобга олиши, шунингдек, йўл-йўлакай қазиб олинадиган, вақтинча фойдаланилмайдиган фойдали қазилмалар ва фойдали компонентлар бор бўлган ишлаб чиқариш чиқитларининг ҳисобга олинишини таъминлашлари зарур.

Кон ишларини ўз вақтида ва сифатли геологик ва маркшейдерлик жиҳатидан таъминламасдан, шунингдек, фойдали қазилмаларнинг ҳолати ва захираларнинг ҳаракати, нобуд бўлиши ва сифати пасайишини ҳисобини юритмасдан конларни қозиш ва корхоналарни куриш (реконструкция қилиш) тақиқланади.

35. Қазилаётган кон доирасидаги геология ишлари тасдиқланган лойиҳа, тармоқ норматив ҳужжатлари ва кўрсатмаларига мувофиқ, шунингдек, ДҚЗ йўриқномалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат геология кўмитасининг методик низомлари ҳамда кўрсатмалари ва ишларни хавфсиз олиб боришга оид қоидалар талабларига риоя қилинган ҳолда олиб борилади.

Режалаштириш ва фойдаланиш мақсадида қидириш Инспекция билан келишилган кон ишларининг йиллик режалари бўйича амалга оширилади.

36. Конларни ёки уларнинг айрим участкаларини дастлабки қидиришда ва фойдаланиш мақсадида ўрганиш корхона ёки корхона томонидан берилган геологик топшириқ бўйича ихтисослаштирилган ташкилот томонидан амалга оширилади.

37. Конларнинг етарлича пухта ўрганилмаган қисмларини, (ёнбошлар, чуқур горизонтлар, алоҳида участкалар) пухта ўрганиб чиқиш босқичма-босқич, корхоналар лойиҳалари ҳамда кон ишларини ривожлантириш режалари билан боғлиқ ҳолда амалга оширилиши керак.

Фойдаланиш мақсадида ўрганиш тайёрлов ва тозалаш ишлари ривожланишидан олдин бажарилиши ҳамда корхона фаолият кўрсатган бутун муддат мобайнида амалга оширилиши зарур.

38. Конларни дастлабки қидириш бўйича ишларнинг лойиҳаларида қуйидагилар назарда тутилиши лозим:

мақсадли топшириқ, ишларнинг йўлга қўйилишини ва вазифаларини асослаш;

қабул қилинган геологик, геофизик, гидрогеологик, бурғилаш ва геология муҳандислиги ишлари комплексини ўтказишнинг, шунингдек технологик ва кўзланган топшириқни бажариш учун зарур бўлган изланишлар бошқа турларининг методикаси ва технологияси;

ишларнинг амалдаги ҳажмлари ҳисоб-китоби;

фойдали қазилмалар захираларининг кўпайиши бўйича, уларни ўрганишнинг даражаларига қараб захираларни янада юқори тоифаларга ўтказиш бўйича, шунингдек, конларнинг ёки уларнинг айрим участкаларининг геологик хусусиятларини аниқлаш бўйича кутилаётган натижалар.

Конлар ёки уларнинг қисмларини қозишнинг қийин кон-геология шароитларида (тоғ массалари ва газларнинг тўсатдан отилиши, тоғ зарбалари, сув ва тошқинларнинг уриб кетиши, кўчки ҳодисалари ва шу кабилар) пухта ўрганиб чиқиш лойиҳаларида кон ишларини самарали ва хавфсиз олиб боришни таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш учун махсус тадқиқотлар ўтказиш назарда тутилиши керак.

Дастлабки қидириш лойиҳалари конни пухта ўрганиб чиқиш мақсадлари учун капитал, тайёрлов, қирқма кон қазилмалари ва бурғилаш қудуқларидан энг тўлиқ фойдаланишни назарда тутиши зарур.

Қидирув ишлари олиб борилган кон қазилмалари фойдаланиш мақсадидаги ишларда максимал даражада фойдаланилиши лозим.

39. Геологик, гидрогеологик, геофизик, технологик ва бошқа ишларнинг корхонани қуриш ва ишлатиш, пухта ўрганиш ва фойдаланиш мақсадидаги ўрганиш жараёнида олинган натижалари кон ишлаб чиқариши, шу жумладан капитал, тайёрлов ва тозалаш ишларини лойиҳалаш, оқилона режалаштиришни геологик асослаш учун ўз вақтида ишлаб чиқилиши ҳамда фойдаланилиши керак.

Корхонани қуриш ва ундан фойдаланиш, пухта ўрганиб чиқиш ҳамда фойдаланиш мақсадида ўрганиш чоғида олинган батафсил ўрганиш маълумотлари ва амалдаги маълумотлар ўртасида тафовутлар мавжуд бўлган тақдирда қиёслаш материалларини корхона билан батафсил ўрганишни амалга оширган ташкилот биргаликда кўриб чиқиши лозим. Катта тафовутлар бўлса материаллар ДЗКга кўриб чиқиш учун тақдим этилади.

Корхона ва ихтисослашган ташкилот ўтказилган геологик-қидирув ишлари натижалари юзасидан белгиланган тартибда геологик ҳисоботлар тайёрлашлари лозим.

Кон ишларини, шунингдек, улар ишлаб чиқаришини олдиндан геологик асослашларсиз лойиҳалаш ва режалаштиришга йўл қўйилмайди.

40. Барча қидириб топилган кон қазилмалари ва бурғилаш қудуқлари геологик жиҳатдан ҳужжатлаштирилади, уларда фойдали қазилмалар жисмлари топилганда ва бошқа зарур ҳолларда, улар, шу жумладан, лойиҳага мувофиқ технологик синовдан ўтказилади.

Турли мақсадлардаги капитал, тайёрлов, қирқма ва тозалаш кон қазилмалари ва бурғилаш қудуқлари геологик жиҳатдан ҳужжатлаштирилади ва синовдан ўтказилади.

Корхона геологик ишларда назарда тутилган барча фойдали компонентлар ва зарарли аралашмаларни кимёвий, спектрал ва синаб таҳлил қилишнинг бошқа турларини бажаришни, шунингдек, фойдали қазилмаларнинг ҳамда саноат аҳамиятига эга бўлган улардаги компонентларнинг технологик ўхшашликларини тадқиқ қилишни ўз вақтида таъминлаши зарур.

41. Бирламчи геологик ҳужжатларни тузишнинг ўз вақтидалиги ва сифатлилигини геологик хизматнинг юқори мансабдор шахси йилнинг ҳар чорагида мажбурий текширувдан ўтказиши шарт.

42. Кон ишлари технологиясини қийинлаштириши ёки уларни тўхтатиши мумкин бўлган кон-геология шароитларидаги барча ўзгаришларни геологик хизмат зудлик билан геология ишлари бўйича йўриқномага мувофиқ корхона раҳбарларига маълум қилиши лозим.

43. Бирламчи геологик ҳужжатлаштириш асосида йиғма геологик ҳужжатлар тузилиши зарур.

Бирламчи йиғма геологик ҳужжатларнинг мажбурий тўплами ва мазмуни геология ишлари йўриқномасида белгиланади.

Мураккаб қурилмадаги ёки фойдали компонентлар ва зарарли аралашмалар нотенг тақсимланган конлар учун конни ёки унинг бир қисмини махсус график ҳужжатлар тузиб махсус батафсил геометриклаштиришни амалга ошириш мажбурийдир.

44. График геология ҳужжатлари маркшейдер асосида коннинг график ҳужжатлари учун қабул қилинган шартли белгиларга риоя қилинган ҳолда тузилиши лозим.

Чизмалар учун уларнинг хизмат қилиши ва сақланиши бўйича белгиланган муддатларни таъминловчи материаллар қўлланилиши зарур.

Геологик иш ҳужжатлари амалдаги маълумотлар тўпланишига қараб, аммо ҳар ойда камида бир марта тўлдириб борилади. Йиғма геологик ҳужжатлар йилнинг ҳар чорагида тўлдирилади. Геологик ҳужжатларни тўлдиришда кечикишга йўл қўйилмайди.

Қурилиш материаллари ишлаб чиқариш учун фойдали қазилмаларни қазиб олувчи корхоналарда иш ҳужжатларини ҳар чоракда, йиғма ҳужжатларни ҳар ярим йилликда бир мартадан тайёрлашга рухсат берилади.

45. Конни пухта ўрганиб чиқиш, фойдаланиш мақсадида ўрганиш ва қазилма жараёнида бажарилган синовдан ўтказиш ва бошқа геология ишлари маълумотларига геология ҳужжатлари бўйича фойдали қазилмаларнинг алоҳида қазилмалари, участкалари, фойдали қазилмалар жисмлари ва умуман коннинг балансдаги ва балансдан ташқари захираларини ҳисоблаш ёки қайта ҳисоблаш учун контурлари, жойлашув элементлари, сифати ва технологик ўхшашликлари белгиланиши ва аниқлаштирилиши лозим.

Балансдаги захиралар контурлари уларни ҳисоблаш ёки қайта ҳисоблаш учун белгиланган тартибда тасдиқланган тегишли кондициялар асосида аниқланади.

46. Қурилатган ва фаолият кўрсатаётган корхоналарда қуйидаги маркшейдерлик ишлари бажарилиши лозим:

геодезия ва маркшейдерлик таянч ҳамда хариталаш тармоқларини ўз вақтида яратиш ва улар асосида кон график ҳужжатларини тузиш ва мунтазам тўлдириб бориш учун зарур бўлган маркшейдерлик ўлчовлари ва ҳисоблашларнинг барча комплексини амалга ошириш, кон ишлаб чиқариши учун турли кон-геометрик вазифаларни ҳал этиш;

ер юзасидаги ва ер остидаги турли объектлар қурилиши лойиҳаси параметрларини натурага чиқариш, кон ишларини ривожлантириш лойиҳалари ва режаларига мувофиқ кон қазилмаларига ва қидириб топилган қазилмаларга йўналишлар топшириғи бериш, шунингдек, уларга риоя қилиш устидан назорат ўрнатиш;

кон жисмларининг сурилиши, ер юзаси, бинолар, иншоотларнинг деформациялари, карьерлар поғоналари ва бортларининг барқарорлигини асбоблар орқали кузатишни амалга ошириш;

ҳимояловчи ва тўсувчи целиклар ҳамда кон ишларини хавфсиз юритиш чегараларини ўз вақтида ҳисоб-китоб қилиш ҳамда уларни кон график ҳужжатларига киритиш;

аралаш қатламлар (уюмлар)да целиклардан юқори кон босими отилиши ва газодинамик кўринишлар (отилиб чиқишлар, кон зарбалари) ишлатилаётган қазилмаларида сув ва газнинг хавфли отилиб чиқиши эҳтимоли бўлган хавфли зоналарини аниқлаш ва уларни ўз вақтида кон график ҳужжатларига киритиш;

хавфли ҳудудлар яқинида ва доирасида кон ишларини олиб бориш хавфсизлигига доир тасдиқланган тадбирларга маркшейдерлик жиҳатидан таъминлаш хизмати бўйича риоя этилишини назорат қилиш;

фойдали қазилмалар жойлашган майдонларда ўзбошимчалик билан иморат қуришларга йўл қўймасликни назорат қилиш.

47. Маркшейдерлик ишлари уларни бажариш муддатларига қатъий риоя қилган ҳолда Маркшейдерлик ишларини амалга оширишга оид йўриқномалар ва бошқа норматив ҳужжатлар талабларига, шунингдек, ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунчиликка, хавфсизлик қоидалари ва нормаларига, техник фойдаланиш қоидаларига ва ушбу Қоидаларга риоя қилган ҳолда бажарилиши лозим.

Махсус усулларни, техник воситалар ва асбоб-ускуналарни қўллашни талаб этувчи маркшейдерлик ишлари ихтисослаштирилган ташкилотлар (бюролар) томонидан бажарилиши зарур.

48. Геология-қидирув, тоғ-кон ва қурилиш ишларини олиб бориш маркшейдерлик ишларни таъминламасдан бажариш тақиқланади.

49. Ҳар бир корхонада уларни олган мансабдор шахслар бажариши мажбурий бўлган геологик ва маркшейдерлик кўрсатмалар дафтарлари бўлиши ва улар мунтазам юритилиши керак. Бу кўрсатмалардан фойдаланиш корхона раҳбари ёки бош муҳандиси томонидан мунтазам назорат қилиниши керак.

50. Фойдали қазилмалар захираларининг ҳолати ва ҳаракати, камайиш ва сифати бузилишини ҳисоблаш, захираларни уларнинг қазиишга тайёрлиги даражаси бўйича ҳисоблаш тармоқ йўриқномалари ва фойдали қазилмалар захираларини ҳисоблаш ва 5-гр. шаклидаги ҳисобот баланслари тузиш бўйича йўриқномалар талабларига мувофиқ амалга оширилади. Йўл-йўлакай қазиладиган, вақтинча фойдаланилмайдиган фойдали қазилмалар, кон ишлаб чиқаришининг очиқ жинслари ва чиқитларини ҳисоблаш тармоқлар йўриқномаларига мувофиқ амалга оширилади.

51. Захираларнинг ҳолати ва ҳаракатини, фойдали қазилмаларнинг нобуд бўлиши ва сифати пасайишини ҳисобга олиш қуйидаги асосий талабларга риоя этилган ҳолда бажарилиши лозим:

ҳам ДЗК томонидан тасдиқланган фойдали қазилмалар захиралари, ҳам ДЗК талабларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган захиралари ҳисобга олиниши керак;

фойдали қазилмалар захиралари В, С₁ ва С₂ тоифалари бўйича ва фойдали қазилмаларнинг конлари, участкалари, горизонтлари, алоҳида маъданли жисмлар, шахта майдонлари, ўйиш бирликлари, қазииш усуллари ва тизимлари, асосий саноат (технология) турлари ва навлари бўйича алоҳида-алоҳида ҳисобга олинади;

фойдали қазилмалар захиралари қазиб олиш ва қайта ишлаш чоғида бўлиши мумкин бўлган сифат пасайиши ва нобудгарчиликлардан қатъий назар, уларнинг ер қаърида мавжудлиги бўйича ҳисобланади;

фойдали қазилмалар захираларини казиб олиш, нобуд бўлиши, уларнинг саноат аҳамиятини йўқотиши ҳамда тасдиқланмаслиги натижасида уларни корхоналар ҳисобидан чиқариш Фойдали қазилмалар захираларини корхоналар ҳисобидан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомга (Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 4 декабрдаги 983-сон қарори билан тасдиқланган) мувофиқ амалга оширилади;

захираларни ҳисобдан чиқариш геология ва маркшейдерлик ҳужжатларида ҳисобга олиш элементлари бўйича алоҳида акс эттирилиши ҳамда махсус Ҳисобдан чиқарилган захиралар дафтарида киритилиши лозим;

ҳам асосий ва ҳам улар билан бирга жойлашган фойдали қазилмалар захиралари ва улардаги компонентларнинг кўпайиши ва уларни ўрганилиши даражасига кўра янада юқори тоифага ўтказиш уларни амалдаги геология материаллари бўйича ҳисоблаб чиқишга асосан амалга оширилади ва белгиланган тартибда тасдиқланади.

52. Захираларнинг ҳолати ва ҳаракатини, нобудгарчилиги ва сифат пасайишини ҳисобга олиш захираларнинг бирламчи ҳисоби, йиғма ҳисоби ва йиллик ҳисобот балансини ўз ичига олади.

Бирламчи ҳисобга олиш геология-қидирув, капитал, тайёрлов ва қирқма қазилмаларни тайёрлаш ҳамда тозалаш қазилмаларини амалга ошириш жараёнида бажарилган геология ва маркшейдерлик ишлари материаллари асосида қазилмалар бирликлари бўйича амалга оширилади.

Бирламчи ҳисобга олиш маълумотларига асосланиб горизонтлар, участкалар, кон (шахта майдони) ва умуман корхона бўйича захираларнинг ҳолати ва ҳаракати, нобуд бўлиши ва сифати пасайишининг йиғма ҳисоби амалга оширилади.

53. Захираларнинг йиллик ҳисобот баланси корхона томонидан фойдали қазилмалар захиралари, нобуд бўлиши ва сифати пасайишининг ҳар йили биринчи январдаги ҳолатига кўра бирламчи ва эркин ҳисобга олишга асосан тузилади.

Корхона захираларининг ҳар йилги ҳисобот балансига кейинги геология-қидирув ишлари ва кон қазилма чоғида захираларнинг кўпайганлиги натижасида ўзгарганлигини, саноат аҳамиятини йўқотганлиги сифатида ёки тасдиқланмаганлиги оқибатида ҳисобдан чиқарилишини асословчи материаллар илова қилиниши лозим.

54. Баланс захираларни ҳисобдан чиқариш ёки уларни саноат аҳамиятини йўқотган конлар бўйича балансдан ташқари гуруҳга ўтказиш Инспекция билан келишган ҳолда, ДЗКнинг тегишли қарори мавжуд бўлганда амалга оширилади.

55. Захираларнинг қазилма тайёрланганлиги даражаси бўйича ҳолати ва ҳаракатини ҳисобга олиш корхоналар томонидан:

очилган, тайёрланган ва қазилма тайёр бўлган захиралар;

қазилма усуллари, кон турлари ва қўлланиладиган қазилма тизимлари бўйича алоҳида;

қазилма бирликлари бўйича амалга оширилади.

56. Фойдали қазилма захираларининг қазилма тайёрланганлиги даражаси бўйича ҳолати ва ҳаракатини ҳисобга олиш маълумотлари, шунингдек қазилма олиш бўйича режали топшириқларга асосан корхоналарнинг геологик, маркшейдерлик ва бошқа хизматлари очилган, тайёрланган ҳамда қазилма тайёр бўлган захираларнинг ўрнини тўлдириш, конни янада тўлароқ, комплекс ўзлаштиришни таъминловчи кон ишларининг йўналтирилиши ва ривожлантирилишига оид таклифларни тайёрлашлари лозим.

4-боб. Кон ишларини ривожлантиришни режалаштириш ва лойиҳалаштириш

57. Кон ишларини ривожлантириш ҳамда фойдали қазилмалар конларини қазиб жараёнларини режалаштириш ва лойиҳалаштириш ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунчилик, корхона лойиҳаси, амалдаги норматив ҳужжатларга қатъий мувофиқ равишда амалга оширилиши ва кон ишлаб чиқариши технологиясининг конни қазиб олишнинг тўғрилигини, ер қаъри ва табиий муҳитдан оқилона, комплекс фойдаланиш, уни муҳофаза қилишни таъминловчи барча масалаларни ҳал этишни назарда тутиши лозим.

58. Кон ишларини ривожлантиришнинг истиқболли режалари қуйидагиларни назарда тутиши лозим:

конни пухта ўрганиб чиқиш ва фойдаланиш мақсадида қидириш;

конни ёки унинг бир қисмини қазиб олишнинг қазиб олиш чоғида ер қаъридан фойдали қазилмаларни мақбул даражада ажратиб олишни таъминловчи ва бой участкаларни танлаб қазиб олиш, коннинг саноат аҳамиятини пасайтиришни ва уни қазиб олиш шароитларини қийинлаштиришни истисно этувчи режаланиши;

қўлланилаётганларни такомиллаштириш ва қазиб олишнинг янги истиқболли йўллари ва тизимларини, шунингдек, ер қаъридан фойдали қазилмаларни ажратиб олиш даражасини ошириш, меҳнат хавфсизлигини, бинолар, иншоотлар ва атроф табиий муҳитни кон ишларининг зарарли таъсиридан муҳофаза қилишни яхшилаш мақсадида қазиб олишнинг янги технологияларини жорий этиш;

очилган, тайёрланган ва қазиб олишга тайёр бўлган захираларни корхонага белгиланган топшириқлар (нормативлар)га мувофиқ тўлдириш;

балансдан ташқари ва фойдали қазилмаларнинг илгари консервация қилинган балансдаги захираларини сақлаш ёки уларни ишлатишга қўйиш;

очилган ва аралаш жинслардан фойдаланиш;

техника хавфсизлиги, конни ёки унинг бир қисмини фойдали қазилмалар сифатини ва коннинг саноат аҳамиятини туширувчи ёки уни қазиб олиш қийинлаштирувчи сув тошиб кетиши, сув ўтиши, ёнғинлар ва бошқа омиллардан муҳофаза қилиш чоралари;

бўшлиқларни тўлдириш тартиби ва муддатлари;

бинолар, иншоотлар, атроф табиий муҳитни кон ишларининг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш чоралари;

агар бундай қазиб олиш ер бағридан фойдали қазилмаларни ажратиб олишни қўпайтирадиган ёки сифати пасайишини камайтирадиган бўлса бўш жинсларни қазилган бўшлиқларда қолдириб фойдали қазилмалар захираларини селектив йўл билан қазиб олиш қўллаш;

кон ишлари томонидан бузилган ерларнинг унумдорлигини тиклаш.

Кон ишларини ривожлантиришнинг истиқболли режаларини ишлаб чиқишда корхонанинг бош лойиҳачиси иштирок этиши керак.

Техниканинг ривожланиши, фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва минерал хомашёни қайта ишлаш технологияларининг такомиллаштирилиши, товар маҳсулотга техник регламентлар ёки стандартларнинг ўзгариб бориши баробарида иқтисодий жиҳатдан оқланган балансдан ташқари захираларни балансга ўтказиш

учун шароитлар яратиш чоғида истиқболли режаларда минерал хомашё бўйича кондициялар ва белгиланган тартибда қайтадан тасдиқлаш тўғрисидаги масала кўриб чиқилиши зарур.

59. Кон ишларини ривожлантиришнинг йиллик режалари режалаштирилаётган йилда товар маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича ер қаърини муҳофаза қилиш ва минерал ресурслардан оқилона фойдаланиш бўйича корхонага берилган режали топшириқлардан келиб чиққан ҳолда истиқболли режаларни аниқлаштириш ва қуйидагиларни назарда тутиши керак:

конларни қазишнинг ер қаъридан асосий ва улар билан бирга жойлашган фойдали қазилмаларни энг тўлиқ ажратиб олишни таъминловчи усуллари ва тизимларини қўллаш;

режалаштирилган қазиш тизимининг фойдали қазилмаларни ер қаъридан оқилона ажратиб олиш ва ҳар бир қазилма бирлиги бўйича кон ишларининг хавфсизлиги бўйича кон-геология шароитларига мувофиқ бўлиши;

конни тайёрлаш ва қирқма қазилма ҳамда очиш ишлари режалаштирилган ҳажмларининг захираларнинг очилган, тайёрланган ва қазишга тайёр бўлган топшириқлари (нормативлари)га, шунингдек, фойдали қазилмаларни қазиб олишга оид топшириқларга мувофиқ бўлиши;

фойдали қазилмаларнинг тасдиқланган кондицияларга мувофиқ қазиб олиниши;

ер қаъридан асосий ва улар билан бирга жойлашган фойдали қазилмаларни ва улардаги компонентларни ажратиб олиш кўрсаткичларини яхшилашга қаратилган тажриба-конструкторлик, илмий-тадқиқот ва бошқа ишларни олиб бориш;

бирйўла қазилаётган қазилма бирликларининг фойдали қазилмаларни талаб этилган миқдор ва сифатда қазиб олишни таъминлайдиган оқилона миқдори;

қазилаётган қазилма бирликларининг оқилона юкламаси;

кон участкаларининг энг яхши, яъни энг бой ёки қулай шароитларда жойлашган қазиш ишларида ажратиб олинadиган захираларнинг йўл қўйиладиган ҳажмлари;

ҳар бир қазилма бирлигидан фойдали қазилмаларни қазиб олиш ва уларни тугатишнинг календарь жадвалларига риоя этиш.

60. Кон ишларини ривожлантиришнинг йиллик режаларида қуйидагилар мавжуд бўлиши керак:

кон ва қазилма бирликларининг қисқача геологик тавсифи;

қазишнинг қўлланилаётган тизимлари ва қазишга тайёрланганлиги даражаси бўйича корхоналарнинг захиралар билан таъминланганлиги тўғрисидаги маълумотлар;

қазиб олиш бўйича режали топшириқлар, қазилма бирликлари бўйича нобудгарчилик ва сифат пасайишининг белгиланган нормативлари бажарилишининг кутилаётган маълумотлари;

режалаштирилаётган йилда қазиб олиш ҳажмлари ва нобудгарчилик ва сифат пасайиши нормативлари тўғрисидаги маълумотлар;

конни қазишга тайёрлашни (ёки карьерлардаги очиш ишлари) бажариш ҳажмлари, йўналишлари ва муддатлари;

кон ишларининг йилнинг ҳар чораги ёки ойлар бўйича тузилган (вертикал ёки горизонтал бўйича проекция) режаси ва коннинг бошқа зарур график хужжатлари;

янгидан қазиб бошланган қазилма бирликлар бўйича фойдаланиш нобудгарчиликлари ва сифат пасайиши нормативларининг техник-иқтисодий ҳисоб-китоблари;

жорий йилда рухсат этилган нормативдан юқори нобудгарчиликлар тўғрисидаги маълумотлар ва уларнинг юзага келиши сабаблари;

фойдали қазилмаларни уларни қазиб олишда режалаштирилган даражада олиш, шунингдек, захиралардан оқилона, комплекс фойдаланишни таъминлашга оид тадбирлар;

қазиб олинадиган фойдали қазилмалар сифатини бошқариш тартиби;

вақтинчалик целиклардан уларга зарурат камайганда фойдали қазилмалар захираларини қазиб олишга оид тадбирлар;

вақтинча фойдаланилмайдиган фойдали қазилмаларни қазиб ва омборларга жойлаш, шунингдек, бирга жойлашган ёки очик жинсларда жойлашган фойдали қазилмаларни қазиб олиш тартиби;

очилган жинсларни ва кавланган кон чиқитларини ағдармаларда, чиқинди сақлаш жойларида ва шламтиндиргичларда жойлаштириш схемаси;

коннинг қазиб олинаётган, уни бошқа корхоналар қазиб олиши мумкин бўлмаган қисмига туташ бўлагида жойлашган фойдали қазилма бойликларини қазиб тартиби;

қазиб бўлинган кон қазилмаларини халқ хўжалиги эҳтиёжлари учун сақлаш ва фойдаланишга оид тадбирлар;

вақтинча фаол бўлмаган захираларнинг мавжудлиги ва уларни қазиб олиш ва тугатиш тартиби ҳамда муддатлари тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек, кон ишларининг кўп горизонталлиги ва тарқоқлигини қисқартириш бўйича тадбирлар;

ғамлаш учун қўйиш ишлари режалари ва лойиҳаларини бажариш чоратарбирлари;

ишлар ҳажми ва кон ҳамда кон ишлари участкаларини куриштириш тартиби;

бўшлиқлар борлиги ва уларни тўлдириш тўғрисидаги маълумотлар;

кон ишларини хавфсиз юритишни таъминлаш тадбирлари;

табiiй муҳитни тиклаш ва муҳофаза қилишга оид тадбирлар.

61. Тайёрлаш ва тозалаш ишларини ишлаб чиқиш тизимлари, технологик схемалари ва қазилган маконни бошқариш йўллари, қабул қилинадиган кон ишларини ривожлантириш режаларида шунингдек қуйидагилар таъминланиши лозим:

жисмлардан фойдали қазилмаларни минимал кондицион қувватлар ва чекланган сифат билан ажратиш олиш;

қазиб олиш чоғида нураш, оксидланиш, ўзидан ўзи ёниш ва шу кабилар натижасида фойдали қазилмалар сифати пасайишининг олдини олиш;

вақтинча консервация қилинадиган захираларни муҳофаза қилиш;

турли мақсадлардаги целикларда нобудгарчиликларни истисно қилиш ёки камайтириш.

62. Конни ер ости усулида қазилма тайёрлов қазилмалар жойлашиши ва йўналиши захираларни энг кўп ажратиб олиш ва кон қазилмаларини самарали сақлаб туриш ҳисобга олинган ҳолда режалаштирилади. Кон қазилмаларининг фойдали қазилма жисмлари контуридан ташқарида жойлашиши варианты албатта кўриб чиқилади.

63. Фойдали қазилмаларнинг нобудгарчилиги ва сифати пасайиши нормативлари кон ишларини ривожлантиришнинг йиллик режаларида ҳисоблаб чиқилади ва қазилма бирликларнинг барча асосий ва қазилма учун лойиҳада назарда тутилган улар билан жойлашган фойдали қазилмалари бўйича кон-геология шароитларини аниқ ҳисобга олган ҳолда кўриб чиқилади ва белгиланади.

Қазилма бирлиги доирасида фойдали қазилмалар жойлашувининг кон-геология шароитлари, қазиб олиш (тозалаш) ишлари технологияси, шунингдек, нобудгарчилик ва сифат пасайишини нормалашда ҳисобга олинадиган техник-иқтисодий кўрсаткичлар ўзгарган тақдирда нобудгарчилик ва сифат пасайишининг белгиланган нормалари Инспекция билан келишган ҳолда ўз вақтида қайтадан кўриб чиқиши ва белгиланган тартибда тасдиқланиши лозим.

64. Кон ишларини ривожлантиришнинг йиллик режаларида қуйидагиларни назарда тутиш тақиқланади:

коннинг бой участкаларини фойдали қазилмалар баланс захираларининг асоссиз нобудгарчилигига олиб келадиган тарзда танлаб қазилма;

қазилмаётган ва коннинг унга қўшни бўлган участкалари саноат аҳамияти пасайишига ёки уларни келажакда қазиб олиш шароитларининг қийинлашувига, шунингдек, ер қаърида корсервацияланган захираларнинг асоссиз кўпайишига олиб келиши мумкин бўлган тайёрлаш ва тозалаш ишлари ҳамда уларни амалга ошириш навбатларини йўналтириш;

фойдали қазилмаларнинг баланс захираларини келажакда қазилма мумкин бўлмаган ёки қийинлашадиган карьер (шахта) майдонлари чегарасида ёки тугатилган захиралар контурларида қолдириш;

саноат аҳамиятини йўқотган, белгиланган тартибда ҳисобдан чиқарилмаган баланс захиралари бўлган участкаларни режа лойиҳасидан чиқариш;

қазилма бирликларидаги майдаланган фойдали қазилмаларни қазиб олишни, агар бу кон ишлари технологиясида назарда тутилмаган бўлса, кейинги даврларга қолдириш.

65. Ҳар бир қазилма бирлиги учун уни қазилма бўйича лойиҳа ишлаб чиқиши лозим. Бу лойиҳани ишлаб чиқиш учун корхона лойиҳаси ва кон ишларини ривожлантириш режаси асос ҳисобланади.

Қазилма бирлиги лойиҳасида қуйидагилар техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар билан асосланиши зарур:

ер қаъридан фойдали қазилмаларни ажратиб олиш (ер қаъридан ажратиб олиш коэффициенти);

фойдали қазилмаларнинг қазиб олиш чоғида сифат пасайиши ёки сифатининг ўзгариши (сифат ўзгариши коэффициенти);

турли хилдаги ва навдаги фойдали қазилмаларни қазилма чора-тадбирлари;

қазиш бирлигининг оқилона параметрлари;

ажратиб олишнинг амалдаги кўрсаткичларини белгилашнинг зарур тўлиқлиги, ишончлилиги ва тезкорлигини таъминловчи (тўғридан-тўғри, билвосита ёки комбинацияланган) фойдали қазилмаларни қазиб олиш кўрсаткичлари ҳисобини аниқлаш усуллари.

66. Қазилма бирлигини қазиш бўйича лойиҳа ер ости усулида қазиш учун ишлаб чиқилади ва қуйидагиларни ўз ичига олади:

геологик тавсифнома;

қазилиши лозим бўлган захиралар, шу жумладан, қазилма контурига киритилган балансдан ташқари захиралар тўғрисидаги маълумотлар;

фойдаланиш учун қидириш ва қазиш бирлигини қазишга тайёрлаш усули;

қазиш тизими ва унинг асосий параметрлари тавсифи;

тозалаш ва тайёрлаш қазилмаларини шамоллатиш схемаси;

кон босими ва қазилманинг мустаҳкамланишини бошқариш паспорти;

тозалаш ва тайёрлаш ишларини механизациялаш воситаларининг рўйхати;

етказиб бериш, ташиш ва электр таъминоти схемаси;

бурғилаш-портлатиш ишлари лойиҳаси (паспорти);

фойдали қазилмаларнинг нобудгарчилиги ва сифати пасайиши нормативлари;

ишларнинг хавфсизлигини таъминлаш. жинсларнинг отилиб чиқиши билан курашиш, газсизлантириш, ўздан ўзи ёниш, ер ости сувлари ва турдош қазилмаларнинг куюқ оқовалари билан тўлиб қолиш ва шу кабиларнинг олдини олиш тадбирлари;

тозалаш ва тайёрлаш жойларида ишларни ташкил этиш жадваллари ва асосий техник-иқтисодий кўрсаткичлар, қазиш бирлигини қазишнинг чекланган муддатлари;

планограммага мувофиқ қазиб чиқаришда фойдали компонент таркиби пастки меъёрининг техник-иқтисодий асосланиши (конни фойдали қазилма ва аралашма жинсларни қулатган ҳолда ер ости усулида қазиш чоғида);

қазиб олинadиган фойдали қазилмадаги фойдали компонентдаги чекланган брак қазилма.

Қазилма бирлигининг лойиҳаси белгиланган тартибда тасдиқланган бўлиши керак.

67. Ҳар бир қазилма бирлиги учун фойдали қазилмалар ҳолати ва ҳаракатини (кўмир ва ёқилғи сланецдан ташқари) ҳисобга олиш паспорти юритилиши лозим, унинг шакли ва таркиби тармоқ йўриқномаси билан белгиланади.

5-боб. Конни очиш ва тайёрлаш

68. Кон ёки унинг бир қисмини очиш усули ва схемаси, шунингдек, асосий очиш қазилмаларининг жойлашув ўринлари қуйидагиларни таъминлаши лозим:

кон ажратмаси доирасидаги асосий ва улар билан бирга жойлашган фойдали қазилмаларни ер қаъридан энг кўп ва иқтисодий мақсадга мувофиқ ҳолда ажратиб олиш;

кон ишларининг хавфсизлиги;

саноат аҳамиятига эга бўлган алоҳида жойлашган, ажратиб қўйилган маъданли жинслар, қатламлар ва уюмларни қазиб тугатиш имконияти;

конни сувга тўлиб кетишдан, сув босиши ва бошқа нобудгарчиликларга олиб келувчи, фойдали қазилмалар сифатини ва коннинг саноат аҳамиятини пасайтирувчи ёки уни қазишни қийинлаштирувчи омиллардан муҳофаза қилиш;

аралашма жинсларни қазиб олинган бўшлиққа жойлаштириш имконияти.

69. Корхонанинг саноат майдони ва асосий очиш қазилмалари (стволлар, штольнялар ва бошқалар) одатда рудасиз участкаларда ёхуд ноқондицияли ёки паст сифатли фойдали қазилмалар жойлашган майдонларда жойлаштирилиши лозим.

Бу талаб бажарилиши мумкин бўлмаган ҳолларда саноат майдончалари ва асосий очиш қазилмаларини улар остидаги сақлаш целикларида фойдали қазилмаларнинг энг кам миқдори консервацияланган ва корхона тугатилиши чоғида энг кам талафотлар билан ажратиб олинadиган шартларда фойдали қазилмалар жойлашган майдонларга жойлаштиришга йўл қўйилади.

70. Саноат майдонлари ва асосий очиш қазилмаларини жойлаштиришнинг барча вариантларида уларга кон қазишнинг зарарли таъсири истисно этилиши керак.

71. Фойдали қазилмалар конларини очиш ва тайёрлаш корхона лойиҳасига мувофиқ амалга оширилиши лозим. Амалдаги кон-геология шароитлари лойиҳадагига мос келмаса, унга ўз вақтида ва белгиланган тартибда тегишли ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилиши зарур.

72. Очиш ва тайёрлаш ишларини амалга оширишнинг танланган усуллари, ҳажмлари ва муддатлари қазиш учун белгиланган очилган, тайёрланган ва қазишга тайёр бўлган захираларнинг белгиланган миқдорини таъминлаши лозим.

73. Конни очиш ва қазишга тайёрлаш жараёнида қуйидагилар таъминланиши зарур:

лойиҳада назарда тутилган кон қазилмалари йўналишлари ва параметрларининг жойлашиш ўринлари, ҳимояловчи целиклари ўлчамлари, қазишни ўтказишнинг технологик схемаларига риоя қилиниши устидан назорат;

фойдаланиш учун қидириш ва бошқа геология ишлари тўлиқ ҳажмда бажарилиши;

кон босими чиқишини, кон массивининг қурилиши ва конни қазиш чоғида юзага келувчи бошқа ҳодисаларни кузатиб бориш.

74. Кон қазилмаларини очиш ва тайёрлашни фойдали қазилмалар қазиб олиш билан биргаликда олиб борувчи корхоналар:

зарур ҳолда асосий ва улар билан бирга жойлашган фойдали қазилмаларни селектив йўл билан қазиб олишни амалга ошириши;

уларни қазиб олиш ва нобудгарчилиги ҳисобини юритиши;

истеъмолчи бўлмаган ҳолда қазиб олинган фойдали қазилмаларни омборларга жойлаштиришни ва сақланишини таъминлаши лозим.

75. Конни (шахта майдонини) очиш ва тайёрлаш жараёнида балансдаги ва балансдан ташқари захиралари бўлган фойдали қазилмаларнинг унга ёндош жисмлари (қатламлар, уюмлар) участкаларини бузишга йўл қўйилмайди. Бунда тегишли асослашларсиз қуйидагилар тақиқланади:

кўрсатилган участкаларда кон қазиш ишларини бажариш, шунингдек, уларга ағдармаларни аралаштириш;

жисм (қатлам, уюм)лар участкаларини кейинчалик уларни ишлатиш мумкин бўлмайдиган шароитлар яратиб қазиш;

карьернинг лойиҳадаги контурларига ёндош бўлган жойларда фойдали қазилмалар сақланиши ва кон ишларини олиб боришнинг хавфсизлигини таъминловчи чораларни кўрмасдан конни тайёрлаш ишларини бажариш;

ер ости усулида қазиш участкаларида ағдармаларни устига кулаб тушган жисмлар билан аралаштириш;

тайёрлов ишларини ўтказиш жараёнида геологик бузилиш зоналарининг фаоллашувига йўл қўйиш;

қазилма бирликларини тугатишга далолатномаларсиз қазиб бўлинган майдонларда жинслар қолдиқларини жойлаштириш, ўтиш йўллари қуриш, турли коммуникациялар ва шу кабиларни ўтказиш;

очиш поғоналари майдонларида технологик йўллар қуриш чоғида фойдали қазилмалардан балластлаш материали сифатида фойдаланиш.

76. Ер ости капитал кон қазилмаларини муҳофаза қилиш лойиҳада назарда тутилиши, иншоотлар ва табиий объектларни кон ишларининг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш қоидалари ёки бошқа тегишли ҳужжатларга мувофиқ амалга оширилиши лозим. Бунда қуйидагилар таъминланиши зарур:

тайёрлов қазилмалари фойдали қазилма (қатлам, уюм)лар жисмларига нисбатан, шунингдек, қазилган бўшлиқ ва геологик бузилишларга нисбатан оқилона жойлашиши;

тайёрлаш ва тозалаш жойлари жинсларидан кон қазилмаларини муҳофаза қилиш мақсадида сунъий целиклар (полосалар)ни ишга тушириш учун ва қазилган бўшлиқни ғамлаб қўйиш ёки қазилмаларни сақлашни таъминловчи оқилона ўлчамдаги фойдали қазилмалар целикларини қолдириш учун фойдаланиш.

77. Фаолият кўрсатаётган корхоналарда фойдали қазилмалар целиклари билан муҳофаза қилинадиган ер ости тайёрлов қазилмаларини тугатиш чоғида захиралар целиклардан махсус лойиҳа бўйича ажратиб олиниши лозим. Захираларни ажратиб олишнинг тўлиқлиги техник-иктисодий ҳисоб-китоблар билан белгиланади.

78. Тайёрлов ишлари имкони борица фойдали қазилма конларининг тегишли участкаларини ўз вақтида қидириб топишни таъминлаши зарур.

79. Конларни очик усулда қазиш чоғида очилган жинсларнинг фойдали қазилмалардан энг кам нобудгарчилик ва сифат пасайиши билан ажралиши, шунингдек, очилган жинсларнинг қазилган бўшлиққа жойлаштирилиши таъминланиши керак.

Қазишга тайёрланган фойдали қазилмалар тозаланган майдонлари сифати геологик хизмат томонидан назорат қилиниши керак.

80. Тайёрлаш ишларини бажаришда катта сув оқими бўлган шароитларда қуриши самарадорлигини ошириш, кон қазилмаларининг барқарорлигини ва фойдали қазилмаларни янада тўлиқ қазиб олиш, шунингдек, кон ишларини хавфсиз олиб боришни таъминлаш мақсадида бошланғич гидро-геологик маълумотлар ва ҳисоб-китоб параметрларини аниқлаш амалга оширилади.

81. Тайёрлов қазилмаларини тайёрлаш чоғида кон босими ва кон жисмларининг сурилиши мунтазам кузатиб борилиши лозим.

Кузатишларни таҳлил қилиш натижаларига кўра сурилиш бурчаклари аниқланиши, ер юзаси ва хавфли зоналар чегараларининг деформацияланиши кенглиги белгиланиши, балансдаги ва қаердаки бу мақсадга мувофиқ бўлса – балансдан ортиқча силжиш зонасига тушувчи фойдали қазилмаларни қазилма зарарли таъсиридан ҳимоя қилувчи тадбирлар ишлаб чиқиши ва амалга оширилиши зарур.

82. Юқори сувли горизонтлар ва сув тўлиб қолган кон қазилмаларида сизот қазилмаларини қазилма қуйидагиларни назарда тутувчи махсус лойиҳа асосида амалга оширилади:

узунлиги ер ости кон қазилмалари устини мустаҳкамлаш ва бошқариш паспортида кўрсатиладиган олдини олувчи қудуқларни бурғилаш;

қазилмага сув ўтиб кетишининг олдини олувчи ва одамларни хавфсиз олиб чиқиш ва асбоб-ускуналарни сақлашни таъминловчи қурилмалар;

сизот сувларини самарали чиқариш.

83. Корхона бош маркшейдери ва бош геологи корхона бош муҳандисини кон ишларининг сув ўтиб кетиши, лой, бўтана ва зарарли газлар бўйича хавфли бўлган зоналар чегараларига келиб қолиши, шунингдек, кон ишлари билан бу чегараларнинг кесишуви ва улардан чиқиши тўғрисида бир ойдан кечикмай ёзма равишда хабардор этиши лозим.

Сув, лой, бўтана ва зарарли газлар беҳосдан ўтиб кетишининг олдини олиш бўйича ҳамда фойдали қазилмаларнинг мумкин бўлган нобудгарчилигининг олдини олишга оид чора-тадбирларни амалга оширмасдан туриб хавфли зоналар чегараларида кон ишларини бажариш тақиқланади.

84. Кон қазилмаларининг барқарорлигига салбий таъсир этувчи ер ости ишларида машғул бўлган одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдирувчи, шу билан бирга фойдали қазилма захираларининг асоссиз нобудгарчилигига олиб келиши мумкин бўлган омиллар аниқланганда кон ишларни олиб бориш хавфсизлиги ва ер қаърини муҳофаза қилишни таъминлашга оид чора-тадбирлар кўрилмагунига қадар тўхтатиб турилиши лозим.

85. Конни бир вақтнинг ўзида очик ва ер ости усулида қазилма фойдали қазилмаларнинг асоссиз нобудгарчилигига йўл қўймаслик ҳамда ишларни бажариш хавфсизлигини таъминлаш мақсадида корхона лойиҳаси ва кон ишларини ривожлантириш режаларида назарда тутиладиган махсус чора-тадбирлар амалга оширилиши зарур.

Бунда камарлар қияликлари ва тупроқлари ҳамда карьер бортларининг ҳолати инструментал ва визуал кузатиш, шунингдек, ер ости бўшлиқлари ва қазилмаларининг иш майдонлари, йўллари ҳамда коммуникациялари сифатида ўз вақтида ҳаракатдан тўхтатиш устидан мунтазам назорат олиб борилиши керак.

6-боб. Қазилма (тозалаш) ишлари

86. Қазилма (тозалаш) ишлари қатъий тартибда қазилма бирлигини қазилма лойиҳаси ва кон ишларини ривожлантириш режаларига мувофиқ олиб борилиши лозим.

Лойиҳада назарда тутилган меҳнат шароитлари хавфсизлигини, қазиб олиш бўйича реал топшириқларининг бир маромда бажарилиши ҳамда фойдали қазилмаларни ажратиб олишнинг тўлақонлилигини таъминловчи тайёрлов ва қирқма (тахтловчи) қазилмалар тайёрлангунига қадар қазиб олиш (тозалаш) ишларига киришиш тақиқланади.

87. Қазиб олиш ишларида қўлланиладиган қазиб олиш механизмлари ва комплекслари фойдали қазилмаларнинг қазилётган жисм (қатламлар, уюмлар)лар параметрларига мос бўлиши зарур.

88. Фойдали қазилмаларнинг қазиб олишга тайёр захиралари миқдори, уларнинг сифати, фойдаланишдаги нобудгарчилик ва сифат пасайиши нормативлари қазилма бирликлари, шахталар ва карьерлар бўйича белгиланади.

89. Ер ости қазилма бирлигини фойдаланишга қабул қилиш учун хўжалик юритувчи ташкилотнинг буйруғи билан таркибига Инспекция ва «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси вакили албатта киритиладиган қабул комиссияси тайинланади.

Қазилма бирлигини фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги далолатномада қазилма бирлигининг геологик тавсифи, қазиладиган захиралари, геометрик параметрлари, шунингдек, ўтказилган қидирув, тайёрлаш ва қирқма (тахтлаш) ишларининг лойиҳага, хавфсизлик қоидалари ва нормаларига мувофиқлиги кўрсатилиши лозим.

Қазилма бирлигини фойдаланишга қабул қилиш тўғрисидаги далолатнома комиссияни тайинлаган ташкилот раҳбари томонидан тасдиқланади.

90. Корхонада бир вақтнинг ўзида фойдаланишда бўлган қазилма бирликларининг сони:

сифати бўйича турлича бўлган фойдали қазилма захираларини ер қаъридан фойдали қазилмаларни тўлиқ ва комплекс ажратиб олиш ҳамда белгиланган сифатдаги минерал-хомашёга эришишни таъминловчи нисбатларда қазиб олишни;

кон ишларини концентрациялашни таъминлаши зарур.

Фойдали қазилма конларининг фойдали қазилмаларнинг асоссиз нобудгарчилигига ёки қолган балансдаги захиралар қийматининг пасайишига олиб келувчи бой ёки осон олинadиган участкаларини танлаб қазиб олиш мақсадида қўшимча қазилма бирликларини фойдаланишга киритиш тақиқланади.

91. Корхоналар тозалайдиган қазиб олиш жараёнида:

балансдаги захираларнинг қолдирилиши, консервацияланиши ҳамда руда жисм (қатлам, қават)ларининг кичик қувватларида ва аралаш жинслар билан қўшилганда нобуд бўлишига йўл қўймасликлари;

вақтинча фаол бўлмаган захираларнинг шаклланишига йўл қўймасликлари;

тозалаш забойларида мунтазам геологик кузатувлар олиб боришлари ҳамда кон ишларини тезкор бошқариш учун ўз вақтида геологик прогнозларни таъминлашлари;

ашёвий таркиб ва технологик ўхшашликларни ўрганишлари, синов натижаларини умумлаштиришлари, фойдали қазилмалар сифати ўзгаришининг қонунийлигини аниқлашлари;

қазиб олиш, ер қаъридан ажратиб олиш, ҳар бир қазилма бўйича нобудгарчилик ва сифат пасайиши кўрсаткичлари ҳисобини олиб боришлари лозим.

92. Тозалаш ишларини амалга оширишда:

фойдали қазилмаларнинг бой ёки осон олинадиган участкалари жисмлари (қатламлари)ни фойдали қазилмаларнинг балансдаги ва балансдан ташқари захираларининг асоссиз nobудгарчилигига олиб келадиган тарзда танлаб қозиш;

фойдали қазилма захираларини келажакда уларни қозишнинг қийинлашувига, бу захираларнинг тўлиқ ёки қисман nobуд бўлишига олиб келадиган ҳолда қолдирилиши (консервацияланиши);

фойдали қазилма захираларини уларнинг nobуд бўлишига олиб келадиган ҳолда қозиб қўйиш;

нормадан ортиқча nobудгарчилик ва сифат пасайишига йўл қўйиш;

шахта (карьер) майдонлари чегараларида ёки қозиб бўлинган захиралар контурларида фойдали қазилма захираларини қозиб олишнинг белгиланган муддатларини бузиш (бунинг оқибатида уларни қозиш қийинлашиб ёки мумкин бўлмай қолса) тақиқланади.

93. Корхоналар ногабаритлар, газ ва чанг чиқиндилари чиқишини пасайтириш, фойдали қазилмаларнинг ўта майдалашиб кетишини бартараф этиш, аралашма жинслар билан қўшилганда сифат пасайиши ҳамда nobудгарчиликни камайтириш мақсадида бурғилаб портлатиш ишлари параметрларини доимий такомиллаштириб боришлари лозим.

94. Қазилма бирлиги контурларида қазилма бирлиги лойиҳасида қозиш назарда тутилмаган ноқондицияли фойдали қазилмалар аниқланган тақдирда бундай захираларни ер қаърида қолдириш ёки қозиб чиқариш тўғрисидаги қарор техник-иқтисодий ҳисоб-китобларга таянган ҳолда қабул қилиниши зарур.

95. Қазилма бирлигини қозиш тугаганидан сўнг бир ой муддатда унинг тугатилиши бўйича далолатнома расмийлаштирилиши лозим.

Далолатномада қазилма бирлигининг бошланғич балансидан ортиқча захиралари, тугатилган захиралар ва қозиб чиқарилган фойдали қазилмалар миқдори, nobудгарчилик ва сифат пасайишининг нормативдаги ва амалдаги қиймати ва ер қаъридан фойдали қазилмалар ва компонентларни ажратиб олишнинг тўлақонлилиги ва сифатини белгилайдиган бошқа кўрсаткичлар, шунингдек, қон қазилмаларининг ҳолати келтирилади.

Далолатнома корхонанинг бош муҳандиси томонидан тасдиқланади.

96. Кўп компонентли фойдали қазилмаларда ажратиб олишнинг тўлақонлилиги ва сифатини баҳолаш саноат аҳамиятига эга бўлган асосий ва йўл-йўлакай компонентлар бўйича ҳам амалга оширилади.

Ер қаъридан фойдали қазилмаларни ажратиб олиш, nobудгарчилик ва сифат пасайиши кўрсаткичларини аниқлаш қозиш усули ва тизими, қазилма бирликлари бўйича алоҳида дастлабки ҳисоблар асосида ва қозиб олиш чоғида фойдали қазилмаларни аниқлаш, нормалаш, ҳисобга олиш ва иқтисодий баҳолаш бўйича Инспекция тасдиқлаган намунавий методик кўрсатмалар ҳамда тегишли тармоқ йўриқномалари талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

97. Фойдали қазилмаларнинг nobудгарчилиги ва сифати пасайиши миқдорлари тўғридан-тўғри, комбинацияланган ва билвосита усуллар билан аниқланади. Билвосита комбинацияланган усулларни қўллашга Инспекция билан келишган ҳолда йўл қўйилади.

Қозиш чоғида фойдали қазилмалар nobудгарчилигини аниқлаш усуллари:

нобудгарчилик миқдорини талаб этилган аниқлик билан ҳисоблаб чиқишни;

нобудгарчиликни бевосита қазиб чиқаришнинг технологик жараёнида уларнинг юзага келиши турлари ва жойлари бўйича аниқлашни;

нормативдан ортиқча нобудгарчиликларни аниқлашни таъминлаши зарур.

98. Карьерларда қазиб чиқаришни белгилаш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш Инспекция томонидан тасдиқланган. Карьерларда қазиб чиқариш ва очишни белгилаш ва назорат қилиш бўйича тармоқлараро йўриқнома талабларига мувофиқ амалга оширилиши лозим.

Конларни ер ости усулида қазишда қазиб чиқарилган фойдали қазилмани ҳисобга олиш учун, шунингдек, йилига 1 млн тонна ва ундан кўп маҳсулдорликдаги карьерлар (қирқмалар)да оғирликни тортиш қурилмаларини қўллаш мажбурийдир.

Целикдаги жинсларнинг зичлиги белгиланган усул бўйича аниқланади. Геологик қурилиш бўйича оддий конлар учун зарур тадқиқотларни амалга ошириш ҳамда методикани тузиш корхоналарнинг геологик хизматига юкланади, кон-геология шароитларига кўра мураккаб конлар учун эса илмий-тадқиқот ташкилотлари жалб этилиши лозим.

99. Қазиб чиқарилган фойдали қазилмалар сифатини аниқлаш синаш орқали амалга оширилади. Синаш усуллари, синов миқдори, синаш даврийлиги кўрсаткичларини аниқлаш усуллари, синашга танлаш ва таҳлил лабораториялари ишини назорат қилиш усуллари корхона раҳбари тасдиқлаган йўриқнома билан белгиланади.

100. Нормативдан юқори нобудгарчилик ва нормативдан ортиқча сифат пасайиши қазиш бирликлари бўйича амалдаги ва нормативдаги нобудгарчилик ҳамда сифат пасайиши ўртасидаги фарқ сифатида аниқланади.

Нормативдан юқори нобудгарчиликлар юзага келган вазиятлар Инспекция иштирокида кўриб чиқирилиши лозим.

Нормативдан юқори нобудгарчилик учун айбдор шахслар қонунчиликда назарда тутилган тартибда жавоб берадилар.

Корхона нормативдан юқори нобудгарчилик ва нормативдан ортиқча сифат пасайиши юзага келган жойлар ва уларнинг сабабларини аниқлаши ҳамда кейинчалик бунга йўл қўймаслик чораларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши зарур.

101. Тозалаш ишларини бажариш чоғида фойдали қазилмаларни ажратиб олишнинг тўлиқлиги ва сифат кўрсаткичларининг ишончилигини белгилаш, ҳисобга олиш ҳамда баҳолаш маркшейдерлик ва геология хизматлари, техник-назорат хизматлари томонидан, зарур ҳолларда корхонанинг бўлинмалари ва хизматларини жалб этган ҳолда амалга оширилади. Қазиб чиқаришда фойдали қазилмаларни ажратиб олиш ва уларнинг нобудгарчилиги ўз вақтида ва ишончли ҳисобга олинишини назорат қилиш учун корхонанинг бош муҳандиси жавоб беради.

102. Минерал хомашёга амалдаги кондициялар параметрларига қўшимча сифатида фойдали қазилма захираларидан янада тўлароқ фойдаланишни таъминлаш учун Инспекция билан келишиб қазиб чиқарилган фойдали қазилмалардаги фойдали компонентларнинг муайян яроқсиз қисмини қўллаш мумкин.

Яроқсиз қисмлар муайян қазилма бирлиги ёки улар гуруҳига мансуб бўлиши ва аниқ кон-геологик, технологик ва иқтисодий шароитларни ҳисобга олиб белгиланиши лозим.

103. Қазилма бирликларини тўлиқ қазиб олмаслик ман этилади. Истисно вазиятларда (бу бошқа коннинг янада бой участкаларини танлаб қазишга ёки фойдали қазилмаларнинг қўшимча нобудгарчилигига олиб келмаган шароитда) Инспекция билан келишган ҳолда қазиб бўлинмаган балансдаги фойдали қазилма захиралари билан қазилма бирликларини вақтинча, лекин кўпи билан бир йилга қолдиришга йўл қўйилади.

104. Корхоналар ер қаъридан фойдали қазилмаларни ажратиб олишнинг тўлиқлиги ва сифатини ошириш мақсадида қуйидагилар бўйича доимий чораларни кўришлари лозим:

пухта қидириш ва фойдаланиш мақсадида қидириш усуллари кон қазиш технологияларини, ер қаъридаги фойдали қазилмалар ва қазиб чиқарилган минерал хомашё сифатини назорат қилиш усуллари такомиллаштириш;

истикболли кон техникасини жорий этиш;

балансдан ташқари захиралар, шунингдек, илгари ер қаърида қолдирилган ёки ушбу конда қабул қилинган технология бўйича қазилмайдиган коннинг локал участкаларидаги захираларни қазишга жалб этиш.

Конни ер ости усулида қазишда, шунингдек:

фойдали қазилма целикларини жинс бўйича изоляциялаш зоналари билан алмаштириш имконияти;

ёнғин ўчирилган участкалардаги фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг мақсадга мувофиқлиги;

захираларни уларнинг зарурати қолмаган ҳимоялаш ва барьер целикларидан чиқариб олиш имконияти;

ўта тақчил ва қимматли фойдали қазилма конларини янада тўлароқ қазиб олиш учун қазилган бўшлиқни бурмалаш;

қазилмалар тупроғини маъдан майдаларидан пухта тозалашни ташкил этиш;

сизот ва шахта сувларини тозалаш чоралари ҳам кўриб чиқилиши зарур.

Бу масалалар бўйича қарорлар техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар асосида ҳамда табиатни муҳофаза қилиш талаблари, хавфсизлик қоида ва нормаларига риоя этилган шароитда қабул қилиниши лозим.

105. Тажриба-саноат йўли билан янги қазиш тизимлари ва уларнинг параметрларини жорий этиш ва амалдагиларини такомиллаштиришга белгиланган тартибда тасдиқланган ҳамда Давлат экология қўмитаси, Инспекция ва «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси билан келишилган махсус лойиҳага биноан йўл қўйилади.

Тажриба-саноат ишларини амалга ошириш учун участкалар ўз шароитлари бўйича кон учун намунавий, иш ҳажмлари эса шунга яраша бўлиши лозим. Назарда тутилган ишлар учун бой маъданлар ёки фойдали қазилма конларининг захиралари сифати ўртачадан юқори бўлган бошқа участкаларини ажратиш тақиқланади.

106. Конни очиқ усулда қазишда оқилона параметрларни белгилаш ва уларнинг деформацияланишини бартараф этиш мақсадида карьер бортлари, поғоналар ва тоғ жинслари қиялик ҳолатини кузатиш мажбурий тартибда амалга оширилиши лозим.

Мураккаб кон-геологик ва гидрогеологик шароитлардаги конларни қазишда карьер бортлари поғоналарининг ва тоғ жинслари қияликларининг оқилона параметрларини аниқлаш учун илмий-тадқиқот ташкилотлари жалб этилиши зарур.

Карьер бортлари, поғоналар ва тоғ жинслари қияликларининг деформацияланиши, уларнинг юзага келиши сабаблари ва иқтисодий зарарлар ҳажми кўрсатилган ҳолда мажбурий тартибда ҳужжатлаштирилади. Деформацияланган поғоналар ва карьер бортларида ишларни олиб бориш хавфсизлик чораларини кўрмасдан амалга ошириш тақиқланади.

107. Шифт ва камерлараро целикларни қолдирадиган ҳамда тозалаш маконини табиий ушлаб туриш тизими билан конни ер ости усулида қазишда корхоналар (зарур ҳолларда ихтисослаштирилган ёки илмий-тадқиқот ташкилотларини жалб этган ҳолда) улардаги деформацияларни ўз вақтида аниқлаш, целикларнинг яроқлилиги муддатлари ҳамда оқилона ўлчамларини белгилаш, фойдали қазилмалар нобудгарчилигини энг кам даражага келтириш ва ишларнинг хавфсизлигини таъминлаш учун шифтлар, тупроқлар ҳамда целиклар ҳолатини мунтазам кузатиб боришлари лозим.

108. Конларни руда ҳамда аралашма жинсларни қулатиш тизимлари билан қазишда майдаланган фойдали қазилмаларни чиқариш планограммасига қатъий риоя этиш, кон жинсларининг қулаш ва сурилиш зоналарини, сурилиш бурчакларини аниқлаш ҳамда юзанинг чўкиши катталигини аниқлаш ва юза ва ер ости объектларини кон ишларининг зарарли таъсиридан муҳофаза қилиш чораларини ишлаб чиқиш мақсадида мунтазам кузатиб бориш лозим. Кон жинсларининг қулаши ёки сурилиши зоналарида жойлашган фойдали қазилма захираларидан фойдаланиш ёки уларни муҳофаза қилиш масалаларини кўриб чиқиш ва ҳал этиш мажбурийдир.

109. Фойдали қазилмани қазиб чиқарадиган ҳар бир корхона томонидан қуйидаги имкониятлар кўриб чиқилиши лозим:

илгари конни ёки унинг бир қисмини қазишда қолдирилган фойдали қазилма захираларини қазиб чиқариш;

таркибида фойдали компонентлар бўлган бостирилган ўйиқларни қазиш;

туғатилган балансдаги захиралар зонасида жойлашган балансдан ташқари захиралар участкаларини қазиш;

фойдали қазилмалар ҳамда аралашма жинсларнинг ўпирилиши йўли билан қазиш тизимларида қазилган бўшлиқда қолдирилган фойдали қазилмаларни қазиш;

аралашма ва очиш жинслари ағдармаларидан фойдали қазилмаларни ажратиб олиш.

Бундай ишлар лойиҳалаш ташкилоти томонидан тузилган ҳамда Инспекция ва «Саноатгеоконтехназорат» давлат инспекцияси билан келишган ҳолда белгиланган тартибда тасдиқланган махсус лойиҳа асосида амалга оширилиши лозим.

Лойиҳа қуйидагиларни ўз ичига олиши керак:

фойдали қазилма захираларини қазишни техник-иқтисодий баҳолаш;

корхонанинг асосий кон ишларига боғлиқ тайёрлаш ва тозалаш ишларининг методикаси ва технологияси;

кон ишларини бажаришнинг хавфсизлик чоралари.

7-боб. Мураккаб кон-геологик шароитлардаги конларни қазилма қўйиладиган қўшимча талаблар

110. Мураккаб кон-геологик ва бошқа табиий шароитлардаги конларга қўйиладиган талаблар қандай:

газ, қўққисдан отилиш ва тоғ зарблари бўйича хавфли бўлган конлар;

ўз-ўзидан ёнишга мойил фойдали қазилмалар;

сувда осон эрийдиган фойдали қазилмалар;

сочмалар;

қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо, зебу-зийнат тайёрланадиган тошлар ва пьезо-оптика хомашёси;

ҳавзалар тубида, ҳовузлар ҳамда сув оқимлари тагида, ўпирилишлар, кўчки, сел, карст хавфи бўлган ва юқори сейсмик ҳолатдаги зоналарда жойлашган конлар;

катта чуқурликларда, ўз-ўзидан ўпирилишга мойил бўлган жинсларда, шунингдек, таркибида тез маъданлашадиган сув бўлган жинсларда жойлашган конлар.

111. Ушбу бўлимнинг 1-бандида кўрсатилган конларни қазилма ишлаётган корхоналарда хавфсизлик қоидалари ва меъёрларини ҳамда мураккаб табиий омилларнинг фойдали қазилма захираларидан оқилона, комплекс фойдаланишга зарарли таъсирининг олдини олишни ҳисобга олиб ишлаб чиқилган махсус тадбирлар амалга оширилиши лозим.

112. Кўплаб сув босган, куюқ оқова ҳамда карст бўшлиқлари мавжуд бўлган фойдали қазилмалар конларида сувли горизонт ва сув босган жинсларнинг тўсатдан сув тошишига ҳамда фойдали қазилмаларнинг асоссиз nobудгарчилигига олиб келувчи сурилишларга сабаб бўлувчи кон ишлари технологиясини қўллаш тақиқланади.

113. Ўз-ўзидан ёнишга мойил фойдали қазилма ва жинслар конларини қазилма «Саноатгеоконттехназорат» давлат инспекцияси томонидан тасдиқланган махсус йўриқномаларга мувофиқ амалга оширилиши зарур.

Майдаланган фойдали қазилма узоқ вақт тозаланган бўшлиқда қолдириладиган қазилма тизимини қўллаш, шунингдек, майдаланган қазилмаларни қазилган бўшлиқда қолдириш тақиқланади.

114. Ер ости усулида қазилма олинадиган сувда тез эрийдиган фойдали қазилмалар конларида кон қазилмаларига сув ўтиб кетишини бартараф этувчи тадбирлар амалга оширилиши лозим. Бундай фойдали қазилмаларни шахта усулида қазилладиган конлар майдонида ер ости усулида танлаб эритмага ўтказиш усулида қазилма олиш тақиқланади.

115. Кон ишлари жараёнида халқ хўжалиги ёки илмий қийматга эга бўлган қимматбаҳо, ярим қимматбаҳо ва зебу-зийнат ясаладиган тошлар, оптик ва пьезо электрик кристаллар, музей ва коллекция намуналари, дўзлар ёки бошқа табиат маҳсулотлари намоён бўлган тақдирда корхона раҳбарияти уларни сақлаш ва кейинчалик қазилма олиниши учун шароитлар яратиш учун жавоб беради.

Юқорида санаб ўтилган фойдали қазилмалар топилмалари белгиланган тартибда қидирилиши ҳамда уларнинг захиралари корхона раҳбари томонидан тасдиқланган ва тегишли кончилик ташкилоти билан келишилган махсус лойиҳа

бўйича ажратиб олиниши лозим. Лойиҳада фойдали қазилмалар нобудгарчилиги ёки бузилишини бартараф этувчи массивдан ажралиши, транспортда ташиш ва сақлаш усуллари назарда тутилиши зарур. Ҳисоблаш тарозидида тортиш йўли билан амалга оширилади.

116. Ушбу бўлимнинг 6-бандида санаб ўтилган, шунингдек, қоплама ва бинокорлик тошларининг қимматли турлари бўйича фойдали қазилма конларини эркин қазиб олишнинг уларнинг табиий сифати бузилишига ёки пасайишига олиб келувчи усуллари ҳамда қазиб олишнинг тизимларини, шунингдек, усуллари қўллаш таққиланади.

8-боб. Қазиб чиқарилган фойдали қазилмаларни юклаб жўнатиш ҳамда қайта ишлашга тайёрлаш

117. Корхоналар лойиҳа, техник регламентлар ёки стандартлар талабларига мувофиқ қазиб олинган фойдали қазилмаларни истеъмолчи томонидан минерал хомашёни қайта ишлаш чоғида унинг таркибидаги саноат аҳамиятига эга бўлган компонентлар энг тўлиқ ажратиб олинишини, шунингдек, унинг товар сифати сақланишини таъминлаш мақсадида юклаб жўнатиш ва қайта ишлашга тайёрлашни амалга оширишлари лозим.

Корхоналар фойдали қазилмалар ва компонентларни энг тўлиқ ажратиб олиш ҳамда улардан комплекс фойдаланишни таъминловчи минерал хомашёни етказиб бериш бўйича техник регламентлар ёки стандартларни аниқлаштиришга оид таққилларни киритишлари зарур.

118. Конларни қазиб олиш чоғида минерал-хомашёни қайта ишлаш технологиясини таққиллаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида ундан технологик намуна олиш мунтазам амалга оширилиши лозим. Бунда технологик намуналарнинг минерал таркиб, асосий физик ўхшашликлар ва бошқа таққиллар бўйича таққиллиги таъминланиши керак.

119. Минерал хомашё технологик намуналарини танлаб олишга техник шартлар қуйидаги асосий параметрлар белгиланишини назарда тутиши лозим:

технологик намунанинг умумий оғирлиги ва унинг таркибий қисмлари оғирлиги;

фойдали қазилмалар ва уларнинг ўхшашликларининг табиий ёки технологик турлари, навлари;

ҳар бир фойдали қазилма тури, навининг ўртача кимёвий ва минералогик таркиби, таркибидаги зарарли аралашмалар;

намунанинг танлаш чоғидаги сифат пасайиши.

Ҳар бир технологик намуна учун танлаб олинганлиги тўғрисида далолатнома тузилади ҳамда тармоқ йўриқномасига мувофиқ паспорт тўлдирилади.

120. Истеъмолчига етказиб бериладиган ёки қайта ишлашга жўнатиладиган қазиб олинган минерал хомашёга кон ишлаб чиқаришининг ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунчилик талабларига мувофиқ қатъий ҳисоб ва назоратга олинган якуний таққилоти сифатида қаралиши лозим.

121. Корхона минерал хомашёни самарали тайёрлаш ва унинг миқдорини ва товар сифатини йўқотмасдан истеъмолчига етказиб беришни таъминловчи таққиллар техник восита ва қурилмалар иншоотига, шунингдек, қазиб чиқарилган фойдали қазилмаларнинг минимал захирасига эга бўлиши зарур.

Қазиб чиқарилган минерал хомашёни йиғиш, омбор ва бункерлар сифими ҳамда уларнинг қурилмаси корхона маҳсулдорлиги, фойдали қазилманинг қиймати ва физик-механик ўхшашликларини, хомашёни тайёрлаш, шу жумладан, унинг сифатини барқарорлаштириш, мустақил оқимлар, тур ва навларнинг ажратилиши бўйича технологик операцияларни бажариш зарурияти, шунингдек, механик нобудгарчиликларни бартараф этишни ҳисобга олган ҳолда белгиланади.

Қимматли фойдали қазилмаларни атмосфера омилларининг қазиб чиқарилган минерал хомашёнинг сақланиши ва сифатига таъсир кўрсатадиган шароитда уларни очиқ омборларга тўплашга йўл қўйилмайди. Очиқ омборлардан фойдаланишга алоҳида ҳолларда юқори ташкилот томонидан албатта фойдали қазилмалар нобудгарчилиги ва сифати пасайишининг олдини олиш бўйича махсус чоралар қўрилган шароитда рухсат этилиши мумкин.

122. Қазиб чиқарилган минерал хомашё истеъмолчига унинг техник назорат хизмати ёки корхонанинг бошқа ваколатли махсус хизмати томонидан қабул қилингандан сўнг ҳамда унинг техник регламентлари ёки стандартларига мос бўлган шароитда юклаб жўнатилади.

Минерал хомашёни етказиб беришнинг техник талаблари манфаатдор органлар билан келишилиши ҳамда белгиланган тартибда тасдиқланиши зарур.

Қазиб чиқарилган минерал хомашёни қайта ишлаш чоғида фойдали компонентларни ажратиб олишнинг камайишига олиб келувчи техник регламентлар ёки стандартларни бузган ҳолда етказиб бериш тақиқланади.

123. Омборларда тўпланган ва сақланаётган, кейинчалик юклаб жўнатишга тайёрланаётган ва юклаб жўнатилаётган минерал хомашёнинг миқдори ҳамда сифатини ҳисобга олиш ва назорат қилиш техник назорат хизмати ёки бошқа махсус ваколатли хизмат томонидан амалга оширилади.

Қазиб чиқарилган минерал-хомашё миқдори ва сифатини ҳисобга олиш ва назорат қилиш маълумотлари корхона бўйича: ер қаърида тугатилган, қазилш чоғида нобуд қилинган, қазиб чиқарилган ва юклаб жўнатилган қазилмалар, товар маҳсулотлар, ағдарма маҳсулотлар ва улар таркибидаги фойдали компонентлар захираларининг жамланма балансини тузишни таъминлаши лозим.

124. Омборларда тўпланган ва сақланаётган, юклашга тайёрланаётган ва юклаб жўнатилаётган минерал хомашё сифати ҳамда миқдорини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тартиби ва уни ташкил этиш тармоқ йўриқномаси ёки корхонанинг юқори ташкилот тасдиқлаган йўриқномаси билан белгиланади. Йўриқнома намуналарни танлашнинг тартиби, усули ва такрорланиши даражасини, тортиш қурилмалари, товар хомашё сифати ҳамда миқдорини ҳисоблаш ва назорат қилиш пунктларининг жойлашишини, аниқланган компонентлар ва физик-механик ўхшашликлар, шунингдек, намунани таҳлил қилиш ҳамда уларнинг аниқлигини назорат этиш усулларини белгилаши лозим.

Олинган ахборотлар ишончлилигининг пасайишига олиб келувчи товар хомашё миқдори ҳамда сифатини ҳисоблаш ва назорат қилиш пунктларини жойлаштиришга қўл қўйилмайди.

125. Қимматли фойдали қазилмалар қазиб чиқаришни амалга оширувчи корхоналар технологик жараёнда тақдим этиладиган намуналарни танлаш учун махсус қурилмаларга ёки қазиб олинадиган минерал хомашё сифатини узлуксиз аниқловчи приборга эга бўлишлари зарур.

126. Корхоналарга минерал хомашё етказиб бериш куруқ массани қайта ҳисоблашни ҳамда юклаб жўнатилаётган хомашёнинг товар сифатини ишончли ва тезкор аниқлашни таъминлаган ҳолда оғирлик ҳисоби асосида амалга оширилиши лозим.

Қазиб чиқарилган фойдали қазилмаларни юклаб жўнатишни ҳисоблашнинг вақтинча бошқа усуллари қўллашга истисно ҳолларда Инспекция билан келишиб оғирликнинг ҳисобини мажбурий назорат қилган ҳолда йўл қўйилади.

127. Корхоналар (жўнатувчи ва қабул қилиб олувчи) транспорт сиғимларини мунтазам назорат қилиш ва тозалашни амалга оширишлари лозим.

Минерал хомашёни юклаб жўнатиш чоғида транспортда ташишда унинг нобуд бўлишини бартараф этиш бўйича, шунингдек, хомашёнинг музлаб қотиб қолиши, ёпишиб қолиши ва унинг ифлосланиши ва сифатининг пасайишига қарши чоралар кўрилади. Темир йўл вагонларига юклаб жўнатишда, бундан ташқари, минерал хомашё ҳаво оқимининг таъсиридан, зарур бўлганда атмосфера ёғинларининг зарарли таъсиридан сақланиши керак.

128. Қазиб чиқарилган фойдали қазилмалар миқдори ва сифатининг геологик ва маркшейдерлик маълумотларига қайта ишловчи ишлаб чиқариш (бойитиш фабрикаси)нинг ҳисобга олиш маълумотлари бўйича тузатишлар киритишга йўл қўйилмайди. Қазиб чиқарилган, юклаб жўнатиш ҳамда қайта ишланган минерал хомашё миқдори ва сифатини аниқлашда мунтазам равишда ҳар хилликлар юзага келган тақдирда манфаатдор корхоналар ва ташкилотлар томонидан бу чалкашликлар сабабини аниқлаш ва уларни тузатиш бўйича ўз вақтида биргаликдаги чоралар кўрилиши лозим.

129. Истеъмолчига юклаб жўнатиладиган товар хомашёсининг ҳар бир гуруҳига технологик турлар, навлар ҳамда улар таркибидаги саноат аҳамиятига эга бўлган асосий ва қўшимча компонентлар бўйича минерал хомашё миқдори ва сифати кўрсатиладиган сертификат ёки товар паспорти расмийлаштирилган бўлиши лозим. Сертификатлар ва товар паспортларининг нусхалари операция ўтказилган йил мобайнида корхонада сақланади ҳамда қазиб чиқарилган фойдали қазилмаларни юклаб жўнатишнинг шакли ва тўлдириш тартиби тармоқ йўриқномаси билан белгиланадиган ҳисоблаш дафтари тўлдириш учун асос бўлиб хизмат қилади.

Истеъмолчига товар хомашёни узлуксиз жўнатишда (конвейерлар, пневмогидротранспорт қурилмалари ва жўнатишнинг бошқа узлуксиз технологияси ёрдамида) Жўнатишни ҳисоблаш дафтари жўнатишган минерал-хомашё миқдори ва сифатини бевосита юклаш жараёнида махсус тарозида тортиш қурилмалари ва приборлари ёрдамида аниқлаш маълумотлари бўйича тўлдирилади.

130. Қазиб чиқарилган, аммо вақтинча фойдаланилмайдиган минерал хомашё кейинчалик қайта ишлашга жалб этилиши учун тўпланиши, ҳисобланиши, сақланиши лозим.

Тўплаш чоғида минерал хомашёнинг сув эрозияси, ўзидан ўзи ёниши ва бошқа сабаблар билан нобуд бўлиши ёки бузилишини бартараф этиш тадбирлари кўрилиши зарур. Омбор (ағдарма) ҳудуди сизот ва тошқин сувлари босишидан ҳимоя қилинган бўлиши керак.

Вақтинча фойдаланилмайдиган хомашёни сақлаш жойларини шахта майдонларининг қулаш зоналарида, сурилиш зоналарида ҳамда бевосита шахта (карьер) майдонларини қазилма контурларига яқин жойларда жойлаштириш тақиқланади.

131. Вақтинча фойдаланилмайдиган минерал хомашёни тўплаш ҳосил бўлган хомашё ҳажмини инструментал ўлчашни таъминлаган ҳолда уни сақлаш ва кейинчалик қайта ишлаш технологияси ҳамда муддатларига қараб турлар ва навларга ажратилиб амалга оширилади.

Фойдаланилмайдиган минерал хомашёни сақлаш жойларининг ҳар бири бўйича корхона бош муҳандиси тасдиқлайдиган шаклдаги паспорт юритилиши лозим.

132. Кўп компонентли минерал хомашёдан комплекс фойдаланиш таъминланмаган тақдирда уни юклаб жўнатиш тақиқланади.

Қазиб олинган фойдали қазилмаларни юклаб жўнатишни ҳисобга олишнинг бошқа усуллари вақтинча қўлланилишига торозида ҳисобга олиш усулларига истисно ҳолларда ва Инспекция билан келишилиб йўл қўйилади.

9-боб. Конларни қазилма атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш

133. Фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш корхоналарини қуриш, реконструкция қилиш ҳамда улардан фойдаланишда табиатни муҳофаза қилиш қонунчилиги талабларига мувофиқ ер қаъридан фойдаланиш билан боғлиқ ишларнинг зарарли таъсиридан аҳоли ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги таъминланиши, атмосфера ҳавоси, ерлар, ўрмонлар, сувлар, ҳайвонот дунёси ҳамда атроф табиий муҳитнинг бошқа объектлари, бинолар ва иншоотлар муҳофаза қилиниши, шунингдек, қўриқхоналар, табиат, тарих ва маданият ёдгорликлари қўриқланиши зарур.

134. Корхоналар табиий муҳит ҳолатини ҳамда лойиҳада назарда тутилган табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилишини мунтазам назорат қилиб боришлари керак. Корхоналарнинг тегишли хизматлари табиий муҳитнинг ифлосланиши ва ўзгаришини самарали назорат қилиш учун зарур техник воситалар билан таъминланиши зарур.

Агар фойдали қазилма конларини қазилма чоғида лойиҳавий қарорларни анчагина ёки тўлиқ ўзгартиришни талаб этувчи атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш бўйича янада самарали чораларни қўллаш зарурати пайдо бўлса, корхона бош лойиҳачига лойиҳанинг тегишли бўлимларини ўзгартириш юзасидан техник топшириқ бериши шарт.

135. Фойдали қазилмалар конларини қазувчи, уларга фойдаланиш учун берилган қишлоқ хўжалиги ерлари ёки ўрмонзорлар, сув ҳавзалари ва қирғоқ олди зоналарида геология-қидирув, қурилиш ва бошқа ишларни бажарувчи корхоналар бу ерларда зарурият қолмагач уларни ўзларининг ҳисобидан қишлоқ, ўрмон ёки балиқчилик хўжаликларида фойдаланиш учун яроқли ҳолга, назарда тутилаётган ишлар бошқа ерларда амалга оширилганда уларни ўз йўналиши бўйича фойдаланиш мумкин бўладиган ҳолга келтиришлари зарур. Ер участкаларини яроқли ҳолга келтириш ишларнинг бориши жараёнида бунинг имконияти бўлмаганда ишлар тугатилганидан сўнг, ер майдонларини фойдаланишга берган органлар белгиланган муддатларда, белгиланган тартибда тасдиқланган лойиҳаларга мувофиқ амалга оширилади.

Корхоналар фойдали қазилмалар конларини қазишда ва тупроқ қатламини бузиш билан боғлиқ бошқа ишларни бажаришда тупроқнинг ҳосилдор қатламини четга суриб қўйишлари, сақлашлари ва қайта тикланадиган ерларга ёки каммахсулли ерларга келтиришлари лозим.

Фойдали қазилмалар конларини қазишда кон ишлари технологиясига табиатни муҳофаза қилишнинг қўидаги талаблари қўйилади:

фойдали қазилмаларни қазиб чиқаришда ер имкони бориша кам сарфланиши, яъни қазиб чиқариладиган минерал хомашё бирлигига ер ресурслари сарфи минимал даражада бўлиши;

карьер қурилиши ва кондан фойдаланиш жараёнида ернинг бузилиш ва тикланиш режими энг қулай бўлиши, яъни ернинг бузилиши ва қайта тикланиши орасидаги вақт минимал даражада бўлиши, бузилишларнинг асосий қисмини (айниқса, махсулдор майдонларда) қазилшнинг иложи бориша кейинги даврларига қолдириш;

қазилган бўшлиқ ва бўш жинслар ағдармаларини шакллантиришнинг бузилган ерлардан кейинчалик фойдаланишнинг қабул қилинган йўналишларига асосан қайта тиклаш талабларига жавоб бериши;

кон қазилш комплекси объектларида атмосферага энг кам миқдорда чиқинди чиқарувчи машина ва механизмлардан фойдаланиш;

зарарли моддалар отилиб чиқишининг камайишини, чиқадиган газларни чанг тутиш ва газ тозалаш қурилмаларида тозалани таъминловчи технологик жараёнларни такомиллаштириш ва соддалаштириш;

чангтутгич ва газ тозалаш қурилмаларидан фойдаланиш ва улар ишини ҳамда бошқа табиатни муҳофаза қилиш чора-тадбирларининг бажарилишини назорат қилишни пухта ташкил этиш;

ер ости сувларининг озиқланиши, ҳаракати ва камайиши шароитларининг ўзгаришига олиб келувчи, воронка (чуқур) ҳосил бўлиши, деформацияланиш ва ер юзасининг чўкиши, тез аралашадиган жинсларнинг танлаб эритмага ўтказилишига олиб келувчи гидрогеологик ва муҳандислик-геологик ҳолатлар билан биргаликда олиб бориладиган фойдали қазилмалар конларини очиш усуллари ва қазилш тизимини қўллаш, шунингдек, кон-тайёрлаш ишларини бажариш тақиқланади;

очиқ сув ҳавзаларига маъданланган сувлар, аччиқ ва ишқорли карьер, шахта ва сизот сувларининг тушишига йўл қўймаслик;

маъданланган сувларни тозалашнинг термик, мембран, ион алмашиш ва гидротехник усуллари қўллаш;

карьерларда кон ишларини ривожлантиришни осилма ёндан остки ёнга қараб амалга ошириш, бунда руданинг нобудгарчилиги ва жинсларнинг аралашиб кетиши сезиларли даражада кам бўлади;

горизонтал ва қияликдаги конларни очиқ усулда қазилшда ички ағдарма ҳосил қилиш усулида қазиб чиқариш имконини берувчи очиш схемаси ва қазилш тизимини қўллаш; ташқи ағдарма ҳосил қилиш усулида қазиб чиқариш технологиясини қўллаш тақиқланади; ташқи ағдарма ҳосил қилиш усулида очиш схемаси ва қазилш тизими истисно ҳолларда (руда жисмларининг тиккасига қулаши, конни қазилшнинг мураккаб геологик ва кон-техник шароитлари) Давлат табиатни муҳофаза қилиш қўмитаси билан келишиб қўлланади;

карьерларнинг қабул қилинган параметрлари, қазиш тизимлари ва поғоналар элементлари атроф табиий муҳитга энг кам юкламани таъминлаши зарур;

келгусида утилизация қилинадиган ва қайта тикланмайдиган очиш жинслари ағдармалари, ишлаб чиқаришнинг бошқа чиқиндилари, вақтинча фойдаланилмайдиган минерал хомашё омборлари алоҳида жойлаштирилиши керак;

хомашёнинг ҳар бир турига бир хилда бориш мумкин бўлишини ва эгаллаш майдонининг энг кам бўлишини таъминлаш, техноген конларни яратиш ва қазишнинг технологик жараёнларида минимал меҳнат сарфи ва юқори тежамлиликини таъминлаш.

136. Фойдали қазилмалар конларини қазишда тупроқнинг сув ва ҳаводан нураши ривожланишини, турланишини, ботқоққа айланишини ёки ерларнинг ҳосилдорлиги йўқолишининг бошқа шакллари бартараф этувчи ёки унга тўсқинлик қилувчи чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Очиш жинслари ағдармалари, ишлаб чиқаришнинг бошқа чиқиндилари, вақтинча фойдаланилмайдиган, келажакда фойдаланиладиган ва қайта тикланмайдиган минералхомашё сақлаш жойлари атроф табиий муҳитни муҳофаза қилиш талабларини ҳисобга олган ҳолда шакллантирилиши зарур.

137. Корхоналар аҳолининг ичимлик ва маиший эҳтиёжларини биринчи навбатда қондириш, уларни ифлосланиш ва камайишдан сақлаш, оқова ва шахта сувларининг табиат объектларига зарарли таъсиридан огоҳ қилиш ва уларни бартараф этиш мақсадида ер усти ва ости сувларидан оқилона фойдаланишни таъминлашлари лозим.

Агар бундай таъсирга балиқчилик хўжалиги ҳавзалари тушиб қолса, унда табиатни муҳофаза қилиш органлари билан келишилган, балиқлар, бошқа сув жониворлари ва ўсимликларини муҳофаза қилишни ва уларнинг кўпайиши учун шароитларни таъминловчи чора-тадбирлар ҳам амалга оширилиши керак.

138. Корхоналар сувдан фойдаланиш ва сув истеъмолининг белгиланган режалари, технологик нормалари ва қоидаларига риоя қилишлари, шунингдек, корхонанинг ишлаб чиқариш фаолияти таъсиридаги зонада ер ости ва ер усти сувларининг ҳолатини гидрогеологик кузатиш ва назорат қилишни амалга оширишлари лозим.

139. Тозаланмаган оқова ва шахта сувларини сувли объектларга оқизиб юбориш тақиқланади. Оқова ва шахта сувларини сувли объектларга оқизиш шартлари сув ҳақидаги қонунчилик талабларига жавоб бериши зарур.

Оқизиб юбориладиган сувлардаги турли хил ифлослантирувчи моддаларнинг таркибига доир талаблар бузилган тақдирда бу бузилишларнинг сабаблари аниқланади ва уларни тугатиш чоралари кўрилади. Оқова ва шахта сувларини даволаш тоифасига киритилган сув объектларига, шунингдек, балиқларнинг увулдириқ сочиш ва тўйиниш жойлари ҳамда қишлайдиган чуқурларига оқизиш тақиқланади.

Сув истеъмоли ва сув ажратиш ҳисоби сув ҳақидаги қонунчиликка мувофиқ амалга оширилиши лозим.

140. Конларни қазишда ер ости сувли горизонтлар очилган бўлса, корхоналар бу ҳақда сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилишни тартибга солиш органларига ўз вақтида хабар қилишлари зарур.

Бурғилаш ишларини бажарувчи корхоналар табиий қудуқларни тартибга солиш қурилмалари билан жиҳозлашлари, бу қудуқларни белгиланган тартибда консервация қилишлари ёки тугатишлари лозим.

141. Қуйидагиларни:

оқова ва шахта сувларини тозалаш учун қурилмалар билан таъминланмаган корхоналар ва уларнинг объектларни;

сув қабул қилувчи ва бошқа иншоотларнинг белгиланган тартибда тайёрлангунига қадар конлардаги қуритиш тизимларини;

тасдиқланган лойиҳага мувофиқ балиқ сақлаш қурилмаларисиз сув олиш иншоотларини;

сувни тартибга солиш қурилмалари билан таъминламасдан ва тегишли ҳолларда санитария муҳофазаси зоналарини белгиламасдан сувдаги бурғилаш қудуқларини;

сув омборлари, чиқинди омборлари ва гидроағдармаларни (уларни тўлдириш) лойиҳада назарда тутилган ўзанларни тайёрлаш, шу жумладан бу объектларни фильтрацияга қарши экранлар билан жиҳозлашга оид чора-тадбирларни амалга оширмай фойдаланишга топшириш тақиқланади.

142. Фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш, бурғилаб портлатиш ишлари, жинслар ағдармалари, ишлаб чиқариш чиқиндилари омборларини жойлаштириш ва улардан фойдаланиш атмосфера ҳавосини ифлослантиришни бартараф этиш ёки қисқартириш усуллари бўйича Давлат экология қўмитаси органлари билан келишилган қоидаларга риоя этилган ҳолда амалга оширилади.

Аҳоли пунктларида атмосфера ҳавосини чанг, зарарли газлар, сассиқ моддалар билан ифлослантирувчи манба ҳисобланувчи жинслар ағдармалари ва чиқинди омборларини жойлаштириш, шунингдек чиқиндиларни корхона ҳудудида ва аҳоли пунктларида махсус қурилмалардан ташқарида ёқиш тақиқланади.

Корхоналар атмосфера ҳавосини ифлослантирувчи чиқиндиларни ўз вақтида улардан хомашё сифатида фойдаланувчи корхоналарга ёки ихтисослаштирилган полигонларга олиб чиқишлари лозим.

143. Конларни қазиш чоғида атмосферага чиқадиган чикитларнинг йўл қўйилиши мумкин (бунга барча ифлослантириш манбаларидан отилиб чиқишлар киради) нормативларига қатъий риоя қилиниши зарур.

Атмосфера ҳавосига тегишли нормативлар ўрнатилмаган кимёвий, физик ва биологик омилларнинг зарарли таъсирига Давлат экология қўмитаси органлари томонидан муайян муддатга берилган рухсатномалар бўйича фақат истисно вазиятларда йўл қўйилиши мумкин. Ушбу муддат мобайнида бу омилнинг атмосферага зарарли таъсирининг йўл қўйилиши чегараси нормативлари белгиланиши ва атмосфера ҳавосини муҳофаза қилишга оид чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим.

Ифлослантирувчи моддалар йўл қўйиладиган отилиб чиқиш бўйича белгиланган нормативлардан ошиб кетган ҳолларда корхона зудлик билан бу ҳақда атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш устидан давлат назоратини амалга оширувчи органга хабар бериши ва йўл қўйилган бузилишни бартараф этиш чора-тадбирларини қўйиши зарур.

144. Фаолияти атмосферага ифлослантирувчи моддаларнинг чиқиши билан боғлиқ бўлган корхоналар, ифлослантириш манбалари пайдо бўлган вақтдан қатъи назар, атмосферага ифлослантирувчи моддаларнинг чиқишини тутиш, тўхтатиш ёки тозалаш учун иншоотлар, асбоб-ускуналар ва аппаратлар билан жиҳозланган бўлиши лозим ҳамда бу иншоотлар, асбоб-ускуналар ва аппаратларнинг тўхтовсиз, самарали ишлашини ва соз ҳолатда сақланишини, шунингдек, ифлослантирувчи моддалар миқдорининг ва уларнинг таркиби мунтазам ҳисобини амалга оширишлари зарур.

**10-боб. Фойдали қазилмалар қазиб чиқариш
корхоналарини тугатиш ва консервация қилиш**

145. Фойдали қазилмалар захираларини қазиб тугаллангач, шунингдек, техник-иқтисодий ҳисоб-китоблар ва бошқа асослашлар бўйича конни ёки унинг бир қисmini қазиб давом эттириш мақсадга номувофиқ топилса ёки мумкин бўлмаса конни қазиб қорхона ёки шу қорхонанинг тегишли қисми тугатилади ёхуд консервация қилишга ўтказилади.

Қорхона бўлиқ ёки қисман тугатилганда ёхуд консервация қилинганда кон қазилмалари ва бурғи қудуқлари аҳоли хавфсизлиги, атроф табиий муҳитни, бинолар ва иншоотларни муҳофаза қилишни, консервация қилинганда эса конлар, кон қазилмалари ҳамда бурғи қудуқларини вақтинча тўхтатишнинг бутун даври мобайнида муҳофаза қилишни ҳам таъминловчи ҳолга келтирилиши лозим.

146. Қорхона ёки унинг бир қисмининг тугатилишига фойдали қазилмаларнинг балансдаги захиралари бўлиқ қазиб бўлингандан сўнг, уларнинг кўпайиши, конни қайта қазиб ҳамда балансдан ташқари захираларни қазиб чиқаришга ҳаракат қилишнинг истиқболи бўлмаган тақдирда ва захираларнинг саноат аҳамиятини йўқотган қолдиқлари ҳисобдан чиқарилган шароитда йўл қўйилади.

Қорхонани тугатишда кон қазилмалари ва бурғи қудуқларидан бошқа халқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш имкониятлари бўғрисидаги масала ҳал этилиши лозим.

Фойдали қазилма конларини қазибда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Инспекция ва «Саноатгеоконтехназорат» ДИСи билан келишган ҳолда ер ости кон қазилмаларини узоқ муддат сақлаш ва ундан аниқ мақсадларда кейинчалик самарали фойдаланиш имкониятини таъминловчи мақсадли тайёрлаш амалга оширилган қорхонани ёки унинг бир қисmini тугатиш тақиқланади.

147. Қорхона ёки унинг бир қисmini консервация қилишга кон ёки унинг алоҳида участкаларини техник-иқтисодий, кон-геологик ва бошқа сабаблар бўйича қазиб вақтинча мумкин бўлмаган ёки қазиб давом эттириш мақсадга мувофиқ бўлмаган ҳолларда, асосий кон қазилмалари ва иншоотларини, уларнинг ҳолатини назорат қилиб, мажбуран сақлаган ҳолда йўл қўйилади.

148. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги уларда фойдали қазилмалар қазиб чиқариш билан боғлиқ бўлмаган объектларни жойлаштириш истиқболли деб ҳисоблаган кон қазилмалари мажбуран консервация қилинади.

Бундай қазилмаларнинг консервация қилиниши тартиби ҳамда қазилма вақтинча тўхтатилиши зарур бўлган муддат Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан ҳисобга олинган қазилмаларни тугатишга истисно ҳолларда Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги билан келишган ҳолда йўл қўйилади.

149. Хавфсизликни таъминлаш, фойдали қазилмаларни қазиб олишнинг тўлиқлиги ва ер қаърини муҳофаза қилиш ҳамда кон қазилмаларини бошқа халқ хўжалиги мақсадлари учун сақлаш юзасидан корхоналарни тўлиқ ёки қисман тугатиш ва консервация қилиш тартиби, шунингдек, материалларни расмийлаштириш «Саноатгеоконтехназорат» ДИ, Инспекция ва Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги томонидан тасдиқлаган йўриқнома билан белгиланади.

150. Корхона ёки унинг бир қисмини тугатиш ва консервация қилиш Инспекция ва бошқа манфаатдор органлар билан келишилган ва белгиланган тартибда тасдиқланган махсус лойиҳа асосида амалга оширилади.

Лойиҳалар тегишли тайёргарлик ишлари ва бевосита корхонани тугатиш ёки консервация қилишишларини ўз ичига олиши ва қуйидагиларни назарда тутиши лозим:

балансдаги ҳамда иқтисодий жиҳатдан қазиб олиш мақсадга мувофиқ бўлган балансдан ташқари захираларни қазиб олиш тартиби ва жадвали;

конни такрорий қазилмаларнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги, шунингдек, омборларда сақланаётган ноқондицион фойдали қазилмалар ва ишлаб чиқариш чиқитларидан халқ хўжалигида фойдаланиш тўғрисидаги масалалар ҳамда уларнинг сақланишини таъминлаш чора-тадбирларининг ҳал этилиши;

аҳоли хавфсизлиги, ер қаъри ва атроф табиий муҳитни, бинолар, иншоотларни муҳофаза қилишни таъминлаш, шунингдек, сув ва газ ўтиши (тошиши)ни, ер ости ёнғинларининг тарқалиши ва шунга ўхшашларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирлар;

кон қазилмалари ва бурғи қудуқларидан бошқа халқ хўжалиги мақсадларида фойдаланиш масалаларини ҳал этиш;

корхона ёки унинг бир қисмини тугатиш ёки консервация қилиш усуллари;

ер устидаги ва сувли объектларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ кейинчалик халқ хўжалигида фойдаланиш учун яроқли ҳолга келтириш чоралари;

кон хусусияти, очиш схемаси ва қазилмалар тизими билан боғлиқ бошқа лойиҳавий қарорлар.

Ер ости бўшлиқларининг катта ҳажмларига эга бўлган корхоналарни тугатиш бўйича лойиҳаларга ихтисослаштирилган илмий-тадқиқот ташкилотларининг хулосалари олинishi лозим.

151. Корхона ёки унинг бир қисмини тугатиш ва консервация қилиш қуйидагилар тақиқланади:

лойиҳада назарда тутилган захираларни тўлиқ қазиб олиш ва ер қаърини муҳофаза қилишни таъминловчи барча чора-тадбирлар бажарилгунига қадар фойдали қазилмаларни қазиб чиқариш ишларини тўхтатиб туриш;

ер ости ёнғинлари тўлиқ ва ишончли бартараф этилмаган ҳолларда кон қазиб чиқариш корхонаси ёки унинг бир қисмини тугатиш ва “куруқ” вақтинча тўхтатиш;

сувга аралашадиган (табiiй тузлар, гипслар ва шу кабилар) фойдали қазилмалар қазиб чиқарувчи корхона ёки унинг бир қисмини «намли» вақтинча тўхтатиш;

қазилган бўшлиқ ва омборларда ўз-ўзидан ёнишга мойил фойдали қазилмаларни қолдириш;

фойдали қазилмалар қазиб чиқариш ишларини узоқ вақт тўхтатиб туриш оқибатида коннинг бузилиши ёки ер қаъридаги фойдали қазилмалар захиралари сифатини анча пасайтириши, шунингдек, кон қазилмаларининг қолган фойдали қазилма захираларини ажратиб олиш мақсадга мувофиқ бўлмай қоладиган бузилишига олиб келувчи ҳолатларда корхонани тўлиқ ёки қисман консервация қилиш.

152. Ишларни тўхтатиш даврида тўлдирилган геологик ва маркшейдерлик ҳужжатларининг асл нусхалари сақлаш учун белгиланган тартибда топширилади.

Корхона тугатилганда, шунингдек, беш йилдан ортиқ муддатга консервация қилинганда кон ажратиш далолатномаси Ўзбекистон Республикаси Инспекцияга қайтарилади.

153. Корхона тўлиқ ёки қисман тугатилгандан ёки консервация қилингандан сўнг Инспекция ва «Саноатгеоконтехназорат» ДИ органларининг розилигисиз ва тегишли вазирлик (идора), маҳаллий ҳокимиятнинг буйруғи (фармойиши, қарори) билан расмийлаштирилган рухсатсиз кон қазилмаларидан бирон-бир мақсадларда фойдаланиш тақиқланади.

154. Кон ишлари туфайли бузилган майдонларда иморат қуриш фақат сурилиш жараёни тугагач, Инспекция ва «Саноатгеоконтехназорат» ДИ органларининг рухсатномаси олингач ва қуриладиган объектларга кон ишларининг зарарли таъсирини бартараф этиш бўйича махсус тадбирлар ўтказилгандан сўнг амалга оширилиши мумкин.

11-боб. Ягона қоидалар бузилганлиги учун жавобгарлик

155. Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилишида ҳамда ушбу Қоидаларнинг бажарилмаслигида айбдор бўлган мансабдор шахслар ва муҳандис-техник ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ жиноий, маъмурий, интизомий ёки бошқа жавобгарликка тортиладилар.

156. Корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилганлиги ва ушбу Қоидаларнинг бажарилмаганлиги оқибатида етказилган зарарларни Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан белгиланадиган миқдорда ва тартибда қоплашга мажбурдирлар.

157. Ер ости бойликлари тўғрисидаги қонунчиликнинг бузилиши ва ушбу Қоидаларнинг бажарилмаслиги туфайли етказилган зарар қопланиши билан боғлиқ ҳолда уларнинг айби билан корхона харажат қилишига сабаб бўлган мансабдор шахслар ва муҳандис-техник ходимлар белгиланган тартибда моддий жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 4 декабрдаги
983-сон қарорига
6-илова

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини
йўқотган деб ҳисобланаётган айрим қарорлари
РЎЙХАТИ**

1. Вазирлар Маҳкамасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида” 1997 йил 13 январдаги 19-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 1-сон, 1-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг “Ер ости бойликлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқ норматив ҳужжатларни тасдиқлаш ҳақида” 1997 йил 13 январдаги 20-сон қарори.

3. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш ва айрим қарорларнинг ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2000 йил 30 августдаги 338-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2000 й., 8-сон, 54-модда) илованинг 5-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” 2007 йил 19 июлдаги 147-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 7-сон, 40-модда) илованинг 2-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг “Саноат учун аҳамиятини йўқотган ёки кейинчалик ўтказилган геология-қидирув ишларида ёхуд конни ишга солишда тасдиқланмаган фойдали қазилма захираларини ер ости бойликларидан фойдаланувчининг ҳисобидан чиқариш тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 2007 йил 9 ноябрдаги 232-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2007 й., 11-сон, 63-модда).

6. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида” 2010 йил 17 декабрдаги 301-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2010 й., 12-сон, 69-модда) илованинг 3 ва 4-бандлари.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2011 йил 18 февралдаги 40-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 2-сон, 12-модда) илованинг 1-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг “Ер қаърини геологик жиҳатдан ўрганиш, ундан фойдаланиш ва уни муҳофаза қилиш устидан давлат назорати тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида” 2011 йил 28 июлдаги 220-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 7-сон, 66-модда).

9. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2011 йил 2 ноябрдаги 294-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2011 й., 45-46-сон, 470-модда) илованинг 6-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2012 йил 1 ноябрдаги 313-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2012 й., 11-сон, 79-модда) илованинг 9-банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида” 2013 йил 8 октябрдаги 276-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2013 й., 10-сон, 72-модда) илованинг 9-банди.

12. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳамда баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2014 йил 3 мартдаги 45-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 3-сон, 16-модда) 1-илованинг 7-банди.

13. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида” 2014 йил 17 июлдаги 196-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 7-сон, 73-модда) 2-илованинг 1-банди.

14. Вазирлар Маҳкамасининг “Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматлари кўрсатиш тартибини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2014 йил 31 декабрдаги 377-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 1-сон, 9-модда) илованинг 2 ва 3-бандлари.

15. Вазирлар Маҳкамасининг “Ер ости сувларидан фойдаланиш соҳасидаги фаолиятни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 27 июндаги 430-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 6-сон, 122-модда) 3-илованинг 2-банди.